

Баҳоуддин Нақшбанд номидаги
Бухоро миллий ва умуминсоний
маданият халқ академияси

Бухоро Давлат музей қўриқхонаси
«Нақшбандия» илмий маркази

*Баҳоуддин Нақшбанд таваллудининг
700 йиллигига тухфа*

БАҲОУДДИН НАҚШБАНД

АВРОД

(Тўлдирилган қайта нашр)

«Sano-standart»
Тошкент – 2019

УЎК: 28-472(092)

КБК: 86.38

Б 43

Баҳоуддин Нақшбанд. Аврод (тўлдирилган қайта нашр). Мақола, изоҳ ва шарҳлар муаллифи ва таржимон фалсафа фанлари доктори, профессор Г.Н.Наврўзова. Тошкент: «Sano-standart» нашриёти – 2019. – 112 бет.

Тақризчилар:

Нажмиддин Комилов
филология фанлари доктори, профессор

Сиддиқов Қобилжон
Бухоро Мир-Араб мадрасаси мударриси

Рахматова Холида
фалсафа фанлари номзоди, доцент

Нақшбандия баркамол инсоннинг тарбияси масаласига ёрдам берувчи таълимотлардан биридир. Рисолада нақшбандия таълимотининг асосчиси Баҳоуддин Нақшбанднинг ҳаёт йўли ва таълимоти ҳақида илмий мақола, унинг “Аврод” рисола-си ҳақида маълумот, “Аврод” асари таржимаси, унинг изоҳ ва шарҳлари келтирилган. Рисола тасаввуф илми тадқиқотчилари ва кенг китобхонлар учун мўлжалланган.

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги
Дин ишлари бўйича қўмитанинг 1931-сонли хулосаси асосида
тайёрланди.*

ISBN 978-9943-5908-3-0

© «Sano-standart», 2019.

اوراد شيخ
محمد بن ابي
نقشبندى

بِسْمِ اللّٰهِ الرَّحْمٰنِ الرَّحِیْمِ

اللهم انت الملك الی القیوم الحق المبین الودی
لنا الاله الا انت ربی خالقنی وانا عبدك وانا على
عهدك ووعدك ما استطعت اعوذ بك من
شر ما صنعت ابوء لك بنعمتك على والی ودينك
فانقرض ذنوبی فانك لا یغفر الذنوب الا انت
انت يا الله یا فقار یا غفور سبحان الله و
الحمد لله ولا اله الا الله والله اکبر ولا حول
والقوة الا بالله الاله الی اعظم بعد الاول و
الآخر والظاهر والباطن وهو کل شیء علیم
بحر وحکمت وهدى الاله من لده أخذ وهدى

الاولی
دیگر
شیخ
محمد بن
نقشبندى

“Аврод” асарининг таржимаси ҳақида

Бир қанча олимларимиз, тўғриси камина ҳам ҳазрати Нақшбанднинг ўз асарлари борлигига шубҳа билан қараганмиз. Аммо Гулчеҳра Наврўзова бу фикрнинг хато эканлигини исботлаб берган. Ҳазрати шайх хуфия зикр усуллари билан бирга сўфий такрорлаб юриши, қалбига нақш этиши шарт бўлган “вирд”лар – Парвардигор номлари асосида ёзилган насрий муножот – изҳороти дилни баён этиб, яхлит тизимли асар яратган эканлар. Балки, Нақшбанд ҳазратлари бу асарни ўз қўллари билан ёзгандирлар, балки муридлари ул зотнинг оғзидан ёзиб олишгандир. Ҳар ҳолда Баҳоуддин номи билан боғлиқ бир оҳангда, шоирона пафос билан таржима қилинган. Асар алоҳида ҳолда “Нақшбандия” газетасида чоп этилганини ҳам қайд этмоқчиман.

Тадқиқотчи таржимон бу билан кифояланмай, “Аврод”нинг шарҳларини ҳам ўрганган, бу нарса рисоланинг илмий қийматини янада оширган.

Умуман олганда, ушбу китоб нақшбандияшуносликда, қолаверса, тасаввуфшуносликда яна бир муҳим мувафақиятдир.

Н.Комилов
филология фанлари доктори, профессор.

БАҲОУДДИН НАҚШБАНД – ЖАҲОНШУМУЛ ТАЪЛИМОТ АСОСЧИСИ

Бухорони Шариф ва Шарқ гавҳари сифатида оламга машҳур бўлишига сабабчи бўлган Еттинчи пир сифатида улуғланиб эъзоз этиладиган буюк сиймолардан бири Муҳаммад ибн Муҳаммад ал-Бухорий (1318-1389) бўлиб, у тарихда Баҳоуддин, Шоҳи Нақшбанд, Балогардон, Хожаи Бузрук номлари билан маълум ва машҳурдир. Шунингдек уни “шайхларнинг тузи” – “намаки машойих” ҳам деб аташганлари ҳақида Хожа Аҳрори Валийнинг устози Яъқуби Чархий “Рисолаи унсия” асарида шундай маълумот беради: “Ҳазрати Хожанинг тасаввуфда нисбатлари тўрт хилдир, бири – Ҳазрати Хожа Хизрга; иккинчиси – Ҳазрати Шайх Жунайдга; учинчиси – Орифлар Султони Боязидга; охири – Абу Бакр Сиддиқ ва Ҳазрати Алига етади. Шу сабабли уларни “намаки машойих” (шайхларнинг тузи) дейдилар.¹ Баҳоуддин Нақшбанд ишини ривожлантирган Яъқуби Чархий “Рисолаи абдолия” асарида шундай ёзади: “Фақир айтадики, алҳамдулиллоҳ, Аллоҳ бизга “Қутб ул-иршод”ни кўриш тавфиқини берди ва унинг муборак назарини топдик. Бу ҳазрати Махдумимиз Хожа Баҳоуддин ал-Бухорийдир. Ҳазрати Баҳоуддиннинг ўзлари айтдиларки, йигирма йилдирки, Ҳақ субҳонаҳу ва таъоло бу хизмат хилъатини менга арзон тутгандир. Бу иноятнинг толиблари тўрт юз киши эди. Аллоҳ фазли билан бу иноят менга тегди”. Яъқуби Чархийнинг бу эътирофидан маълум бўладики, Баҳоуддин Нақшбанд ўз замонасининг қутби бўлган ва у киши қутб ул-иршод

¹ Раззоқова М. Баҳоуддин Нақшбандга бағишланган асар. // O'zbekistonda ijtimoiy fanlar – 1999 - №9-10 – 92-бет.

сифатида дунёни тинч сақлашда хизмат қилган.

Баҳоуддин (диннинг нури, шуъласи, равшанлиги) унга кейинчалик берилган фахрий номдир. Нақшбанд (кимхобга нақш солувчи, гул берувчи) унинг отаси ва ўзининг касб-хунари бўлгани учун берилган унвон. У халқ орасида Балогардон, яъни кудрати билан балоқазони даф қилувчи унвони билан машҳур. Ўзининг асл исми Муҳаммад бўлган.¹

Нақшбандия таълимотини Хожа Аҳрордан кейин ривожлантирган Маҳдуми Аъзам Даҳбедий “Силсилат ул-сиддиқин” рисоласида Ҳазрат Баҳоуддинга тавсиф беришга Абдураҳмон Жомийнинг у кишига бағишлаб ёзилган қуйидаги назмий мисраларни келтиради:

Сикка, ки дар Ясрибу Батҳо заданд,
Навбати охир дар Бухоро заданд.
Аз хати он нашуд баҳраманд,
Жуз дили бенақши Шоҳи Нақшбанд.

Мазмуни:

Муқаддаслик муҳрини аввал Макка ва Мадинага
урдилар,
Охирги навбатда уни Бухорога урдилар.
Унинг хатидан фақат бўлди баҳраманд,
Нақшсиз қалбли Шоҳи Нақшбанд.

Баҳоуддин Хожа Муҳаммад Бобои Самосий, Ҳалил Ота, Амир Кулол, Ориф Деггароний, Қусам Шайх ва ҳадис илмини ўргатган бошқа устозлардан ҳам таълим ва тарбия олган.

Манбаларда Баҳоуддин Нақшбанднинг увайсий эканлиги таъкидланган. XV асрнинг ёзма манбаси

¹ Қаранг: Наврўзова Г. Баҳоуддин Нақшбанд. Бухоро: Фалсафа ва ҳуқуқ институти нашриёти. 2009. 171 бет.

бўлган Муҳаммад Порсонинг “Рисолаи қудсия” асарида Баҳоуддин Нақшбанд ҳақида: “Ҳазрат хожа-мизнинг йўллари увайсийлар тариқасидир”¹ деб ёзилади. Навоий ёзадики, “Ҳар кишинингки бу тоифадан зоҳир юзидан пири маълум бўлмаса ва машойихдан бирининг руҳи ани тарбият қилган бўлса, уни увайсий дерлар”.² Демак, увайсийлик – ботиний, руҳлар воситаси ила маънавий, руҳий тарбия бўлиб, хос кишиларга бериладиган зоҳирий тарбияга нисбатан олий мақомдир. Баҳоуддин Хожаи Жаҳон – Абдулҳолиқ Ғиждувоний, Увайс Қараний, Ҳақим Термизийлардан маънавий – руҳий таълим олган.

Баҳоуддин Нақшбанд – комил инсон тимсолидир. Ўзи отаси билан кимхобга нақш боғлаган ва деҳқончилик қилган. Хуфийа зикрда бўлиб, ҳолатини риёдан асраган. Муҳаммад Порсо “Рисолаи Қудсия”да Баҳоуддин Нақшбандга шундай таъриф беради:

Гашт бе кибру, риёю, кина,
Нури қудсиरो рухаш оина
Он лиқои ў жавоби ҳар савол,
Мушкул аз ў ҳал шавад бе қилу қол.

Мазмуни:

Кибр, риё, кинасиз бўлди,
Юзи қудсий нурнинг кўзгуси бўлди,
Унинг юзи барча саволларга жавоб,
Сўзсиз ундан мушкул ҳал бўлади.

Баҳоуддин Нақшбанд жуда камтарин инсон бўлганлар. У кишидан қуйидаги мисралар сақланган:

¹ Порсо Хожа Муҳаммад. Рисолаи Қудсия. – Бухоро: Бухорои Шариф, – 1327 ҳ.й. 58-бет.

² Алишер Навоий. Насойим ул муҳаббат. // Мукамал асарлар тўплами. 20 томлик. Т 17. Т.: Фан. 2001. 24-бет

Ҳеж мо не ва ҳеж мо кам не,
Аз пайи ҳеж ҳеж мо ғам не.
Жанда дар пушт, пушт гӯристон,
Гар бимирем ҳеж мотам не.

Мазмуни:

Ҳеч киммиз ва ҳеч кимдан кам эмасмиз,
Ҳеч учун ҳеч бир ғам емасмиз.
Жандамиз орқамизда, орқамиз гӯристонда,
Ўлсак агарда биз учун мотам эмас.

Баҳоуддин Нақшбанд ҳаётлари давомида мудом муҳтож, ожиз инсонларга ёрдам қўлини чўзган ва буни хуфёна амалга оширган. Умрининг етти йилида ҳайвонларга қараган, етти йил йўлларни тозалаган, етти йил ҳалол луқма учун риёзат чеккан. Умуман у бутун борлиққа шафқат билан, меҳр-муҳаббат билан муносабатда бўлиб, ҳаётида фақат эзгу ишларни амалга оширган. Шунинг учун унинг ҳаёти биз учун ибратдир.

Баҳоуддин Нақшбанд жуда инсонпарвар ва бағрикенг инсон бўлганлар. У киши шундай деганлар: “Тодаринҳирқаеммо, ҳамнаранжем, ҳамнаранжонем” – “То шу ҳирқа (сўфийлик кийими)да эканмиз, яъни шу йўлда юрибмиз бировдан ранжимаймиз ва бировни ранжитмаймиз”. Шогирдларига қуйидаги мисраларга амал қилиш лозимлигини уқтирганлар:

Некувонро дўст дорад ҳар ки бошад дар жаҳон,
Гар бадонро дўст дори гўй бурди аз миён

Мазмуни:

Яхшиларни жаҳонда барча яхши кўради,
Агар сен ёмонларни ҳам яхши кўрсанг шунда
ғалаба қиласан.

Баҳоуддин Нақшбанддан: “Нега сизга хизмат қилувчи қул, ходим йўқ? – деб сўраганларида, у киши – “Хожалик бандалик билан мос келмайди” деганлар.

Баҳоуддин Нақшбанднинг инсоният камолотидаги ўрнини манбалар ва у кишининг “Аврод” асарлари асосида таҳлил этсак унинг абадиятига асос бўлган қуйидаги тарихий хизматлари намоён бўлади:

Баҳоуддин Нақшбанднинг асосий хизмати жаҳоншумул нақшбандия таълимотини яратди. Бу таълимот ўзигача бўлган барча тасаввуфий таълимот ва йўлларнинг энг яхши томонларини олган. Бу камолот йўли меъёрдаги, ҳушёрликка асосланган мумтоз таълимотдир. Шунинг учун нақшбандияни барча тариқатларнинг зубда ва хулосаси деб айтадилар.

Ҳазрат Алишер Навоий “дилкаш”, “дилнавоз”¹ деб тавсифланган нақшбандия таълимоти Баҳоуддиннинг Шоҳ Нақшбанд номидан олинган бўлиб, унинг ғоялари асосида шаклланди. Бу таълимот Бухорои Шарифда вужудга келди ва кейинчалик жаҳонга тарқалди. Баҳоуддин Нақшбанд бу таълимотни яратиб, Бухорои Шарифнинг Еттинчи пири сифатида дунёга танилди. Чунки у киши Бухоронинг олти пири бўлган – Абдулхолиқ Ғиждувоний, Ориф Ревгарий, Маҳмуд Анжир Фағнавий, Хожа Али Ромитаний, Муҳаммад Бобои Самосий, Ҳазрат Амир Кулолларнинг яратган хожাগон таълимотини қабул қилиб, унинг асосида янги нақшбандия таълимотини яратди. Баҳоуддин Нақшбанд хожাগон таълимотидаги саккиз тамойил – “Ҳуш дар дам”, “Назар бар қадам”, “Сафар дар Ватан”, “Хилват дар анжуман”, “Ёдқард”, “Бозгашт”, “Нигоҳдошт” ва “Ёддошт”га урта тамойил – “Вуқуфи

¹ Алишер Навоий. Ҳайрат ул-аброр. Тўла асарлар тўплами. 6-жилд. Т.: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт – матбаа ижодиёт уйи. 2011. 82-бет.

замоний”, “Вуқуфи ададий” ва “Вуқуфи қалбий”ни киритиб, ўн бир тамойил асосида инсонни баркамол этишда аҳамиятли бўлган янги таълимотга асос солди. Бу таълимот “Даст ба кор, дил ба Ёр” – “Қўл ишда, қалб Оллоҳда” ва “Нақш банд, ба дил банд” – “Нақш боғла, қалбда боғла” шиорлари асосида амал этган.

Баҳоуддин Нақшбанд таълимотининг моҳияти инсон ва унинг камолоти масаласидир. Баҳоуддин Нақшбанд “Аврод” асарида инсоннинг “шариф”, яъни мавжудотлар ичида энг мукаммал қилиб яратилганлиги ҳақида ёзади. Асарда Қуръони Каримда Аллоҳ Одамни яратар экан барча фаришталарни унга сажда қилишга буюргани, зеро, У инсонни ўзининг ердаги халифаси, яъни ўринбосари сифатида яратгани ҳақидаги оятларининг моҳиятини очади. Демак, Баҳоуддин фикрича, инсон бу оламдаги ўз ўрни, асл моҳиятини билиши лозим. Инсон Аллоҳнинг ердаги халифаси эканлиги ва унинг барча сифат ва исмларини ўзлаштириб, куч-қудратини намойиш этиш учун яратилганлигини билиши ва шунга мос амал қилиши керак. Инсон бутун борлиқни ўзида акс эттирган мукаммал зот эканлиги ва бу камолот даражасига етмоқ учун Аллоҳнинг олий, пок куч-қувватлари билан узвий боғланишда бўлиши зарурлиги уқтирилади.

Баҳоуддин Нақшбанд инсонни Аллоҳ яратганини ва у бутун борлиқдаги энг мукаммал мавжудот эканлигини тан олади. Баҳоуддин “Сен менинг парвардигоримсан, мени халқ қилгансан”¹ деб таъкидлайди. У бу иборалар билан инсон Аллоҳ амри билан яратилганлигини, таъкидламоқда. Бу билан инсоннинг асли, яратувчиси, парвардигори Аллоҳ

¹ Шайх Муҳаммад Баҳоуддин. Авроди Баҳоийя: Қўлёзма. Россия ФА. С-П филиали, инв. N.3464. - В.25.

эканлигини кўрсатиб, унинг илоҳий хусусиятга эга эканлигини айтмоқда. “(Эй, Тангри) Сен ўз қўлинг билан бизни яратдинг, парвариш этдинг ва барча касрат – кўплик орасида бизни энг юксакликда қўйдинг”¹ – деб Баҳоуддин Аллоҳ томонидан яралган нарсаларнинг барчасидан инсон мукамаллиги ва юксакликда турганлигини уқтирмоқда.

“... бизни энг юксакликда қўйдинг” – ибораси билан Ҳазрат Баҳоуддин инсонни Аллоҳ халқ қилган, яъни яратгани ва инсон бутун мавжудотлар – фаришта, ҳайвон, ўсимлик ва бошқалар ичида энг мукамал бўлганлиги ва шунинг учун ҳам илоҳий сифатларни эгаллай олишини эътироф этади. Баҳоуддин бу ибора билан инсонни Аллоҳнинг ердаги халифаси эканлигини айтади. У доимо шу номга муносиб бўлиш учун ҳаракат қилиш лозимлигини таъкидлайди.

Баҳоуддин фикрига кўра инсон икки нарсдан таркиб топгандир. Биринчиси – жисм бўлиб, у Халқ оламидандир. У мавжудотнинг зоҳири – шакли, кўринишидир. У маконда мавжуд. Унинг озиғи ҳам шу Халқ оламидандир. Иккинчиси руҳ бўлиб, у Амр оламидандир. У мавжудотнинг ботинидир. Унинг ҳадди йўқ ва озуқаси ҳам ўша оламдандир.

“Канз-ал ибод” даги шарҳлар гувоҳлик берадики, Баҳоуддин Нақшбанд “Аврод” асарида эътибор берган масалалардан бири руҳ ва нафс тушунчаларидир. Буларни изоҳлашда Баҳоуддин латиф ва касиф тушунчаларини қўллаган. У руҳнинг латифлиги ва нафснинг касифлигини таъкидлаб, руҳнинг Амр олами билан ва нафсни халқ олами билан боғлиқлигини айтган.²

¹ Ўша асар.

² Ғури Али бин Аҳмад. Канз ал-Ибод фи Шарҳ ал-Аврод: Қўллёзма. Ўз ФАШИ, инв. N.2393.-В.7а.

Шоҳ Нақшбанд “Аврод” рисоласининг охирида шундай сўзларни ёзган:

“Сенинг буюклигинг ва илоҳийлигингдан сўрайман:
Бизга инсоний хислатларни ато қил!

Бизнинг руҳимизни фаришталаринг билан олий даражага кўтаргин.

Ё ҳол ва қувватларни ўзгартира оладиган зот!

Бизнинг ҳолимизни яхшиликка томон ўзгартир!”

Маълум бўладики, Баҳоуддин аввало инсоний хислатларни ато этилишини сўраган. Яъни инсонни бу ҳаётда яшашдан мақсади тўла инсоний хислатларни эгаллаб, шу улуғ номга муносиб амал қилиш экан. “Бизнинг руҳимизни фаришталаринг билан олий даражага кўтаргин” деб, Баҳоуддин инсонни ўз асли – илоҳийлик мақомига етишини сўрамоқда. Шоҳ Нақшбанд инсон ҳолати жуда муҳим эканлигини англаган ва уларнинг ҳол ва қувватини яхшиликка томон ўзгартиришни Оллоҳдан илтижо қилиб сўраган. Чунки илм бутун вужудга сингиб эзгу ният, эзгу амал, эзгу куч-қувватга айланса бутун инсоният манфаатига хизмат қилади. Бундай комил инсон борлиққа ҳаёт бағишлайди.

Баҳоуддин Нақшбанд инсонни маърифатли бўлишига махсус эътибор берган. Тасаввуф таълимотида маърифат – инсон руҳий камолотининг шариат ва тариқатдан кейинги учинчи босқичидир. Бу илоҳий иноят билан бериладиган бир даража бўлиб, бундай мартабага юксалган шахс Аллоҳни танийди, яъни у, аввало, ўзлигини англайди, аслини билади ва шу орқали худосини кўради. Тасаввуфдаги “Худшуноси – худошуноси аст” яъни, “Ўзини, ўз нафси ва руҳини таниган киши Аллоҳни ҳам танийди”, деган гап маърифатли бўлишнинг асл моҳиятини очиб беради. Ориф Ревгарийнинг

“Орифнома” асарида маърифатга катта эътибор берилган. Унда шундай ёзилган: “Маърифатнинг чегараси – нафсдан холи бўлмоқ ва бунинг таъбири (усули) ҳалол нарсалардангина баҳраманд бўлмоқни одат қилмоқдир. Маърифат – қалбнинг Аллоҳ таоло ягоналигини тасдиқ этмоғидир”.¹ Унинг самараси – Аллоҳ томон юз тутмоқдир.

Баҳоуддин Нақшбанд маърифатни кенг маънода тушунади. У руҳий камолотнинг асосий мақсадини маърифатли бўлишдир, деб билади. Маърифатни – ижмолий (қисқа) ва тафсилий (тўлиқ), деб иккига ажратади. Баҳоуддиндан сўрайдилар: “Сайру сулукдан мақсад нима?”. У жавоб беради: – “То ижмолий маърифат тафсилийга айлансин”,² яъни солиқ хабарчидан қисқагина қабул қилинган нарсани, тафсил йўли билан тўла таниб олсин. Баҳоуддин ижмолий маърифат босқичида далилу ҳужжат воситаси билан, яъни ақлу тафаккур ила амал қилиш мумкинлигини айтади. Тафсилий маърифат мартабаси эса кашф ва аёнлик ила, яъни Аллоҳ инояти орқали ҳосил бўлади, дейди. Баҳоуддин Нақшбанд “Ҳаққа етиш талабида бўлган солиқларнинг асл мақсади тафсилий маърифатдир”,³ яъни Ҳаққнинг талабида бўлган инсон – бутун Кулға тўла сингиб кетиши сайру сулукнинг охириги мақсадидир, деб белгилаган.

Ҳазрат Баҳоуддин “Тавҳидга етиш осон, лекин маърифатли бўлиш мураккаб жараён, шунинг учун унга пиру муршид раҳбарлиги орқали етишиш мумкин”,⁴ дейди. Тавҳид – Аллоҳнинг ягоналигини идрок этишдир.

¹ Хожа Ориф Ревгарий. Орифнома. Қўлёзма. В.5а.

² Муҳаммад Боқир. Мақомоти Ҳазрат Хожа Нақшбанд. Бухоро. Бухорои шариф. 1327 х.й. 56-бет.

³ Порсо Хожа Муҳаммад. Рисолаи қудсия. Бухоро. Бухорои шариф 1327 х.й. 127-бет.

⁴ Мақомот. 62-бет.

Нақшбанд Ҳаққа етиш йўлининг ўзни танишдан бошланиши, бу йўлда асосий тўсиқ, кишининг ўзи эканлигини таъкидлайди. Инсон маърифатли бўлиши, ўзини англаши, ўрганиши учун аввало ўз-ўзини бошқара олиши, барча қувватларини илоҳий йўлга сарфлаши, бутун вужудини идора этиб, уни руҳий камолот учун сафарбар этиши керак. Шунинг учун Баҳоуддин покланиш керак деб қуйидагиларни таъкидлайди: “Ҳақ йўлининг аввали ботиндан ёмон сифатларни йўқотишни талаб этади. Билгинки, ердан яхши ҳосил олиш учун уни барча хашаку хаслардан тозалаб, кейин уруғ сепилади. Худди шундай ботинни поклаб, сўнг унга зикр уруғини сепиш керак”.¹

Баҳоуддин Нақшбанд маърифатли бўлишни фано ҳолати билан боғлайди. У фано ҳолатига етгандан сўнг кишига маърифатнинг сирлари очилади дейди. Бунинг учун барча ҳижоб тўсиқлар бартараф бўлиши керак. У яна таъкидлайдики, илм ва ақлнинг йўли то фано соҳилигачадир, яъни бу моддий олам билан боғланган нарсаларни ўрганишда илм ва ақл кўмаклашади. Фано ҳолатига етиб йўқлик оламига киргандан кейин ҳайрат ва бенишонлик бошланади. Яъни тафсилий билиш жараёнида далил ва исбот эмас, нораціонал билиш усуллари зарурлигини айтмоқчи бўлади. Бу жараённи Нақшбанд шундай таърифлайди: “Таниш шухуддан вужудга келади. Шухуд вужуддан эмас, унга зиддир”.² Яъни бу ирфоний жараёнда ақл эмас, руҳий билиш, қалб кўзи асосий ўринни эгаллайди. Бу “кўз” билан ғайб олами сирларини кўриб бўлади. У далилу бурҳондан сўнг кашфу аён мартабасига ўтилишини таъкидлайди.

Бу жараёнда ҳосил бўлган илмга эса у яқин –

¹ Рисолаи қудсия.78.

² Мақомот. 62-бет.

шаку шубҳа бартараф бўлган ҳақиқий илм, деб таъриф беради. “Яқинни бизга бер: у дунё ва охираат мусибатларини кеткизади”,¹ дейди Баҳоуддин. Яқин, Нақшбанд фикрича, асл зотнинг нуридир, инчунин унинг илоҳий сифатларини идрок этишдан иборат.

Баҳоуддин “Аврод”ига ёзилган “Канз-ал ибод” шарҳида “яқин” уч даражада бўлиши кўрсатилган:

1. Илм-ал-яқин – бу Асл зотнинг нури ва илоҳий сифатларини билиш, у далиллар босқичидан бошланади. Бу илмга эга бўлганларнинг ҳоли маърифат бўлади ва бу даража авлиёлар мартабасига тўғри келади.

2. Айн-ал-яқин – бу босқичдаги билиш футуҳлар билан боғлиқ кечади. Унинг ҳолати жамъдир. Бу даража хос авлиёлар мартабасидир.

3. Ҳаққ-ал-яқинда инсон муфассал билимга эга бўлади. Унинг ҳоли жамъ ул жамъдир. Бу расул ва набийлар ва ҳақиқат аҳлининг даражасидир.²

Илм ал-яқин – тасаввуф маърифатининг аввалги зинаси бўлиб, у илоҳий моҳият касб қилингандан сўнг ҳосил бўлган билиш орқали амалга ошади. Бу, асосан моддий олам маърифатига мансуб бўлиб, сўфий яқин, аниқ, шак-шубҳасиз тушунадик, моддий оламда кўринаётган барча нарсалар илоҳий зот исмлари ва сифатларининг равшан, яққол кўринишидир. Илм ал-яқин орқали у далил ва исботлар, ақлий муҳокама юритиш воситаси билан ҳақиқат нурининг зуҳурига ишонч ҳосил этади, яъни унда ҳеч қандай шаку шубҳа қолмайди. Бу билиш босқичидан кейин касб қилинмаган билиш йўлига ўтади ва нафсини поклаш орқали ҳақиқатга етади. Сўфийлар шунинг

¹ Шайх Муҳаммад Баҳоуддин. Авроди Баҳоийа: Қўлёзма. 25а-варақ.

² Ғури Али бин Аҳмад. Канз ал-ибод фи шарҳ ал-Аврод: Қўлёзма. ЎзФАШИ, инв. N2393. 464 ҳ.й.-В.50а.

учун ҳам маърифатни ақлий далиллар, мушоҳада ва мукошафага ажратадилар. Илм ал-яқинда – далил, исбот, айн ал-яқинда – баён, ҳаққ ал-яқинда – аённи шарт қилиб қўядилар. Сўфийлар илм ал-яқин даражасида бўлганларни уқул – ақллар асҳоби, айн ал-яқиндагиларни улум – илмлар асҳоби ва ҳақ ал-яқиндагиларни маъориф – орифлар асҳобига мансуб, дейдилар.

Баҳоуддин “Яқинни бизга бер” деганда қалбдан шак-шубҳани кеткизмоқни назарда тутуди, чунки қалбдаги бу туйғу инсон билан Аллоҳ ўртасидаги энг катта тўсиқдир. Баҳоуддин бу ҳақда шундай айтган:

Гарчи ҳижоби ту берун аз ҳад аст,
Лек ҳеч ҳижобат чу пиндор нест.¹

Мазмуни:

Сенинг ҳижобларинг ҳаддан ташқари кўп бўлса-да,
Лекин бирорта ҳижоб пиндор – гумон, шак-шубҳа
каби эмас.

Баҳоуддин Нақшбанднинг ирфоний таълимотида вужуд билан шухуд тушунчаси қарама-қарши туради. Ақл ва илм вужуд билан боғланган ва далил ҳужжат босқичи, дейилса, шухуд кашфу аёнлик даражаси бўлиб руҳият билан боғлангандир. “Ғиёс ул-луғот” да ёзилишича, шухуд солиқларнинг истилоҳида “Ҳаққни кўриш, билиш, таниш демақдир”.² Шухуд даражасига етган солиқ сурат, касрат мартабаларидан ўтиб аёний тавҳид мақомига етади. Кўпликнинг суратига қараб туриб, шунинг жамулжамида Ҳаққни мушоҳада этади. Унда Оллоҳдан ўзга нарса ва ҳодисалар мушоҳадасининг ўзи тўла йўқ бўлади ва ҳар нарсагаки

¹ Мақомот. 71-бет.

² Ғиёс ул-луғот. 1-том. – Душанбе: Адиб, 1987. 417-бет.

кўзи тушса, унда фақатгина Ҳаққни кўради.

Баҳоуддин маърифатли бўлишда руҳий камолот босқичлари, бинобарин бундаги нафсга қарши муҳолифатда бўлиш ила сабр фазилатининг ўрнига алоҳида урғу беради. Баҳоуддин маърифатли бўлиш жараёнида ҳалол лўқма ва ҳушёрликка алоҳида эътибор бериб, ўзи фақр йўлини ихтиёр этган ва шу боис муридларига “ҳуш дар дам” талабини шиор қилиб қўйган эди.

Баҳоуддин Нақшбанд вақт ҳақидаги илмни инсон камолотининг асосига қўйди. Баҳоуддин Нақшбанднинг тарихий хизматларидан бири “Вуқуфи замоний” – “Замон, вақтдан огоҳлик” рашҳа – ҳаётбахш ўғитларини нақшбандия таълимотининг асосий тамойили сифатида киритди. Вуқуфи замоний – инсон ўзи яшаётган давр, замон қандай кечаётганлигидан огоҳ бўлиши, умр бир бор берилиши ва инсон уни хайрли, эзгу ишларга сарф этиши лозимлиги, ғафлатда қолмаслик, лоқайд бўлмаслиги, огоҳ, ҳушёр, дахлдор бўлиши деган мазмун – моҳиятни англатади.

Ҳужвирий “Кашф ул маҳжуб” асарида вақт илми ҳақида ёзган, Муҳосибий ўтган вақтни доимо ҳисоб-китоб қилиб туриш лозим деган, Абдуҳолиқ Ғиждувоний “умр энг улуғ сармоя, йўқотилган вақт шу сармоянинг беҳуда сарфланиши” деб, уни асраш лозимлигини васият қилганлар. Ориф Ревгарий “Орифнома” асарида – “Вақт қилич каби кескирдир,” деган. Умуман тасаввуф аҳли вақтни жуда қадрлаган. Ҳожагон таълимотида Юсуф Ҳамадоний томонидан киритилган “Ҳуш дар дам” тамойилида ҳам мазкур ғоя акс этади. Аммо Баҳоуддин Нақшбанднинг хизмати шундаки, “Вуқуфи замоний” рашҳасини назарий жиҳатдан асослаб, нақшбандия тариқати амалиётида

жорий этганлигидир. Баҳоуддин “Имрӯз бубин бо дидаи ботин жамоли дўст, эй беҳабар ту фардо чи куни?” – “Бугун ботин кўзинг билан ҳақиқатни англа, эй беҳабар эртага нима қиласан?” деб, бугун сен тирик, сенда эзгулик қилиш, ўқиш, ўрганиш имкони бор, ўтган вақт ўтди, кейинги вақт келадими ёки йўқми, яна эзгу иш қилиш учун имкон бўладими ёки йўқми, шунинг учун инсон ҳар он, ҳар нафас, ҳатто нафаслар орасидаги вақтни ҳам ғанимат билиши ва бу бебаҳо, қайтиб келмайдиган имкониятдан унумли фойдаланиши лозим, – дейди.

Баҳоуддин Нақшбанд асослаган нақшбандия таълимотида инсон фаол ҳаёт тарзини ўтказиши кераклиги қайд этилади. “Даст ба кору, дил ба Ёрлик”, хилватнинг анжуманда бўлиши, сафарнинг Ватанда қилиниши бунга имкон бериши билан бирга нақшбандияда робита деган амалиёт киритилган. Нақшбандия йўлидаги инсон робита амалиёти орқали ўз-ўзини таҳлил этиб туради. “Робитаи ҳузур”, “Робитаи мавт”, “Робитаи муршид”, бир томондан эркин меҳнат фаолиятини олиб бориб эътиқод қилишга имкон берса, иккинчидан инсонни ҳар бир ўтган вақт, замонини таҳлил этишга ўргатади. Нақшбандия вақтдан тўғри фойдаланиш натижасида инсон “ибн ул вақт” – вақт ўғли, “абдул вақт” – вақт отаси даражасида улғайиши ва вақтни ўз измида бошқара олиши мумкин деган.

Баҳоуддин Нақшбанднинг “вуқуфи замони” тамойили нафсни жиловлаш учун жуда катта аҳамиятга эга. “Бу қоидага асосан, банда ҳамиша ўз аҳволидан воқиф бўлмоғи лозим, токи ҳар бир сифат ўзгаришда (замонида) банданинг ҳоли қандай кечади, мавжиби шукр бўладими ёки мавжиби узрми.

Бу солик (Ҳақ йўлидан бораётган киши) ўз умридаги ҳар бир дақиқани, яхшилиқ (хайр) билан ўтдими ёки ёмонлик (шарр) билан ўтдими, буни доимо ҳисоб-китоб қилиб яшамоғи даркор”¹ дегани. Демак, “вуқуфи замони”га асосан Ҳақ йўлидан бораётган шахс ўз аҳволини назорат қилиши, тўғри иш қилган бўлса шукр қилиши, гуноҳ қилган бўлса истиғфор айтиб, Оллоҳдан мағфират сўраши лозим. Мавлоно Яъқуби Чархий маълумот берадиким, ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд менга, оғир ҳолатимга истиғфор этишга, тавба қилишга ва яхши, хуш аҳволимда шукр этишга амр этардилар ва шу икки ҳолатга риоя этиш вуқуфи замони эканлигини айтар эдилар.

Вуқуфи замонийда асосий тушунчалардан бири муҳосабадир. Муҳосаба – орифлар руҳий камолининг йўлидир. Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд бу йўл – орифларнинг Ҳаққа етиш воситасини шундай изоҳлаган: “Муҳосаба – ўтган ҳар бир соатимизни ҳисоблаш ва текширишдир. Ўтган ҳар бир соатимиз, нафасимиз ва замонамиз ҳузур билан ўтдими ёки нуқсон биланми, агар ҳаммаси нуқсон билан ўтган бўлса қайтамиз ва амални бошидан бошлаймиз”.²

Баҳоуддин Нақшбанд муҳосаба билан вуқуфи замони тушунчасини бирмаънода ишлатади.³ Муҳосаба даражасига етиш учун ориф вақтнинг қадрини биладиган бўлиши керак. Нақшбандия тариқати аҳли орасида бутун тасаввуф аҳлига хос бўлганидек, вақт жуда қадрланган. Вақтнинг нақадар қимматли ва азиз эканлигини билиш лозимлигини солиқларга уқтирганлар. Уни бекорга зое этиб сарфлашдан уларни сақлаганлар. Зеро, вақт – нақддир. Уни ортга

¹ Кошифий Фахриддин Али бин Хусайн Воиз ас-Сафий. Рашаҳот айн ал ҳаёт. Т.: Орифхонов. 1337. 26-бет.

² Ўша ерда. 66-бет.

³ Мақомот. 64-бет., Рашаҳот. 26-27-бетлар.

қайтариб бўлмайди. Шунинг учун солиқлар йўлнинг қайси мартабасида бўлсалар ҳам вақтни муҳофаза ва муҳосаба этиб, уни зое этмасликка ҳаракат қилганлар. Туркиядан чиққан “Тасаввуфий ахлоқ” деган китобда муҳосаба ҳақида гап кетганда қуйидаги мисралар ёзилган:

Нақди умри йўқ ерга сарф этма ғафлат айлайиб,
Ҳар замон тоатда бўл, ул ғафлатла эптар бўлмагил.
Вақтингга олим бўлиб, дарк айла дуру нафъини,
Бўлма жоҳил вақтингга, хусронга мазҳар бўлмагил.¹

Вақтни сақлаш, асраш учун бу таълимот кундузлари – рўзадор, кечалари бедор бўлишни талаб этади. Яъни вақтни ейиш ва ухлашга сарфламасдан, меъёрида ейиш ва ухлаш керак, дейди. Қалбни беқарорликдан, Оллоҳдан ўзгага боғланишлардан ҳимоя этиш, тилини қуруқ сўздан, кўзини фойдасиз нарсага боқмоқдан, қулоқларни кераксиз ва гуноҳкор овозлардан, оёқларини беҳуда ерга, гуноҳга ботган жойларга боришдан муҳофаза эта олиши керак. Ҳаром ва шубҳали нарсаларни ейишдан жуда ҳам сақланиши керак. Ахлоқи замимани тўлалигича тарк этиши, бу моддий дунёдаги тааллуқотларини узиши лозим. Дангасалиқдан жуда сақланиш керак.

Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд асослаган бу тариқат аҳли ўртасида унинг шундай фикри машҳур бўлган: “Мусибатлар жуда кўпдир. Энг буюк мусибат эса вақтнинг фойдасиз, бекорга кетишидир”.²

Муҳосаба вақтида ориф ҳар бир нафасини назорат қилиши ва агар ғафлат билан ўтган бўлса бозгашт

¹ Ахмад Заҳид Кутку. Тасаввуфий ахлоқ. Истанбул: Сена, 1985. 102-бет.

² Ўша жойда.

қилиш керак,¹ яъни ишни қайтадан бошлаши лозим дейди.

Баҳоуддин Нақшбанд “Вуқуфи замоний” рашхасининг асосида “хуш дар дам” талаби туради. Баҳоуддин “хуш дар дам”ни нақшбандия таълимотига асос сифатида қабул қилган. У асослаган нақшбандия тариқатига “хуш дар дам” рашха сифатида кирган. Баҳоуддин Нақшбанд «хуш дар дам»ни изоҳлаш учун айтган қуйидаги рубойиси сақланган:

Эй, монда зи баҳри илм дар соҳил айн,
Дар баҳр фароғат асту дар соҳил шайн.
Бардор сафи назар зи мавжи кавнайн,
Огоҳ зи баҳр бош байнул нафасайн.²

Мазмуни:

Эй илм эгаллаш учун денгиз соҳилида очиқ кўз билан турган киши,
Денгизда фароғат бору, соҳилида ёмонлик.
Тўлқинларнинг талотўпидан қарашларингни кўтаргин,
Нафасларинг орасида ҳам денгиздан огоҳ бўлгин.

Баҳоуддин Нақшбанд бу мисралар орқали ҳар бир дам у ёқда турсин, ҳатто нафасларинг орасини ҳам ғафлат билан ўтказмагин, мудом оламнинг моҳиятидан огоҳ бўлгин деб ҳақиқат талабида бўлганларга мурожаат қилмоқда. Бу шеърда “айн” кўз, дида назар маъносида келиб, “шайн” ёмонлик, айб маъносини англатади. Бу рубойидан шундай натижа чиқадики, сен соҳилда очиқ кўз билан туриб билишинг лозимки, олам моҳияти – денгизни

¹ Рашаҳот. 26-27-бетлар.

² Рашаҳот. 21-бет.

англашда фароғатдир. Соҳилда эса мавжлар сени мафтун этади, аммо ёмонлик яшириндир. Шунинг учун инсон ҳар нафасда олам моҳиятидан огоҳ, ҳушёр бўлиши вақтини зарурий нарсага сарфлаши ва шаклан чиройли, лекин ўткинчи нарсалар уни мафтун этмаслиги лозим.

Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд “ҳуш дар дам”ни шундай изоҳлаганлар: “банои кор дар ин роҳ бар нафас мебояд кард, чунонки, иштиғол ба вазифа ба ҳама замону ҳол, аз тафаккури мози ба тафаккури мустақбил машғул гардонад, нафасро нагузаронанд ва дар хуруж ва духули нафас бе ҳифзи мобайни нафас саъй намояд, ки бо ғафлат фуруъ нараваду бар наояд”.³ Мазмуни: Барча ишларнинг асоси нафасдадир. Йўл юрувчи ишида ҳаракат қилиши лозимки, замоннинг муҳим вазифаси билан шуғулланишда хаёлни ўтмишдан ва фикрни келажакдан озод этсин ва ҳар бир нафасни зое этмасликка уринсин. Нафаснинг кириши, чиқиши ва икки нафас ўртасини эҳтиёт қилсинки, нафас ғафлат билан кириб чиқмасин.

Баҳоуддин Нақшбанд огоҳликка ҳамма ерда, хусусан таом тановвулида риоятни шарт, деганлар. Агар дарвешлардан бир киши луқмани ғафлат ичра егувчи бўлса, Баҳоуддин дарҳол уларни шафқат ва тарбият қилиб айтарди: “Бир луқмани ҳам ғафлат билан ема. Агар бир таом ғазаб, кароҳат ва душворлик билан табақ бўлган бўлса, уни егин демаймиз”.⁴ Ўзлари ҳам мудом шунга амал қилганлар. Ғадют деган жойда уларга келтирилган таомдан Баоуддин емайдилар ва айтадиларки: – “Бизга бу таомни ейиш мумкин эмас. Бунга сабаб шуки, у ғазаб билан пиширилгандир”.

³ Рашаҳот. 21-бет.

⁴ Салоҳиддин ибн Муборак ал Бухорий. Анис ут-толибин ва уддат ас-соликин. Бухоро музейи 27772/1. 47-бет.

Баҳоуддин мудом шогирдларига таъкидлардиларки, агар таомнинг бир капгири ғазаб ва кароҳат билан пиширилган бўлса, бизлар емаймиз. Ҳар ишки, ғазаб ва нафрат кароҳат ва душворлик билан бўлса, унда хайру баракот йўқдур, ҳавойи нафс ва шайтон унга йўл топадилар. Ҳосили аъмоли ҳасана таоми ҳалолдандир, уни ғафлатда емаймиз.¹

Баҳоуддин Нақшбанддан сўрадилар:

- Ҳузури қалб намозда нимадан ҳозир бўлур?

Буюрдилар:

- Таомни ҳалол егул. Доим воқиф ва огоҳликда бўл.²

Юқоридаги сўзлардан бу тариқат аҳли орасида ҳалол луқма ва огоҳлик асосий талаб эканлиги маълум бўлади.

Баҳоуддин Нақшбанд яратган вақт илми ҳозирги кун учун ҳам бебаҳо хазинадир.

Баҳоуддин Нақшбанд сон ҳақидаги илмни яратиб, уни инсон камолотига оид таълимотнинг асоси деб билганлар. Баҳоуддин Нақшбанд “вуқуфи адади” деган рашҳа – ҳаётбахш ўғитни кашф этиб, унга амал этиш лозим, дедилар. “Вуқуфи адади” – сондан, ададдан огоҳ бўлишдир. Бу таълимот асосида икки тушунча – касрат – кўплик ва ваҳдат – ягоналик ётади. Оламга назар солганда борлиқдаги барча нарсалар ранг-баранг ва турли-туман кўринсада, уларнинг асл моҳияти биртадир. Баҳоуддин Нақшбанд бирлик, ягоналик, аҳад барча нарсаларда тажаллий этган, акс этган, дейди. Абдурахмон Жомий “Шарҳи рубоиёт” асарида “Вуқуфи ададий”ни қуйидагича изоҳлаган:

Дар мазҳаби аҳли кашфу арбоби хирад,
Сорист аҳад дар ҳама афроди адад.

¹ Анис ат-толибин. 47-бет.

² Анис ат-толибин. 48-бет. Мақомот. 67-бет.

Гарчи адад берун аст зи ҳад
Лек дар сурату, дар модааш ҳаст аҳад.

Мазмуни:

Кашф аҳли мазҳаби ва хирад арбобида,
Барча ададларда аҳад (бирлик) намоёндыр.

Ададлар ҳаддан зиёда бўлсалар-да,
Лекин уларнинг сурати ва моддасида аҳад
намоёндыр.

Демак, барча борлиқнинг асл моҳияти бирта
– илоҳий бирлик, яъни аҳадиятдыр, деб уқтирган
Баҳоуддин Нақшбанд. Бу мазмунда яна шундай
ёзганлар:

Касрат чу нек дарнигари асли ваҳдат аст,
Маро дар ин шак нест, гар туро шак ҳаст.
Дар ҳар рақам бингари аз рӯи эътибор,
Гар сураташ бубини, лек модааш як аст.

Мазмуни:

Касратга эътибор билан қарасанг асли ваҳдатдыр,
Менда бунга шак йўқ, гар сенда шак бўлса-да.
Ҳар бир сонга эътибор билан қарасанг,
Сурати турлича бўлса ҳам асли биттадыр.

Бутун олам ягона асосга эга деган фикр билан
Баҳоуддин Нақшбанд бутун борлиқни севиш, эъзозлаш,
унга муҳаббат билан муносабатда бўлиш лозим
деганлар. Баҳоуддин Нақшбанд бутун инсониятни
– унинг дини, ирқи, жинси, миллати, иқтисодий
мавқеига қарамасдан илоҳий ҳилқат сифатида кўриш,
уни асраш лозим деб, барчани аҳил, тинч, хотиржам,
муросою мадорада яшашга ундайдилар. Сонлар
фалсафасига Пифагордан бери эътибор берилган

бўлса-да, Баҳоуддин Нақшбанд вуқуфи ададийни ладуний илмнинг ибтидоси деб қарайдилар ва сонлар аслидан огоҳ инсон ладуний илм соҳиби бўлиши мумкинлигини исбот этадилар.

Баҳоуддин Нақшбанд – “Вуқуфи адади ладуний илм мартабасининг аввалидир”,¹ деб айтган. **Л а д у н** – арабча сўз бўлиб, олдидан, ёнидан деган маънони англатади. Қуръони Каримда бу сўз такрорланиб туради. Ладуний илм асосан Оллоҳнинг олдидаги, ёнидаги илм маъносини англатади. Ладуний илм деганда Оллоҳгагина бор бўлган ва унинг ёнида бўлган, у истаган кишига, истаган жой ва вақтда берадиган илм тушунилади. “Фарҳанги забони тожик”да ладуний илм ҳақида шундай дейилган: “Ладуний – табиатда зехннинг иштирокисиз, жидду жаҳд қилмасдан, Оллоҳ томонидан ато этиладиган, Аллоҳ берган илмдир”.² Буни ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд қуйидагича таърифлаган: “Ладуний илм шундай илмдурким, қурб аҳлига илоҳий таълим ва раббоний тафҳим ила маълум ва мафҳум бўлади. Бу иш ақлнинг далили ва нақлнинг шоҳидисиз амалга ошади”.³

Тасаввуфга доир барча луғат, мақолаларда билиш ҳақида гап кетганда ладуний илм – яқин, тўғри билим, ҳақиқат даражасидаги билим деб, уни Аллоҳ инояти билан берилиши таъкидланади. Йирик олим Франц Роузенталь ҳам “билим – нур, сўфийлик” ҳақида гапирганда “илм” ва “яқин” тушунчаларини таққослайди⁴ ва “яқин” илоҳий томонидан берилади, деган тушунчани илгари суради. Баҳоуддин Нақшбанд таълимотида бу нуқтаи назар бошқача изоҳланади.

¹ Рашаҳот. 28-бет

² Фарҳанги забони тожик. – Т.1, М.: Энциклопедия, 1969. С.590.

³ Рашаҳот.28-бет.

⁴ Роузенталь Франц. Торжество знания. Концепция знания в средневековом исламе / Инглиз тилидан таржима. – М.: Наука, 1978 – С.149.

Унинг фикрича, ладуний илм билан яқин илми ўртасида фарқ мавжуддир. У шундай айтади: “Ладуний ва яқин илмларнинг орасида фарқ шудирки, яқин илми – асл зотнинг нури ва илоҳий сифатларини идрок этишдан иборатдур. Ладуний илм эса илҳом орқали унинг маъносини ва Ҳаққнинг каломларини фаҳмлай олишдир”.¹

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқадики, Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанднинг фикрича яқин илми орқали сўфий Аллоҳни зоти ва сифатларининг нурларини идрок қилади. Ладуний илмда эса Илҳом орқали Ҳақ моҳияти ва каломларини фаҳмлай олади. Баҳоуддин Нақшбанд ладуний илмни яқин илмдан кўра юқори даражада эканлиги ва бутун оламдаги илмларнинг энг юксаки, деб қарамоқда. Чунки асл мақсад – бу нурларни кўриш эмас, балки Ҳақ моҳияти ва каломлари маъносини англашдир.

Нақшбандийликка оид манбаларда ладуний илм кўйидаги уч йўл билан берилиши кўрсатилган:

1. Ваҳий орқали пайғамбарларга.
2. Илҳом орқали муқаддас шахслар – валийларга.
3. Интуиция (фаросат) орқали – сўфийларга.

Ладуний илм ҳол илмининг энг юксагидир.² У барча ботиндаги моҳиятларнинг асл маъносига етишга ёрдам беради.

Баҳоуддин Нақшбанд қалб ҳақидаги илмни ривожлантириб, нақшбандия таълимотининг асосига кўйдилар. У киши “вуқуфи қалбий”, – “қалбдан огоҳ бўлиш” рашҳаси – ҳаётбахш ўғитини кашф этиб, нақшбандия тариқати тамойили сифатида жорий этдилар. Умуман, тасаввуф аҳли қалб масаласига жуда катта эътибор беради. Бу масалада Баҳоуддин

¹ Рашаҳот. 28-бет.

² Рисолаи қудсия. 10-бет.

Нақшбандгача кўп фикрлар айтилган, асарлар ёзилган, лекин айнан Баҳоуддин Нақшбанд “вуқуфи қалбий” тушунчасини инсон камолоти учун зарурий тамойил сифатида нақшбандия тариқатига киритдилар. Баҳоуддин Нақшбанднинг “Аврод” рисоласи ва у киши томонидан маърифатга оид айтилган ҳикматли сўзлари йиғилган Муҳаммад Порсонинг “Рисолаи қудсия” асарида айнан қалб инсоннинг жисмоний ва руҳий оламини бир-бири билан боғлаб турган марказ эканлиги, қалбда нақшланган нарса хотирада муҳрланиши, қалб ҳолати инсоннинг бутун ҳолатини белгилаши ва шунинг учун қалбни поклаб туриш, уни ташқи таъсирлардан асраш, ёмон ҳамсуҳбатлар, ёмон ҳиссиётлардан асраш лозимлигини таъкид этганлар. “Нақш банд, ба дил банд” – “Нақш боғла, қалбда боғла” шиори нақшбандия таълимоти асосидир. Инсон қалбини илоҳий нақш макони қилиб унда Олий Наққошни мушоҳада этиши натижасида ҳам ўзини, ҳам Оллоҳни англай олади, дейди Баҳоуддин. Шоҳ Нақшбанд жуда кўп таъкидлаганларки:

Зи ғайрат хонаи дилро зи ғайрат кардаам холи,
Ки ғайратро намешояд дар ин хилватсаро будан.
Мазмуни:

Ғайрат қилиб қалб уйини ғайрдан тозаладик,
Чунки бу хилват саройида ғайр – ўзга муносиб эмас.

Бу мисралар билан Баҳоуддин Нақшбанд “Дил ба Ёр”лик моҳиятини очмоқдалар. Қалб – илоҳий хилват маконида фақат илоҳий ишқ, муҳаббат, бутун борлиқ муҳаббати, эзгу ният, эзгуликлар мужассам бўлиши лозим. Кибр, ҳасад, ғазаб, кина, нафрат,

ўзга боғланишлар – дунёпарастлик, суратпарастлик, зоҳирпарастлик, молпарастлик, мансабпарастлик каби иллатлардан қалбни тозалаб туриш лозим, дейдилар.

Баҳоуддин Нақшбанд “вуқуфи қалбий”ни икки маънода тушунтирганлар:

Биринчиси – инсоннинг ўз қалбидан огоҳ бўлиб туриши.

Иккинчиси – қалб – асл ҳақиқат, илоҳий моҳиятдан огоҳ бўлиб туриши.

Нақшбандия таълимотида қуйидаги ғоя мавжуд:

Андар ин миллат набошад масҳи тан,

Лек масҳи дил бувад, эй зулфатан.

Мазмуни:

Бу миллат ичида тананинг масҳи йўқдир,

Лекин дил (қалб) масҳи бор.

Бу мисралар билан инсон доимо қалбидан огоҳ бўлиши, унга кирган ғуборотларни қувиб чиқариши, поклаши лозим деб айтмоқдалар. “Вуқуфи қалбий” рашҳасининг аҳамиятини Баҳоуддиннинг шогирди Яъқуби Чархий шундай шарҳ этган: “Вуқуфи қалбий”га амал қилиш барча ҳолатларда муҳимдир. Масалан: еб-ичишда, ухлашда, юриш-туришда, олди-сотдида, таҳоратда, намозда, Қуръон ўқишда, ёзиб-чизишда, ваъз айтишда. Бу инсонни ғафлат лойига ботмаслик ва ғафлатдан доимо узоқда бўлишга ёрдам беради”.¹ Қалб поклиги хотирага, хотира ҳолати қалбга таъсир этади. Шунинг учун қалбдан огоҳ инсон ҳақиқий инсон бўлиб, у оқибатли, эзгу ишли бўлади.

¹ Қаранг: Раззоқова М. Мавлоно Яъқуб Чархий. Т.: “Muharrir” – 2013. 36-бет.

Баҳоуддин Нақшбанд нафсни тарбиялашнинг энг мақбул, мукаммал йўлини топганлар.¹ Нақшбандия таълимотидаги “Даст ба кор”лик, меҳнат қилиш ва барчага холис яхшилик қилиш ғояси нафсни тарбиялаш воситаси бўлган. Баҳоуддин Нақшбанд “Бизнинг тариқатимиз суҳбатдир, хилватда шуҳратдир ва шуҳратда офатдир”, – деганлар. Бу тариқатда чилла ўтириш, хилватга чекиниш, узоқ муддат пирнинг хизматида бўлиш бўлмаган. Натижада тариқат аҳли оиласига, қон-қариндош, маҳалла ва Ватанига фойдаси теккан. Меҳнат қилиш жараёни ҳам холис, пок, риёсиз, ҳалол бўлган. Ҳалол лукма, ризолик, муросою мадора нафс тарбиясига ёрдам берган. Кўп тариқатларда дарвешлар узлатга чекиниб, меҳнат қилмай, тиланчилик, текинхўрлик билан кун кечирганлар, тариқат аҳлини устма-уст чилла ўтириб нафсини тарбиялашга уринганлар. Нақшбандияда меҳнат, ҳиммат, ғайрат, холислик, бировнинг оғирини енгил қилиш, хуфёна яхшилик асосий турмуш тарзи бўлган. Шунинг учун бу тариқат аҳли мамлакатни иқтисодий ва маънавий тараққий этиши, ҳунармандчилик ва тижорат одобининг камолига катта хизмат қилган. Текинхўрлик, дангасалик, риёкорлик каби иллатларни йўқотиш ва нафсни тарбиялашда Баҳоуддин Нақшбанднинг хизматлари жуда катта бўлган.

Баҳоуддин тасаввуфий таълимотида инсон камолоти масаласига эътибор бериб, “валий”лар масаласини махсустадқиқэтди. Нақшбанд таълимотига оид муҳим манба – Салоҳиддин ибн Муборак ал Бухорийнинг “Анис ат-толибин ва уддат-ус-соликин” асарининг биринчи қисми “Дар маърифати валояти

¹ Қаранг: Наврўзова Г.Н. Нақшбандия тасаввуфий таълимоти ва баркамол инсон тарбияси. Т.: “Фан”, 2005. 232 б.

валий” (“Валийлик валояти маърифатига доир”)да таъкидланишича, “валоят нурдан иборатдир”. Бу нур Аллоҳ инояти ила ибоднинг қалбини тўлдиради ва натижада исломнинг ҳақиқий нури яқинида жамол кўрсатади. Асарда таъкидланмоқдаки, валоят даражасига етишда Аллоҳнинг инояти шарт. Илоҳий нур – нур ал-яқин – аниқ, тўғри нур бўлгани ила бошқа нурлардан фарқ қилади, шу нур, ила тўлган қалб – валий қалби бўлади. Унга Ислом ўзининг ҳақиқий кўринишида намоён бўлади. Манбалар таҳлили кўрсатадики, кўп назарий масалаларда етишда Баҳоуддин Нақшбанд Хожа Муҳаммад бин Али Ҳаким Термизий асарларидан ғоявий манба сифатида фойдаланган. Валийликка дахлдор масалаларда ҳам бу аллома асарларидан иқтибослар келтирилган.

Нақшбандия таълимотига кўра, валийни кўрган киши Аллоҳни зикр этади, ўзи ва жумлаи оламни яратган бу мутлақ зотга қараб хайратга тушади, “Валий қалби маъдани анвори жалолдир. Валий юзидаги нур ва латофат валий қалбидаги ана шу анвордандир. Ул нурнинг акси валийнинг сиймосидан зоҳир бўлур ва ҳар ким унинг юзига назар айласа, ул киши Ҳаққ таолони ёд этар ва унинг зикрига машғул ўлур”.¹

Шунингдек, бу таълимотда валийлар суҳбатига мушарраф бўлган шахс ўзидаги башарий истаклардан воз кечиб, малакий даражали сифатларга эга бўлиши ҳам иншо этилган. Валий суҳбатига мушарраф шахс ўзидаги гил – тупроқ ва сувдан тузилган тана истакларидан воз кечади ва юксалади, деган фикрни изоҳлашда Хожа Баҳоуддин Нақшбанд Ҳазрат Азизоннинг қуйидаги рубойисини такрор-такрор иқтибос келтиради:

¹ Салоҳиддин ибн Муборак ал-Бухорий. Анис ат-толибин ва уддат-ус-соликин. Бухоро музейи №27772/1. 7-бет.

Бо ҳар ки нашастию нашуд жамъ дилат,
Аз ту нарамид заҳмати обу гилат.
Зинҳор аз он қавм гурезон мебош,
Варна накунад руҳи Азизон бихилат.¹

Мазмуни:

Сухбатдошинг ила қалбинг ноҷам,
Йўқолмади сендан сув – гил заҳмати ҳам.
Демак, ундайлардан узоқлашмасанг,
Азизон руҳи кечирмас ҳеч ҳам.

Ҳазрати Азизоннинг фикрича, ҳақиқий валий суҳбатига етишган шахс қалби сокин, соф, пок бўлиб, сув – гил заҳматидан қутилиб юксалади ва тавҳидни англай боради, лекин сохта авлиёлар билан суҳбатлашиб, сенда башарий истаклардан қутилиш каби сифатий ўзгариш бўлмаса, ундай кишилардан тезроқ қочиш керак, деган фикрни уқтиради.

Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд ўз таълимотида валийликнинг учта хусусияти бор деб, қуйидаги фикрни баён қилади:

Се нишон бувад валиро, ки нахуст он бамаъни,
Ки чу рӯи ў бубини, дили ту бар ў гарояд.
Дуввум он, ки дар мажолис, чун сухан кунад зи
маъни,
Ҳамаро зи ҳастии худ б-ҳадис мерабояд.
Севвум, он бувад б-маъни вали аҳаси олам,
Ки зи ҳеч узв ўро ҳаракоти бад наояд.²

Мазмуни:

Валийликнинг уч белгиси бор, биринчиси у бамаънидир,
Унинг юзини кўрган заҳотинг дилингни ром этади.
Иккинчиси, агар мажлисда у маъно ҳақида сўз айтса,

¹ Рисолаи ҳазрат Азизон. - Бухоро: Бухорои Шариф, 1327 х.й. 30-бет.

² Мақомот. 59-бет.

Бутун борлиғи ила ҳаммани сўзига мафтун этади.
Учинчиси, валий маъно жиҳатидан оламдаги
махсус кишидир,
Унинг бирор узвидан ҳам ёмонлик келмайди.

Нақшбандия таълимотига кўра валийлик даражасига етганлар иккига бўлинади. Биринчиси – муршид раҳбарлигида риёзат чекиб, қалбини софлаган ҳолда шу даражага етганлар. Лекин булар учун ўз башарий истакларини ўлдириш жуда қийин кечади. Иккинчиси – Аллоҳнинг ўзи уларни тарбия қиладиган кишилар. “Анис ут-толибин” асарида бундай валийлар мажзуб – жазб қилинган, яъни Ҳаққ майдонида тортилган маъносида таърифланган. Валийларнинг бу турида илҳом тариқи ила қалб ва тилларидан каломи ҳикмат иншо этилиши таъкидланади. Яъни Аллоҳнинг нури уларнинг қалбига илҳом ила кирган ва улар бу илоҳий нур орқали шундай сифатга эга бўлган зотлардир. Ҳозирги илмий тил билан айтганимизда, валийларнинг бу даражасида латиф қувват – биоэнергия майдони бемалол олам қувват – ахбор қатлами билан алоқа қилишга қодир бўлади. Шунинг учун ҳам улар ўзгалардан ажралиб турадилар.

Баҳоуддин Нақшбанднинг валийликка оид тасаввуфий таълимотида “бесифатлик” ва “бенишонлик” деган тушунча мавжуд. Ҳазрат хожа айтардики, “Авлиёлар пешвоси Хожа Мухаммад Али Ҳаким Термизийнинг руҳониятига таважжуҳ қилсам, бунинг таъсири тўлиқ бесифатлик тарзида зухур қиларди. Бу таважжуҳда қанча сайр қилсам ҳам, ҳеч қандай таъсир ва сифат аён бўлмас эди”.

Баҳоуддин Нақшбанд бу ҳолатни руҳониятда бўлишини кўрсатади ва айтади: “Руҳоният вужуди

ҳақиқатнинг чегарасиз нурлари ичида маҳв бўлгач, одам қанчалик ўзидан мавжудлик қидирмасин ва идрок сармоясини ўзидан изламасин, бесифатлик ва бениҳояликдан ўзга нарсани кўрмайди”.¹ Бу таърифда бесифатлик, бениҳоялик тушунчаси билан айнан бир хилдек, деб кўрсатилмоқда.

Бениҳоялик чексизлик, чегарасизлик бўлиб, илоҳийликка хосдир. Бесифатликда миқдорий ва меъерий боғланишлар йўқ бўлади. Баҳоуддин валиёларни сифатий белгиларига қараб учга бўлади:

1. Бесифату бенишон.
2. Сифат билан.
3. Сифатдан нишона топган.

Учинчисини:

- а) маърифат аҳли
- б) муомала аҳли
- в) муҳаббат аҳли
- г) тавҳид аҳлига бўлади.

1. Бесифат ва бенишон валийни авлиё ҳолининг мукаммаллиги ва даражасининг ниҳояга етганлиги, деб айтади. “Бесифатлик Аллоҳдан юз берувчи кашф ҳолатига ишоратдирки, бу жуда олий мақом ва жуда азиз даражадир. Бу ибора ва ишора мазкур мартабанинг асл моҳияти ва ҳақиқатини англантишдан ожиздир”,² дейди. Яна у: “Сулукнинг ибтидосида бўлганлар бесифатлик ҳолатини тушунмайди”, дейди. Буни ўрта мақомдагилар англашлари учун айтилган.

Манбада бесифатликни изоҳлаш учун қуйидаги назмий иборалар келтирилади:

Бартар аз илм аст, берун аз аён,
Зоташ андар ҳастии худ бе нишон.

¹ Рисолаи қудсия. 71-бет.

² Рисолаи қудсия. 71-бет.

З-ў нишон жуз бенишони кас наёфт,
Чорае жуз жонфишони кас наёфт.
Гар аён жўи ниҳон он гаҳ бувад,
В-ар ниҳон жўи аён он гаҳ бувад.
В-ар баҳам жўи чу бечун аст ў,
Он замон аз ҳар ду берун аст ў.
Сад хазорон тавр аз жон бартар аст,
Ҳар чи хоҳам гуфт ў з-он бартар аст.
Ажз аз он ҳамроҳ шуд бо маърифат,
К-ў на дар шарҳ ояду на дар сифат.¹

Мазмуни:

У илмдан юқори ва англашдан узоқ,
Унинг зоти ўз борлиғи ичида бенишондир.
Ундан нишон қидирганлар бенишонликдан
ўзга нарсани топмади,
Унга жон фидо қилишдан ўзга чора топмади.
Агар уни аёнликда қидирсанг, ниҳон бўлади.
Агар уни ниҳонликда қидирсанг, аён бўлади.
Агар икковидан қидирсанг, қидирки у ҳеч
наrsaга ўхшамайди,
Қидирган пайтингда у бу икки ҳолдан ташқари
бўлади.

Жонимиздан у юз минг марта олийроқдир,
Нима деб айтсам ҳам, у айтганларимдан юксак-
роқдир.

Уни на шарҳлаб бўлади-ю, ва на сифатлаб,
Шу сабабли ожизлик билимимизга ҳамроҳ бўлади.

Бу мисралар “бесифатлик”ни илмдан юқори ва англашдан узоқ деб ақлнинг уни билишга ожизлигини кўрсатади. Бесифатлик аёнлик ва ниҳонликдан ҳам юксак, ҳеч наrsaга ўхшамаслиги ва бизнинг сўз ва ибораларимиздан ҳам юксакликда туриши намоён

¹ Рисолаи қудсия. 71-бет.

бўлади. Уни шарҳлаб ва сифатлаб беришга билимимиз ожизлик қилади.

Баҳоуддин бесифатлик мартабасининг камоли Муҳаммад пайғамбарга насиб этган, деб кўрсатади. Бошқа набий ва валийлар ўз мартабаларига мувофиқ Муҳаммад пайғамбарнинг саодат хирмонида бошоқ терадилар. Улар Оллоҳнинг расули муқаддас ботинидан мадад олиб, бесифатлик мартабасининг даражалари узра тараққий топадилар. Муҳаммад пайғамбарга хос бўлган “Мақоми маҳмуд” бу зотдаги шу мартабанинг камолига ишоратдир.

Баҳоуддин “бесифатлик” мартабасининг хусусиятлари ҳақида ҳам гапирган. Унинг фикрича, бесифатлик мартабасининг соҳиби тамкин (виқор) аҳлидан бўлади, суҳбат туфайли қалби – муқаллиби қалб (қалбни ўзгартирувчи зот) суҳбатига туташган бўлади. У барча илоҳий сифатлар билан сифатланган ва раббоний хулқлар билан хулқланган бўлади. У ботиний ҳолларини ўз тасарруфи остига олган бўлади. Шунинг учун уни “абул вақт” – вақт отаси дейдилар. У ўз хоҳиши билан бир сифатдан иккинчи сифатга ўта олади. У башарий вужудининг фонийлигидан тамоман софланган бўлади. Шу маънода манбада қуйидаги назмий ибора келтирилган:

Сўфи ибн ул вақт бошад дар мисол,
Лек софи фориг аст аз вақту ҳол.
Ҳоли мавқуф азми раъи ўст,
Баста бар раъи жаҳон орои ўст.¹

Мазмуни:

Сўфи бу оламда ибн ул-вақт – вақт ўғли бўлади,
Лекин тўла покланган соф бўлгани вақт ва ҳолдан
форигдир.

¹ Рисолаи қудсия. 73-бет.

Ҳол унинг азму раъйига боғлиқдир,
Унинг жаҳонга оро берувчи раъйига қарамдур.

Демак, сўфилар “вақт ўғли” бўлиб, бир нафасни ҳам беҳуда ўтказмай, нафаслар орасидаги онни ҳам нақд деб билсалар, бесифатлик ҳолига етган, тўла покланган мукаммал валийлар вақтни ўз тасарруфига олганлар. Улар вақтдан юқорида, ташқарида турган ва вақт отаси – “абул вақт” бўладилар. Демак, бесифатлик руҳий камолотнинг энг мукаммал мақоми бўлиб, сифат, миқдор, меъёр, вақтдан юқорида бўлади. Буларнинг барчаси унинг тасарруфида бўлади. Бу ҳолатда башарий белгилар йўқолиб, руҳият тўла ғалаба қилган бўлади.

Хулоса қилиб айтиш лозимки, Баҳоуддин Нақшбанд яратган таълимот Шарқ халқлари инсонпарварлик дунёқарашининг шаклланишида катта яратувчи кучга эга. Баҳоуддин Нақшбанд табиат, барча тирик жонзоту ўсимликлар, ҳайвону инсонларга бирдек мутлақ эзгулик, меҳр-шафқат кўрсатишдек орифий талабни илк бор башарият ва коинот, борлиқнинг умумий ва бирдан-бир фундаментал тамойили даражасига кўтарган.

Умумий хулоса қилиб айтиш мумкинки, инсон камолотининг меъёрдаги мақбул йўлларидадан бўлган Нақшбандия таълимотини Баҳоуддин Нақшбанд асослаган. Инсоннинг ўзлигини англаш ва камолоти учун муҳим бўлган вақт, сон, қалб, нафс ва валий тушунчаси ҳақидаги илмларни назарий жиҳатдан асослаб, амалиётда жорий этган ва ўзи комили мукаммал инсон сифатида ибрат тимсоли бўлди.

Баҳоуддин Нақшбанд асослаган таълимотни унинг шогирдлари Алоуддин Аттор, Муҳаммад

Порсо, Алоуддин Ғиждувоний, Яъқуби Чархий ривожлангирдилар. Хожа Аҳрори Валий уни жаҳоншумул таълимотга айлангирди. Маҳдуми Аъзам нақшбандия таълимотини назарий жиҳатдан бойитиб янада такомиллашгирди. Бу таълимот нақшбандия – мужаддидия, нақшбандия – холидия кўринишида ҳозирги кунда ҳам Осиё, Европа ва Америка қитъаларида кенг тарқалган. Баҳоуддин Нақшбанд асослаган нақшбандия тариқати ва таълимоти бутун инсоният камолоти ва манфаати билан уйғун бўлганлиги сабабли жаҳоншумул ҳаётбахш таълимот сифатида яшаб келмоқда.

Баҳоуддин Нақшбанднинг “Аврод” рисоласи хусусида

Бухоройи шарифни оламга танитган валий ва ориф Баҳоуддин Нақшбанддан ёзма мерос қолганми ёки йўқми деган масала неча йиллардан бери тасаввуфшунос олимлар ўртасида алоҳида муаммо бўлиб келаяпти. Бу ҳақда ҳозирги кунгача икки хил қараш мавжуд: биринчиси, Ҳазрат Баҳоуддин ўзидан кейин ҳеч қандай ёзма манба қолдирмаган, деган фикр-дир. Нақшбандия тариқатини махсус ўрганган тожик файласуф олими Аҳмаджон Муҳаммадхўжаев – “Баҳоуддин не оставил после себя никакого письменного наследия” (“Баҳоуддин ўзидан кейин ҳеч қандай ёзма мерос қолдирмаган”)¹, деган бўлса, шарқшунос олим О.Ф.Акимушкин² ҳам худди шундай хулоса қилган. Ўрта мактабларнинг олтинчи синф ўқувчилари учун мўлжалланган “Ўзбекистон тарихи” дарслигида Баҳоуддин Нақшбанднинг “Ҳаётнома” ва “Далил-ул ошиқийн” номли китоблари бор, деган фикр билдирилган. Уларнинг бу фикри “Қомус ул-аълум”даги маълумотларга асосланган бўлиши керак. Чунки Баҳоуддин Нақшбанднинг юқорида тилга олинган икки асари тўғрисидаги маълумот Туркияда нашр этилган ушбу қомусда қайд этилган. Қомус Бухоро Давлат музей қўриқхонасида 10682/11 рақам билан сақланмоқда. Унинг иккинчи томидаги Баҳоуддин Нақшбандга оид маълумотларда: “Ҳазрат Хожанинг “Ҳаётнома” манзумаси ва “Далил – ул ошиқийн” номи билан тасаввуфга доир бир китоби бордир”³, деб ёзилган. Шайх Муҳаммад Ҳишам

¹ Муҳаммедходжаев А. Идеология нақшбандизма. – Душанбе: «Дониш», 1991.

² Акимушкин О. Нақшбанд Баҳоуддин. Ислам. Энциклопедический словарь. М.Наука. 1991. ст. 186

³ Шамсиддин Сомий. Қомус ал-аълум. Истанбул. 1312 х.й.

Каббоний 1995 йил Чикагода инглиз тилида нашр этган “Нақшбандия сўфийлик йўли тарихи. Валийлар силсиласи бўйича маълумотлар” асарида Баҳоуддин Нақшбанднинг “Ал-Аврод-ал Нақшбандия”, “Ҳадият ас-соликин ва тўхфат ат толибин”, “Танбеҳ ал-ғофилин” ва “Маслак ул-анвор” китоблари бор ва улар Истанбулда сақланмоқда,” дея маълумот беради.¹

Биз бу масала юзасидан узоқ муддат изланишлар олиб бордик ва сўнгги хулосага келдик. Дарҳақиқат, Ҳазрат Баҳоуддиндан ёзма мерос қолган экан. Фақат бу юқорида номлари зикр қилинган “Ҳаётнома” ва “Далил ул ошиқийн” эмас. Чунки тадқиқотларимиз давомида жаҳондаги энг нуфузли кутубхоналар маълумотларида ҳам бу икки китоб мавжудлиги ва сақланаётганлиги тўғрисида бирон-бир маълумотга эга бўла олмадик.

Шайх Каббоний тилга олган китоблар Истанбулда сақланаётганлиги айтилган бўлса-да, айнан қайси кутубхона ё белгили жойда эканлиги кўрсатилмагани учун булар ҳақида ҳам жўяли маълумот ола билмадик.

Бизнинг тадқиқотларимиз натижасида аниқланган китоб – Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд таълиф этган “Аврод” номли рисоладир. Бу асар ҳақида етарли маълумотлар бор.

1954 йилда Истанбулда нашрдан чиққан турк тилидаги “Ислом энциклопедияси”нинг 9-томида Баҳоуддин Нақшбанд ҳақида Таҳсин Ёзувчининг мақоласи берилган. Унда: “Баҳоуддин Нақшбанднинг “Аврод”идан **(таъкид бизники – Г.Н.)** ва халифаси Порсо тарафидан ёзилган “Рисолаи қудсия” ва бошқа таржимаи ҳол билан боғлиқ манбалардан ташқари ҳеч

¹ Shakh Muhammad Hisam Kabbani. The Naqshband i Sofi way / History and Euidebook if the Saints of Golden Chain-Chicado: Kazi Pubi: cations, ins, 1995.

қандай асарлари учрамаяпти”¹ – деб ёзилган. “Қомус ул-аълум” энциклопедиясининг олдинги нашри Истанбулда нашр этилган бўлса-да, лекин Таҳсин Ёзувчи ундаги маълумотни келтирмаган. Фақат Баҳоуддин Нақшбанднинг “Аврод” номли асари борлигини ёзиб қолдирган, холос. Таҳсин Ёзувчи ўз фикрининг исботи учун шундай ёзади: “Ал-Авроди Баҳоия” номи билан маълум бу “Аврод” нинг Маъмун бин Аҳмад бин Иброҳим ал Турнавий ва Муҳаммад бин Мустафо ал Ходимий тарафидан ёзилган икки шарҳи бордир”.²

“Ислому энциклопедияси”да келтирилган маълумотлардан қуйидагилар аниқланади: Баҳоуддин Нақшбанднинг “Аврод” номли асари “Ал-Аврод ал-Баҳоия” номи билан маълум ва машҳур бўлгани учун унга шарҳлар ёзилган.

Бизнинг тадқиқотларимиз “Аврод” асарининг қўлёзма нусхаси сақлангани ва бу асарга ёзилган яна иккита шарҳнинг мавжудлигини аниқлашга имкон берди. Биринчидан, “Аврод” асарининг ушбу нусхаси тўғрисида батафсил тўхталмоқчимиз.

Москвадаги “Наука” нашриёти собиқ Шўролар иттифоқи Фанлар Академияси қошидаги Шарқшунослик институтининг Санкт-Петербург бўлимида сақланаётган қўлёзмалар ҳақидаги қисқа каталогини “Арабские рукописи института Востоковедения Академия Наук СССР” номи билан икки қисмда нашр этди. Унинг биринчи қисмида 3464 ва 3465 тартиб рақамлари, В3829 ва А1539 шифр остида Баҳоуддин Муҳаммад Нақшбанд ал-Бухорийнинг (Вафоти 791/1389) “Аврод” номли асари сақланаётганлиги

¹ Таҳсин Ёзувчи, Нақшбанд Ислому энциклопедияси. Истанбул. 1954, 53- бет.

² Ўша жойда.

кўрсатилади.¹ Асар номи зикр этилгандан кейин А.Б.Холидов таълиф маъносини билдирувчи белгини қўйиб, “Баҳоуддин Нақшбанд” исмини ёзган. Бу билан “Аврод” нинг муаллифи Баҳоуддин Нақшбанд эканлигини таъкидлаган.

Баҳоуддин Нақшбанд “Аврод” асарининг В3829 шифр билан сақланаётган қўлёзма нусхаси 756-89а варақларида сақланган. Бу нусха хижрий 1287, милодий 1870/71 йилда Волга бўйига кўчирилган. Авроднинг А1539 шифрли нусхаси эса 256-44а варақларда ёзилган қўлёзмада сақланмоқда.

Баҳоуддин Нақшбанднинг “Аврод” номли асари борлиги ҳақида жаҳондаги машҳур библиографик маълумотномаларда қайд этилган. Шарқда Котиб Чалабий ва Ғарбда Хожа Халифа номлари билан машҳур Мустафо ибн Абдулло (1609-1657) томонидан тартибга келтирилган. 9512 нафар муаллифнинг 14501 та асари ҳақида маълумот берувчи “Кашф аз-зунунан ассомий кутуб вал фунун” (Китоблар номлари ва фанлар ҳақидаги тахминларни ечиш) китобида Баҳоуддин Нақшбанднинг “Аврод” номли асари борлиги қайд этилган. Ушбу библиографик асарнинг 1835-58 йилларда немис шарқшуноси Г.Л.Флюгель томонидан Лейпцигда нашр этилган 7 томлигининг 1-томида 1473 рақам ва 492 шифр остида “Аврод” ҳақида маълумот берилган.

Йирик немис шарқшуноси Брокельманн Карл (1868-1956) нинг “Араб адабиёти тарихи” номли асарининг 2-томида ҳам “Аврод”га бағишланган шарҳ мавжуд.

Жаҳонда машҳур икки библиографик каталогда келтирилган Баҳоуддин Нақшбанднинг “Аврод”

¹ “Арабские рукописи Востоковедения Академии Наук СССР”, (Краткий каталог) под. ред. Халидова А.Б. Москва. Наука, 1986. ст. 171.

номли асари ҳақидаги қайднинг ўзи ҳам мазкур асар мавжудлигига муҳим исбот ва асос бўла олади.

Тадқиқотлар Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд асарининг тўла мазмун ва моҳиятини очишга ёрдам берадиган биринчи ёзилган шарҳнинг борлигини аниқлашга имкон берди. Бу XV асрда яшаган Али бин Аҳмад ал Ғурийнинг “Канз ал ибод фи шарҳ ал Аврод” (“Ал Аврод” асарини шарҳлашда ибодат аҳли хазинаси”) шарҳидир. Тадқиқотлардан яна шу нарса аниқландики, Баҳоуддин Нақшбанд “Аврод” асарининг муҳим таркибий қисми “Вирди кабир” ва “Вирди Нақшбандия” ҳам нашр этилган. Бу Мисрда чоп этилган Шайх Муҳаммад Амин ал Курдий ал Ирбилий томонидан ёзилган “Ал-ижобатул раббония аш шарҳ ва манофеъ ли вирди Нақшбанди Шайх-ал Акбарий Саййид Муҳаммад Баҳоуддин ал Ҳусайний ал Ҳасаний ал Увайсий ал Бухорий Нақшбанд” асаридир.

Юқоридаги маълумотлардан хулоса қилиш мумкинки, Баҳоуддин Нақшбанднинг ушбу асари “Ал аврод ал Баҳоия” ва “Вирди Нақшбанд” номлари билан маълум ва машҳур бўлган. Лекин Нақшбандия тариқатида хуфия зикр қабул қилингани учун бу асар фақат тариқат аҳли орасида маълум бўлган ва уларнинг ўзига хос руҳий камолот йўлини кўрсатган. Шунинг учун бўлса керак ҳозирги кунгача бу асар тадқиқ этилмаётгани келинган.

“Шарҳ қўлёзмалари тўплами”да Баҳоуддин Нақшбанднинг “Аврод” асари ҳақида шундай дейилади: “Суфийский сборник молитв “Ал-Аврод ал Баҳоия” – Бехавийские молитвенные обращения известного Бухарского шейха Баҳоуддина Нақшбанда (ум. в 791/1389) (“Машҳур шайх Баҳоуддин Нақшбанднинг сўфиёна дуолар тўплами”). “Дуо” арабча сўз

бўлиб, Худодан ёлвориб яхшилик тилаш маъносини билдиради. Бу асар бўлса “Аврод”, яъни вирдлар маъносидадир. “Вирд” арабча сўз бўлиб, “тарк этмай доим бажариб туриладиган вазифа” деган маънода қелади. Айни замонда “Вирд”нинг тасаввуфий тушунча маъноси ҳам бор; шайх ва муридларнинг узлуксиз ўқиб юришлари шарт бўлган тиловат, зикр, тасбех, дуо, салавот каби мажбуриятларни ўз ичига олган. Демак, “вирд” тушунчаси дуо тушунчасидан кенг бўлиб, асосий мақсад талаб этиш эмас, балки Аллоҳ ризолиги учун юкланган вазифаларни бажаришдан иборат экан. Шунинг учун ҳам библиографик мазмундаги асарларда дуолар ва вирдларни алоҳида гуруҳларга бўлиб тартибга келтирганлар. “Арабча-русча қомус”да “вирд” сўзи “манба, сарчашма” деб таржима қилинган.

Шўролар даврида йирик шайхлар таржимаи ҳоли, ирфоний – адабий меросини ўрганиш қатағон қилингани боис “Аврод”лар тўғрисида етарли маълумотга эга эмас эдик. Ҳолбуки, машҳур шайхлар кўпчилигининг ўз “Аврод”лари бўлган. Юқорида тилга олинган “Арабские рукописи”нинг “Вирддар” бўлимида тасаввуф оламида ҳар бири алоҳида мартаба касб этган Муҳаммад Ғаззолий, Абдулқодир Гелоний, Шаҳобиддин Абу Ҳафс Умар Сухравардий, Мухйиддин ибн Арабий, Али Ҳамадоний каби маълум ва машҳур шайхларнинг “Аврод”ларидан нусхалар сақлангани қайд этилган. Шу билан бирга шариат ва тариқат кўрсатмаларига асосланган вазифаларнинг “Амалия явми ва лайла”, “Авроди фатҳия”, “Далоил ул хайрот” каби тўпламларда келтирилгани диққатга моликдир.

Бинобарин, ҳақиқат даражасига юксалган шайхлар ўз муридларига илоҳий файзларни қабул қилиш

йўлларини ўз авродлари орқали очиб берганлар. Шундан келиб чиқиб дадил айтиш мумкинки, руҳий камолот пиллапояларидан кўтарилиб, муайян мақом – даражага етган Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанднинг ҳам ўз “Аврод”лари бўлган.

“Аврод” тарк этмай узлуксиз бажариб туриш зарур бўлган вазифалар маъносини англатишини юқорида айтиб ўтдик. Баҳоуддин Нақшбанд “Аврод”и ҳам худди шу мавзуга бағишланган бўлиб, Нақшбандия тариқатига кирган солик юксак манзилга – Ҳаққа етиш учун мунтазам англаб, моҳиятига етиб, мушоҳада этиб ва қалб билан такрорлаб туриши зарур бўлган санолар, Аллоҳнинг исмлари, зикр, тасбеҳ, Қуръон оятлари, салавот ва дуолар тўпламидан иборатдир. Бинобарин, Хожанинг “Аврод”ини солиқлар учун илоҳий фойзни қабул қилиш мақсадида яратилган муборак “сарчашма” деб баҳолаш мумкин.

“Аврод” асарининг таржима ва шарҳидан маълум бўладики, унда инсон камолотининг энг олий ҳади, яъни идеали бўлган Аллоҳ зоти, сифатлари, исмлари ва феъллари кўрсатилган. Бу билан Ҳазрат Баҳоуддин инсонни ўз аслини билиб, Аллоҳдаги гўзал сифатлар билан безанишга ва чиройли ахлоқ соҳиби бўлишга чақиради. Асарда Аллоҳнинг исмлари келтирилган ва Нақшбанднинг ўзи томонидан ягона олий зотга, Худога қилган муножотлари ёзилган. Бу сатрларни англаб, ўқиб, мушоҳада ва зикр қилган киши оламдаги бошқа боғланишлар тизимидан узилиб, Олий Идеал ва Мукамал Гўзаллик билан боғланади.

Тасаввуф фалсафасида инсон энг асосий муаммодир. Инсон бу ўткинчи оламда таваллуд топганидан то рихлат қилгунга қадар дунёвий – башарий “иплар” билан чамбарчас боғланиб, ўз

Яратувчисини унутади. Мутлақ Гўзаллик ва Олий Ибрат бўлган Аллоҳ ва инсон ўртасида нур ва зулматдан иборат ҳижобларда, тўсиқлар вужудга келади. Ҳазрат Баҳоуддин “Аврод”и инсон ва Аллоҳ ўртасидаги ана шу ҳижобларни кўтаришга ва асл моҳиятини англаб идрок этишга хизмат қилади. Рисолада кўрсатилган ўзига хос зикру қоидалар тизими орқали бу ишнинг энг осон йўлини тавсия этади.

“Аврод”га ёзилган биринчи шарҳда бу асарнинг аҳамияти шундай кўрсатилган: “Бу шарҳ шайхи кабир, суннатни тирилтирувчи, Аллоҳнинг дўсти, ҳақиқат кашшофи, халқ ичида Ҳақнинг ҳужжати бўлган Баҳо ул Ҳаққ ва дин Нақшбанднинг олам илмининг энг юксаги (таъкид бизники – Г.Н.) бўлган “Аврод”ига бағишлангандир”. Бундан шундай хулоса чиқариш мумкин: Демакмазкур “Аврод”да Баҳоуддин Нақшбанд диний-тасаввуфий дунёқараши ва таълимотининг асл ғоялари, жамики илму амал ва руҳий сир-синоатлар мағзи, туб маъно-моҳиятини ўзида мужассам қилган ҳолда, барча илмлар жамулжами ўлароқ Ҳазратнинг энг юксак қарашлари акс этган.

“Аврод”да инсоннинг “шариф”, яъни мавжудодлари ичида энг мукаммал қилиб яратилганлиги ҳақида сўз боради: “Эй менинг Илоҳим ва насут – инсонларнинг илоҳи! Сен бизни бу касрат – кўплик аро юксакликда қўйдинг!” Бу сўзлар Қуръони Каримдаги Аллоҳ Одамни яратар экан, барча фаришталарни унга сажда қилишга буюргани, зеро, У инсонни Ўзининг ердаги халифаси, яъни ўринбосари сифатида яратгани ҳақидаги оятларнинг моҳиятини очади. Демак, Ҳазрат Баҳоуддин фикрича, инсон бу оламда ўз ўрни, асл моҳияти, Аллоҳнинг ердаги халифаси эканлиги ва унинг барча сифат ва исмларини ўзлаштириб, куч-

қудратини намоёиш этиш учун яратилганлигини билиши ва шунга мос амал қилиши керак. Инсон бутун оламни ўзида акс эттирган мукамал зот эканлигини ва бу камолот даражасига етмоқ учун Аллоҳнинг олий, пок куч-қувватлари билан узвий боғланишда бўлиши зарурлиги уқтирилади.

“Аврод”да бутун борлиқ ягона илоҳий асосга эга бўлган икки оламдан иборат деб қаралади. “Амр” – Аллоҳнинг амри билан яратилган бирламчи, абадий ва асосий олам, “Халқ” – шу Амр олами томонидан вужудга келган тадрижий ривожланишга эга мавжудодлар оламидир. Иккинчи оламнинг асли Амр бўлиб, халқ олами ўзгарувчан ва фоний, Амр оламининг ўзи эса ўзгармас ва боқийдир. Шу билан бирга Баҳоуддин жами борлиқни “Ғайб” ва “Шаҳодат” оламларига ажратади. “Ғайб” – бизга кўринмайдиган фаришталар, жинлар ва бошқа илоҳий қувватлар олами. “Шаҳодат” – биз гувоҳ бўлиб турган зоҳирий олам. Ҳазрат Баҳоуддин фикрича, “Шаҳодат” оламини инсон ўз ҳиссиётлари ва ақли орқали ўрганиши мумкин. Аммо Аллоҳ ўзи истаган кишигагина “Ғайб” – олами сир-асрорини билдириш учун ўз билимларидан бериши мумкин.

Юқоридагилардан қуйидаги хулосалар келиб чиқади:

1. Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанддан “Аврод” номли ёзма мерос қолган.

2. Бу асарнинг қўлёзма нусхалари тўла ҳолда бўлмаса-да мавжуд.

3. Мазкур асар “Ал Аврод ал Баҳоийя” ва “Вирди Нақшбанд”, “Вирди Кабир” номи билан маълум ва ҳозирги кунгача тариқат аҳли орасида маълум.

4. “Аврод”га ёзилган тўртта шарҳ бўлиб, уларнинг

биринчиси Али бин Аҳмад ал Ғурийнинг шарҳидир. Унинг қўлёзмаси тўла ҳолда сақланган ва у “Аврод” ҳақида яхлит маълумот берувчи муҳим манбадир.

5. Мавлоно Шайх Муҳаммад Амин Курди Ирбилий томонидан Нақшбанд Авродига ёзилган охирги шарҳ ушбу асарнинг ҳозирги кунгача тариқат аҳли орасида аҳамиятли ва зарурлигини исбот этади.

6. Жаҳонга машҳур Хожа Халифа ва Брокельманн каби шарқшунослар томонидан тартибга келтирилган библиографик каталогларда “Аврод” асарининг қайд этилиши Баҳоуддин Нақшбанднинг бу асари дунё илмий-маърифий жамоатчилиги орасида маълум эканлигини исбот этади.

7. Асар матнининг шарҳлари асосидаги таҳлилдан маълум бўладики, Ҳазрат Баҳоуддиннинг “Аврод” асари олий илм бўлган – раббоний илмга эришиш ва ҳақиқатга етишишнинг йўллари, илоҳий файзни қабул қилиш воситалари, олам ва инсон ҳақида таълим берувчи тасаввуфий қўлланмадир. У сўфийлик назарияси ва амалиёти ҳақида ҳозирги кунгача ўз аҳамиятини сақлаб келаётган нодир манба ҳисобланади.

8. Нақшбандия тариқатида хуфия зикр қабул қилингани учун бу асар ҳақида тариқат аҳлидан ўзга кишилар хабардор бўлмаган. Бизнинг фикримизча, шунинг учун ҳам мазкур рисола ҳақида ҳозирги кунгача илмий жамоатчилик маълумотга эга эмас.

9. Баҳоуддин Нақшбанднинг “Аврод” асарини чуқур ва ҳар томонлама тадқиқ этиш, биринчидан, орифлик даражасига юксалган шайхнинг дунёқарашини ўрганишга имкон берса, иккинчидан, Нақшбандия таълимотини илмий ўрганиш учун замин яратади.

БАҲОУДДИН НАҚШБАНД А В Р О Д

Бисмиллоҳир¹ раҳмонир² раҳим³.

Ё Аллоҳ! Сен Малик⁴, Ҳай⁵, Қайюм⁶, Ҳаққ⁷,
Мубинсан⁸.

Сендан ўзга илоҳ йўқ⁹.

Сен менинг Парвардигоримсан, мени халқ
қилгансан¹⁰.

Мен Сенинг бандангман¹¹. То жоним-қувватим
борича Сенга берган аҳду ваъдамни адо этмоқдаман¹².

Мен ўзим қилган ёмонликлар учун Сендан паноҳ
тилайман¹³.

Сенинг берган неъматларингни тан оламан¹⁴.

Мен Сенинг тоатингда йўл қўйган камчилик ва
айбларимни тан оламан, иқрорман¹⁵.

Гуноҳларимни мағфират этгин¹⁶. Сендан ўзга
гуноҳларимни кечирувчи йўқдир¹⁷.

Ё Аллоҳ, Ё Аллоҳ, Ё Аллоҳ! Ё Фаффор, Ё Фафур!
Аллоҳ покдир¹⁸. Барча шукр ва ҳамду санолар Ун-
гадир. Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ. Аллоҳ буюкдир.
Мутлақ куч-қувват фақат Уникидир.

У (Аллоҳ) — Аввал¹⁹, Охир²⁰, Зоҳир²¹, Ботиндир²²
ва барча нарсаларни билгувчи — Олимдир²³.

У (Аллоҳ) ҳаёт бергувчи ва ўлдиргувчидир. Унинг
ўзи барҳаёт бўлиб, ўлимни билмайди. Барча яши-
ликлар Унинг қўлидадир. У барча нарсалардан ку-
дратлидир.

Сен пок ва Муаззамлар — яъни Азим ва буюк са-
налувчилар орасида Азимсан. Буюклигингни фақат
Ўзинг биласан. Башарнинг ақли Сенинг зотингни
билишдан ожиздир.

Сен пок ва Мукаррамлар — карамли, керак-
ли вақтда ёрдам бергувчи деб танилганлар орасида

Қайюми — энг ўзгармаси ва боқийсидурсан.

Сен пок ва Баъиссан — ўлганларни қайта тирилтирасан.

Сен пок ва Вориссан — бутун мулк Сенгагина қолади, унинг ҳақиқий эгаси Сенсан.

Сен пок ва Қодирсан — истаганингни истаганингдай қилишга ҳамиша қодир қудратли Зотсан.

Сен пок ва Муқтадирсан — энг қудратли ва чексиз қудрат соҳибсан.

Сен пок ва Хафийсан, пинҳон нарсалар ва сирларни билгувчи Олимсан.

Сен пок ва ерда ўлганлар ва самовотдагиларни қайта тирилтирувчисан.

Сенинг амринг билан барча халқ қилинган — яралганлар тавҳид ва маърифатли бўладилар. Сен уларни ибодатга амр қилдинг.

Сен пок ва барча бойлик, тижоратдаги фойдаю хайру баракаларни тақдир қиласан.

Сен поксан ва Сенга офатлар таъсир қилмайди.

Сен поксан, замон ва вақтни яратасан²⁴.

Сенинг қадринг барча сўз билан айтилганлардан кўра баланддир.

Сен поксан ва назорат қилувчиларнинг изни-ихтиёри Сендадир.

Сен поксан ва барча сабабларнинг Мусаббибисан.

Сен поксан, Ё Ҳай ва Қайюм!

Сен поксан, Сенда на уйқу бор ва на ўлим.

Сен поксан, Сен менинг ва барча насут — инсонларнинг илоҳи — сажда қиладиган ва ибодат айлагувчилар учун Ягона Зотсан!

Ё Аллоҳ, Сен ўз қўлинг билан бизни яратдинг, парвариш этдинг ва барча касрат — кўплик орасида бизни энг юксакликка қўйдинг²⁵.

Барча ҳамду санолар Сенгадир.

Барча неъматлар Сеникидир.

Сенгина жазоларни инкор эта оласан.

Неъматларнинг эгаси Сенсан.

Парвардигорим! Сен муқаддас, муборак ва энг олийсан.

Сендан мағфират сўрайман ва Сенга томонга қайтурман.

Ё Аллоҳ! Сен барча олдин яратилган нарсалардан Аввалсан.

Сен барча кейин яраладиган нарсалардан Охирсан.

Сен Зоҳирсан – барча нарсаларни Сенга шабоҳат қилиб – ўхшатиб бўлмайди.

Сен Ботинсан – Сени ҳеч нарса кўра олмайди.

Сен – Воҳидсан, бу эса адад жиҳатидан эмас.

Сен вазирсиз ҳам Қодирдурсан.

Сен машваратчисиз ҳам тадбиркор – Мудаббирсан,

Айтинг: «Эй, Маликул мулк – бутун мулкнинг ягона хожаси Аллоҳим. Сен истаган кишингга мулк ато қилурсан ва истаган кишингдан бу мулкни тортиб олурсан; истаган кишингни азиз қилурсан. Ва истаган кишингни хор қилурсан. Бор яхшилик ёлғиз Сенинг қўлингдadir. Албатта, Сен барча нарсага қодирсан. Кечани кундузга киритурсан ва кундузни – кечага киритурсан, ўликдан – тирикни чиқарурсан ва тирикдан ўликни чиқарурсан ҳамда истаган кишингга беҳисоб ризқ-рўз берурсан»²⁶.

Ё Аллоҳ, Сен бу дунёда Раҳмонсан ва охиратда Раҳимсан.

Сен поксан ва Ўзингни дунёдан, барча халқдан ҳижоб²⁷ билан яширгансан.

Сен поксан ва барча улуғликлар ва буюкликлар Сеникидир.

Сен поксан, барча нарсаларнинг Малики – соҳибхитиёрисан.

Сен поксан! Эй Ўзининг қудрати, олийлиги, бақолиги, қаҳқорлиги, ўлдириши, фаноси ва йўқ қилиши билан азиз ва тавоно бўлган зот!

Ё Аллоҳ, Сен қалбларда тажаллий этадиган нарсаларни билгувчисан.

Сен поксан, эй шаҳару қишлоқларни кенгликлар билан мушарраф этган зот!

Ё Аллоҳ, Сен ҳаб – кичик зарранинг ичидагини ҳам билгувчисан.

Сен поксан, ё Аллоҳ, сен Олий зотсан ва бизга Ўзингни ошқоро этиб лутф қилгансан.

Муқаддассан, ё Парвардигор! Энг олийсан, Сендан ўзга Парвардигор йўқ. Сендан ўзга Қоҳир – қўли ҳамиша баланд бўлган, голиб, қаҳр-ғазаб кўрсатувчи йўқ.

Ё Аллоҳ, Сен неъматларнинг соҳиби, фазлнинг эгаси ва шукрни қабул қилувчидурсан.

Мен гувоҳлик бераманки, ё Аллоҳ, Сендан ўзга илоҳ йўқ, фақат, Сен борсан.

Сен менинг Парвардигоримсан, барча нарсаларнинг Парвардигорисан ва осмон билан ернинг яратувчиси – Фотирсан.

Сен Файб ва Шаҳодат оламининг Олими²⁸, Олийси, Кабир ва Мутаолийдурсан.

То, Ҳо, То, Син, Мим, То Син, Ҳо Мим, Айн, Син, Қоф, Йа, Син²⁹.

«Сен икки денгиз – дарёни бир-бири билан учрашадиган ҳолларида ёнма-ён оқизиб қўйдинг, (аммо) у иккисининг ўрталарида бир тўсиқ бўлиб, улар ўшандан ошиб ўтмаслар»³⁰.

«Аллоҳдан ўзга ҳеч қандай Илоҳ йўқ. Фақат Унинг ўзи бордир. У тирик ва абадий тургувчи-

дир. Уни на мудроқ ва на уйқу олади. Самовот ва ердаги бор нарсалар Уникидир. Унинг ҳузурида ҳеч ким (бировни) Унинг изнисиз оқлай олмайди. У уларнинг (барча одамларнинг) олдиларидаги ва орқаларидаги бор нарсаларни билади. Улар Ул Зот илмидан фақат Ўзи истаган нарсаларнигина биладилар. Унинг Аршу Курсийси осмонлар ва ердан кенгдир. Уни осмонлар ва ерларни ҳифзу ҳимояда сақлаб туриш қийнамайди. У энг юксак ва буюқдир»³¹.

Ҳо, Мим; Ҳо, Мим; Ҳо, Мим; Ҳо Мим; Ҳо Мим; Ҳо, Мим, Ҳо, Мим³².

Фармон бўлди ва Аллоҳдан ёрдам келди, бизни ҳеч ким маблуб қила олмайди.

«Ҳо, Мим, Ушбу Қуръон Қудратли ва билгувчи, гуноҳни мағфират, тавба-тазарруни қабул қилувчи, азоби қаттиқ ва инъом-эҳсон эгаси Аллоҳ томонидан нозил қилинган Китобдир. Ҳеч қандай илоҳ йўқ, магар Унинг ўзигина бордир. Фақат Унинг ўзига қайтарилур»³³.

Аллоҳ истаганини Ўз қудрати билан қилади, ҳоҳлаганини Ўз изни билан ҳукм қилади. У шундай зотки, халқ уникидир, амр уникидир³⁴. У бутун оламларнинг муқаддас Парвардигоридур.

Унинг (Аллоҳнинг) Жабарут³⁵ — тавонолигини ҳеч ким тортиб ололмайди. Унинг шериги йўқдир. Барча мулк Уникидир.

Сен поксан, барча мақтовлар, таърифу тавсифлар Сенгадир. Мутлақ куч-қувват Сеникидир. Сен истаган нарса амалга ошади, Сен истамаган нарса амалга ошмайди.

Мен биламанки, албатта, У барча нарсага қодир, қудратлидир.

Албатта, Аллоҳгина барча илмларни ўраб олгандир.

Барча нарсалар ададининг ҳисоби Ундадир.

Ё Аллоҳ, Ўз ғазабинг билан бизни қатл этмагин ва азобинг билан ҳалок этмагин. (Ҳалок этишдан) аввал узримизни қабул эт, бизнинг аввалги гуноҳларимизни афв эт!

Ё Аллоҳ, Сен пок, Малик ва Қуддуссан.

Ердаги ва самодаги махлуқлар соҳиби ва эгаси — Аллоҳга тасбеҳ айтаман (яъни, турли нуқсон ва камчиликлардан пок деб эътиқод қиламан). Сен иззат, улуғлик ҳайбат, қудрат, қувват, жалол, жамол, камол, бақо, султон, сано, зиё, олийлик, кибриё ва жабарут эгаси, соҳибидурсан.

Ё Аллоҳ, Сен пок, Малик, Ҳаққ, Тирик, Абадий, Ҳалимсан. Сен шундай зотсанки, сенда уйқу, ўлим, фавт бўлиш — йўқ бўлиб кетиш йўқдир. У (Аллоҳ) абадий, доимий, боқийдир. У нуқсон ва камчиликлардан пок ва муназзахдир.

Ё Парвардигор! Сен фаришталар³⁶ ва Рух Жаброил³⁷ (а.с.)нинг Парвардигорисан.

Ё Аллоҳ, ўз илмингдан бизларга ўргатгин! Бизларга Ўзингни яхшироқ танишга қобилият бер, Ўзингни эшиттир ва ёрдам қалқонинг билан бизни ўраб ол!

Ё Аллоҳ, бизни шукрингни адо этувчи қил! Сени зикр³⁸ этувчилардан қил! Сенинг тақводор бандаларингдан қил! Бизни сердуо ва гуноҳдан қайтадиган қил! Ўзингга итоат қилувчилардан, тоатли, мугавозе — камтарин қулларингдан қил! Биз Сенга қайтувчилармиз!³⁹

Ё Аллоҳ! Тавбамизни қабул эт! Гуноҳлардан бизни пок айлагин. Дуоларимизни ижобат эт! Сўзларимизни тўғри, рост қил (беҳуда сўзлардан асра)!

Нафрат, ёмон кўришни⁴⁰ юрагимиздан узоқлаш-

тиргин, кина⁴¹, фасод, ғазабни⁴², қалбимиздан⁴³ арит!
Улар қалб ҳижобидирлар.

Ё Аллоҳим! Сендан жуда кўп узоқлашишдан паноҳ сўрайман. Инкор этишдан ва эсдан чиқариб қўйишдан (паноҳ сўрайман). Шайтон васвасаси ва ожиз бўлишдан (паноҳ сўрайман). Ҳалок этувчи ишлардан (паноҳ сўрайман).

Ё Аллоҳ! Сенинг ҳузурингда камтарин бўлиш — хушуну насиб эт! Бизни гуноҳлардан Ўзинг асра!

Бизга Ўзингга итоатли бўлишни ато эт! Бу тоат туфайли ё Аллоҳ, ё Ҳазрати Қуддус, бизни беҳиштга киритгин.

Бизга яқийн⁴⁴ неъматини бер. У дунё ва охират мусибатларини кеткизади. Бизни ҳашр кунда энг яхши халойиқинг билан бирга қил!

Бизни эшитиш, кўриш ва қувват билан насибадор қил! Бутун қавмим ва тирикларни то ўлим келгунча булардан айирма! Бизни қандай тирилтириб ҳаёт бахш этган бўлсанг, шундай ўлдир! Бизлар учун меросхўрни қолдир!

Ё Аллоҳ! Бизнинг золимлардан қасосимизни ол! Бизни барча душманлардан юқори қўй! Хатоларимизни кечиргин!

Ё Аллоҳ, Сен балоларни қайтарувчисан. Бизнинг чироғимизни мунаввар қил! Бизнинг наслимизга раҳм қил! Улар ва бизларга саросималикни энг катта ғам қилиб қўйма!

Бизнинг илмларимиз маълум ҳудудга эга⁴⁵. Бизнинг мусибатларимизни динимиздан қилмагин! Бизга гуноҳларимиз учун раҳмсиз кишини ҳоким қилиб қўйма!

Ё Аллоҳ! Бизга ризқ бергин, Сен ризқ берувчиларнинг энг яхшисидурсан.

Бизга раҳм қилгин, Сен раҳм қилувчиларнинг энг раҳмлисидурсан.

Ё Аллоҳ! Сендан раҳматни сўраймиз! Бизни Сендан қўрқишга ҳидоят қил ва бир-биримизга аҳилиттифоқ этгин. Сен бизнинг бирлашув нуқтамиз, ягона бўлишимизнинг асосисан⁴⁶.

Ё Аллоҳ! Сен касалларга шифо берасан.

Сен бизнинг амалларимиз ва вақтларимизни поклайсан.

Сен офатлардан асрайсан.

Сен тўғри йўлда камол топишимизга илҳом берасан.

Ё Аллоҳ! Сенинг Самад⁴⁷, ваҳдоният⁴⁸, фардониятинг⁴⁹ ҳаққи, аниқ-равшан кудратинг ва чексиз раҳматинг ҳаққи, Сендан сўраймиз:

Қулоқларимизни пурнур қил!

Кўзларимизни пурнур қил!

Қабрларимизни пурнур қил!

Қалбларимизни пурнур қил!

Бутун сезги аъзоларимизни пурнур қил!

Эшитиш нурини бер!

Бизнинг келажагимизни пурнур қил!

Парвардигорим, бизга фойдали илм, камоли ҳалимлик ва ёруғ, равшан нур бер!

Бизга зоҳир ва ботин неъматларингдан бер!

Ё Аллоҳ! Бизга риёсиз амал бер!

Ҳисобсиз жаннат ва азобсиз дийдор бер!

Ё Парвардигорим! Бизнинг бу дунёмиз ва охирагимизни гўзал қил ва жаҳаннамдаги олов азобидан кутқар!

Бизнинг динимизга фақат Аллоҳ кифоядир.

Бизнинг дунёмизга фақат Аллоҳ кифоядир.

Қайси нарса-ҳодисадан ғамли бўлсак, бизлар учун карим Зот — Аллоҳ кифоядир.

Бизларга боқий ва барча нарсаларнинг соҳибхитиёри Аллоҳ кифоядир.

Кимки бизларга ёмонлик билан яқин келмоқчи бўлса, Шаид Зот – Аллоҳ кифоядир.

Заҳарли ва аччиқ вақтда раҳмли Аллоҳ кифоядир.

Қабрдаги сўров дамларда Рауф Зот – Аллоҳ кифоядир.

Мезон – тарозуда амалларимизни ўлчаш вақтида Латиф Зот – Аллоҳ кифоядир.

Сирот кўпригида Қодир Зот Аллоҳ кифоядир.

Жаннатга кириш ва дўзахдан сақланишда Ҳаким Аллоҳ кифоядир.

Лиқо (Аллоҳ жамолини тамошо) вақтида Аллоҳ кифоядир.

«Кифоядир шундай Аллоҳки, Ундан ўзга илоҳ йўқ! Унга таваккал қиламиз, У Зот Арши азимнинг Парвардигоридур!⁵⁰».

Хуш келибсан, намозшом ва янги кеча! Хуш келдинг, тонг ва янги кун! Хуш келдинг, вақт ва хушвақтлик соатлари! Хуш келибсан, сафар қилувчи ва муқим!

Ёзгин! Биз учун Ҳамид⁵¹ ва Мажид⁵² Аллоҳ номи билан У – Жамий⁵³, Рафий⁵⁴, Вадуд⁵⁵, Муҳит⁵⁶, Фаъолдур⁵⁷.

У (Аллоҳ) бизга бўйин – жон томиримиздан ҳам яқинрокдир⁵⁸.

Аллоҳ номи билан тонгни кутдик ва шом қилдик. Унга (Аллоҳга) имон⁵⁹ келтирдик ва Унинг лиқойига сидқ билан ишондик. Унинг ҳужжатларини эътироф этиб, Унгагина таваккал қилдик.

Гувоҳлик берамиз Аллоҳга, Унинг малоикаларига, анбиё ва расулларига⁶⁰, жамики халқига ва Аршини кўтариб турувчиларга.

Албатта, Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ, фақат У бор. У ягона бўлиб, шериги йўқдир.

Албатта, Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи васаллам) Унинг бандаси ва расулидир.

Албатта, унинг (Муҳаммаднинг) Аллоҳдан келтирган пайғом-хабарлари ҳақдир.

Албатта, жаннат ҳақдир.

Албатта, Нор-олов ҳақдир.

Албатта, Мезон ҳақдир.

Албатта, Сирот ҳақдир.

Албатта, Ҳавзи Кавсар ҳақдир.

Албатта, шафоат ҳақдир.

Албатта, Мункар ва Накир ҳақдир.

Албатта, Ваъда ҳақдир.

Албатта, Саъат – қиёмат ҳақдир: унинг бўлишига ҳеч қандай шак-шубҳа йўқдир. Аллоҳ қабрдагиларни қайта тирилтиради. Унинг учун тириламиз ва ўлгандан кейин Унга қайтамыз.⁶¹ У бизни қайта тирилтиради ва истаса, олов азобини кўрмаймиз.

Ё Аллоҳ! (Сен) Парвардигоримизсан.

Албатта, биз ўзимизга зулм қилувчилармиз, каттаю кичик гуноҳларимизни кечиргин! Сендан ўзга уларни кечиргувчи йўқ!

Сен бизларни гўзал ахлоққа ҳидоят эт! Сендан ўзга бизларни гўзалликка ҳидоят этувчи йўқ!⁶²

Ё Аллоҳ! Мен Сенинг даъватингни қабул этдим, Сенинг ибодатингдаман. Мен Сенинг тоатингда бўлганимдан хушвақтман. Менинг гуноҳимдан ўтгин! Биз Сенга қайтамыз. Сенга имон келтирдик ва ишондик. Ё Аллоҳ, юборган расулинга имон келтирдик ва нозил қилган Китобинг ҳақлигини тасдиқ этдик.

Ё Аллоҳ! Бизнинг юзимизни ҳаёдан мунаввар эт, қалбимизни завқ ва шавқинг⁶³ билан тўлдир!

Ё Аллоҳ! Саховатли шариф нафс соҳиби қил!
Бахил, гуноҳ билан яшовчи, мутақаббир⁶⁴, одамлар
орасини фисқу фасод билан бузувчи-чақимчи ва
ғийбатчи қилма!

Ё Аллоҳ! Сендан баднафс⁶⁵, кўп беҳуда сўзловчи
бўлиш,⁶⁶ кибр, ҳирсу-ҳавас⁶⁷, ҳасад⁶⁸, дунёга берилиш,
ёмон гумонли бўлиш, тамаъ⁶⁹, кўполлик, май ичиш,
бемаҳал ўлим, фитна, қаттиқ ва офир ҳаётдан паноҳ
беришликни сўрайман.

Ё Аллоҳ! Сен аввалги кунларимизни тўғри қил,
ўртасида нажот бер ва охирини муваффақиятли
хатм этгин! Хотимада саодат, шаҳодат ва мағфиратга
етиштириб, имонли қил!

Ё Аллоҳ! Умримиз аввалини раҳмат қил, ўртаси-
ни зоҳид қил, охирини ҳурматли ва иззатли қил!

Ё Аллоҳ! Фаровон ва ризқли ҳаёт бер! Умрдан энг
хушбахтини, ризқдан кенгини ва фойдалисини бер!

Ё Аллоҳ! Бизнинг гуноҳларимизни афв эт! Фаз-
линг билан уларни сақланишга илҳом⁷⁰ бер!

Ё Аллоҳ! Сен поксан ва ҳамду сано Сенга муно-
сибдир. Сен билан бирга бўлиш қувватли қилади. Се-
нинг қўшининг мағлуб бўлмайди. Сенинг ваъданга
хилоф қилмайсан, Сендан ўзга илоҳ йўқ!

Сен поксан, эй Маъбуд! Сенга ибодат қилишни
ўрнига қўя билмадик.

Сен поксан эй Маъруф! Биз Сени таниш, маъри-
фатли⁷¹ бўлиш ҳаққини билолмадик.

Сен поксан эй Мазкур! Қандай зикр қилиш ло-
зим бўлса, шундай зикр этиш ҳаққини адо эта ол-
мадик.

Сен поксан, эй Машкур! Қандай лозим бўлса
ўшандай шукр қилиш ҳаққини адо эта олмадик.

Ё Аллоҳ! Сенинг берган неъматларинг шукрини
адо этишга илҳом бер! Инсонларга хос сифатларинг-

дан қудратда тенгсизлик сифатинг Сенинг юксак бўлди.

Ё Аллоҳ! Сенга зид йўқ⁷². Сенинг ҳаддинг йўқ⁷³. Махлуқотни яратаётганингда Сенинг шоҳидинг йўқ⁷⁴. Гуноҳлардан поклаётганингда Сени манъ қиладиган тенгинг йўқдир⁷⁵.

Ё Аллоҳ, Сендан ёши келмайдиган кўзлардан, кўрқув билмаган диллардан, хушуъ – итоати бўлмаган қалблардан, тўқ бўлолмайдиган нафслардан, фойдаси бўлмаган илмлардан, эшитилмайдиган дуодан, закот бериш ва хайр қилишда қаттиқ бўлишдан паноҳ сўрайман.

Ё Аллоҳ! Бизга гўзал хулқ либосларини кийдир, сирларингдан англат, латиф денгизингда бизни фарқ қил, орифларнинг маърифат сирлари билан таништиргин.

Ё Нурларнинг Нури!⁷⁷ Ё сирларнинг Кашшофи!⁷⁸ Ё Латиф, Ё Саттор⁷⁹, биз Сендан Муҳаммад (солаллоҳу алайҳи васаллам)га салавотимизни етказишингни сўраймиз. У (Муҳаммад) барча анбиёларнинг чароғи, авлиёларнинг қуёши, покланганларнинг қамари, инсу жинсларнинг зиёси, мағрибу машриқда қуёшнинг нуридир.

(Ё Аллоҳ!) бизнинг вужудимизни ирфоний фалакка кўтаришингни сўраймиз. (Ё Аллоҳ) эҳсон мақомида⁸⁰ бизнинг гувоҳлигимизни мустаҳкам қил!

Ё Аллоҳ! Ё Аллоҳ! Ё Аллоҳ! Ё Нур! Ё Васиъ!⁸¹ Ё Фафур! У шундай зотки, амри билан осмонлару ерни яратди. Ўз қудрати билан ерни текис қилди. Унинг ҳиммати билан тоғлар собитдир. Қуёш ва ой Унинг фазли билан нур сочади.

Сенинг номингдан юлдузлару, қуёшу ойни нурдан тўла қилишни сўраймиз. Улар билан булутларни

жилолашни сўраймиз. Унинг (Аллоҳнинг) ёруғлиги барқ каби бўлиб, кўз уни кўра олмайди.

То, Син, Мим. Улуғ Аллоҳдан ўзи инкор қилган ишларни қилишдан, кинадан, фожирларнинг ҳийласидан, кечаю кундуз бўладиган фитналардан, қилинган ёмонликлар учун икки дунё азобидан ва ёмон орзу-ҳаваслардан паноҳ сўраймиз.

Ё Ҳафиз! Бизни ҳифзу ҳимоянгга ол! (3 марта)

Ё Валий!⁸² Ё Волий!⁸³ Ё Алий!⁸⁴ Ё Олий!⁸⁵ Сен шундай зотки, Сендан ўзга илоҳ йўқ! Фақат У бор. Унинг ягоналигини Ўзидан бошқа ҳеч ким била олмайди. Унинг қанақалигини ҳеч ким англай олмайди.

Ё Аллоҳ! (3 марта) Ё Ҳай, Ё Қаййюм, Ё Ҳаққ, Ё Аҳад⁸⁶, Ё Самад, Ё Ваҳҳоб⁸⁷, Ё Фаттоҳ⁸⁸, Ё Муҳйи⁸⁹, Ё Мумит⁹⁰, Ё Қаҳҳор⁹¹, Ё Валуд, Ё Салам⁹², «Уларга меҳрибон Парвардигор томонидан салом айтилур».⁹³ «Уларнинг ёмонлигидан сизларга (Эй Муҳаммад) Аллоҳнинг ўзи етарлидур. У эшитгувчи ва билгувчидур».⁹⁴

У Аллоҳ, шундай зотки, ундан ўзга илоҳ йўқ. Фақат унинг Ўзигина бор. У Файб ва Шаҳодат оламини билгувчи Раҳмон ва Раҳимдур. У шундай зотки, ундан ўзга илоҳ йўқ. У Малик, Қуддус,⁹⁵ Салим, Муъмин,⁹⁶ Муҳаймин,⁹⁷ Азиз,⁹⁸ Жаббор,⁹⁹ Мутакаббир.¹⁰⁰ Аллоҳ покдур ва Унинг шериги йўқдур.

У (Аллоҳ) Холик, Барий,¹⁰¹ Мусаввир,¹⁰² Гаффор, Қаҳҳор, Мубдиъ,¹⁰³ Муъид,¹⁰⁴ Муъиз,¹⁰⁵ Барр,¹⁰⁶ Муҳсий,¹⁰⁷ Розик, Қобиз,¹⁰⁸ Басит,¹⁰⁹ Ҳафиз, Рафиъ, Муқит,¹¹⁰ Содик,¹¹¹ Боқий,¹¹² Рауф, Нафиъ,¹¹³ Зорр,¹¹⁴ Малик, Муқаддам,¹¹⁵ Муаххир,¹¹⁶ Афув, Фаний,¹¹⁷ Муғний,¹¹⁸ Мунтақим,¹¹⁹ Таввоб,¹²⁰ Самий,¹²¹ Олим, Басир.¹²² Бизга ёлғиз Аллоҳнинг Ўзи кифоя.

У Зот энг яхши ишончли вакил. У энг яхши

Мавло – Хожа, энг яхши ёрдам берувчи. Сенинг мағфиратинг бўлсин Парвардигорим, қайтиш Сенгадир.

Ё Боқий, Сенда фано йўқ!

Ё Қаййум, Сенда завол йўқ!

Эй гзал тадбир этувчи! Сенда вазир йўқ!

Жамики қийинчиликларни бизларга, ота-онамиз, биродарларимиз ва барча мўминларга енгил қилгил!

Ё Аллоҳ, ниманики Сен берсанг уни манъ-инкор қилувчи йўқ!

Сен инкор этганни бера оладиган ҳам йўқ!

Сен қазою қадар қилиб, тақдирда белгилаб қўйганни рад қила оладиган йўқ!

Кимники залолатда қолдирган бўлсанг, унга йўл кўрсатувчи йўқдир!

Кимни ҳидоят этсанг, уни йўлдан адаштирадиган йўқ!

Сен мушкул қилиб қўйганингни осон қила оладиган йўқ!

Сен осон қилиб қўйганингни мушкул қила оладиган йўқ!

Сен ҳукм қилганингни ўзгартира оладиган йўқ!

Сенинг мададингиз ғайрат қиламан деб уринишнинг фойдаси йўқ!

Жидду жаҳд ва ғайратнинг соҳиби Сенсан.

Ё Поко Парвардигор, Олий, Ҳасиб,¹²³ Ҳакам,¹²⁴ Адл,¹²⁵ Роқиб,¹²⁶ Собиқ, Голиб, Мунир,¹²⁷ Бозих,¹²⁸ Шамих,¹²⁹ Мужиб,¹³⁰ Ғаний, Рашид,¹³¹ Сабур,¹³² Жалил, Барий, Нур, Муқсит,¹³³ Жамий, Муъти,¹³⁴ Маниъ!¹³⁵ Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ, у Вакил¹³⁶ ва Шоҳид¹³⁷. Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ, У Матин¹³⁸ ва Мажид.

Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ, У Воҳид, Важид¹³⁹ ва Волий.

Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ, У Мажид ва Мутаол.

Биз барча қўрқинчлиларни ҳисобладик. Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ.

Барча неъматлар учун Аллоҳга ҳамду санолар, барча фаровонликлар учун Аллоҳга шукрлар бўлсин.

Кўзимиз билан кўраётганлар учун Субҳоналлоҳ.

Барча танглик ва машаққатларда Аллоҳ кифоядир.

Барча гуноҳ, айбу хатолар учун — астағфуриллоҳ.

Барча ғаму андуҳ учун — мошооллоҳ.

Барча қазову қадарда Аллоҳга таваккал.

Барча мусибатда Аллоҳга юзландик ва Ундан ёрдам сўрадик.

Барча эҳтиёжларимизда Аллоҳдан мадад умид қилдик.

Барча тоатларимизда ва гуноҳ қилганда ҳам Унга юзландик.

Мутлақ куч — қувват Аллоҳдадир.

Ё Бор Худоё, биз тонг отгирдик.

Бунга Сенинг фаришталаринг, Аршингни кўтариб турганлар, пайғамбарлар ва бутун халқингни шоҳид қиламизки, Сен Аллоҳсан, Сендан ўзга илоҳ йўқ. Сен яғонасан, шеригинг йўқдир. Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи васаллам)банданг ва расулингдир. Аллоҳ мутлақ куч-қувват соҳибидур.

Эй бу дунёда Раҳмон — бағишловчи ва охиратда Раҳим — раҳмли, меҳрибон Зот, бизни афв эт ва мағфират қил! Бизга раҳм қил! Сен Хожамизсан, бизларга кофирлар қавми устидан ёрдам бер! Сен раҳмлиларнинг раҳмлисисан.

Шифо берувчи Аллоҳ исми билан (бошлайман).
У — Аллоҳ.

Кифоя қилувчи Аллоҳ исми билан (бошлайман).
У — Аллоҳ.

Вафо қилувчи Аллоҳ исми билан (бошлайман).
У – Аллоҳ.

Афв қилувчи Аллоҳ исми билан (бошлайман). У
– Аллоҳ.

Муборак Аллоҳ исми туфайли – еру осмонда ҳеч нарса зарар бермайдиган Аллоҳ номи билан бошлайман.

У Самий – эшитгувчи ва Олим.

Аллоҳ энг яхши ҳимоя этувчи.

У раҳмлиларнинг раҳмлиси.

«Аллоҳ уларни ортидан ихота қилиб туради. Балки У Қуръони Каримдир. У Лавҳул Маҳфуздир».¹⁴⁰
«Намознинг вақтларига риоя қилинг. Ўртадаги намозга (асрга) риоя этинг, Аллоҳга итоатда бўлинг».¹⁴¹
У барча нафасларни ҳимоя этувчидир. У жуда яхши ҳимоя этувчидир.

Эй сақловчи Зот, бизни Ўзинг ҳимоя қил!

«Сизга Аллоҳ ғамдан кейин тинчликни нозил этди. У мудроқ(сакинат)ни туширувчидир.

Бир тоифани уйқу банд этди. Бир тоифани фақат ўз ўй-фикрлари билан банд этди. Улар Аллоҳ ҳақида нотўғри фикр қиладилар. Жоҳилиятдаги фикрларни қилиб айтадиларки, бизларга бирор иш борми? Айтгинким, ишларнинг барчаси Аллоҳникидир. Улар қалбларидаги сирларни яширадилар ва Сенга ошкора (билдирмайдилар) ва айтадиларки: Биз бу ерда ўлмас эдик. Айтгин, агар тақдирингда ўлим бўлса, у пайтда сен жойингда ухлаб ётган бўлсанг ҳам, ўлим келиб сени олиб кетади».

«Аллоҳ шундай зотки, У бизнинг Парвардигоримиз. Биз иймон келтирдик. Бизларни мағфират эт, жаҳаннам олови азобидан қутқаргил! Сабрлилар, содиқлар, итоат қилувчи, нафақа берувчи,

кечаси билан гуноҳлари учун мағфират сўровчиларни ҳам (мағфират этиб, жаҳаннам олови азобидан қутқар). Малоикалар ва илм аҳли ҳам адолатда қоим бўлиб айтадиларки, Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ, у Азиз ва Ҳақимдир».¹⁴²

Аллоҳ наздида энг яхши дин – Ислом. Ухлаш олдидан ва уйқудан турганингда «Ё Аллоҳим, Сен поксан» – деб айт.

Самовот ва ердаги ҳамду сано Унгадир.

Кечқурун ва кундузги санолар Унгадир.

«У Аллоҳ тирикни ўликдан чиқаради ва ўликни тирикдан ҳосил этади. Ерни ўлгандан кейин қайта тирилтиради». Шунинг учун сиз ҳам қайта чиқарилурсиз.

«Мен таваккал қилдим Аллоҳга. У менинг ва сизнинг Парвардигоримиз. Барча ҳайвонларни Аллоҳ ҳалок қилади»¹⁴³...

Биз Сендан ўзгага таваккал қилмаймиз.

Сен бизларни ҳидоят қилгин.

Албатта, бизларни сабрга бошла.

Сен таваккалчиларни муҳофаза этувчисан!

Бизларни Аллоҳга таваккал қилувчи қил!

Айт, Аллоҳ қалбларнинг аслини билувчи Олимдир.

Аллоҳ тақдир этганларидан ташқари бирор мусибат бизга етмайди. У бизнинг Хожамиз, Аллоҳга имон келтирганлар Унга таваккал қиладилар.

«Ердаги ҳайвонларни барча ризқини Аллоҳ берур. У уларнинг яшаш жойларини, захира қилган жойларини билади. Ҳаммаси очиқ-равшан китобда ёзилгандир. Бирор ҳайвон ризқини ўзи кўтармайди, уни фақат Аллоҳ беради.»

Аллоҳдан қўрқинглар, У эшитгувчи ва Олимдир.

Аллоҳ одамларга ёғдирган раҳматини ҳеч ким сақлай олмайди!

Кимга Аллоҳ раҳматини сақлаб бермаса, уни ҳеч ким бера олмайди. У Азиз ва Ҳакимдур.

«Агар сен улардан «Еру самони ким яратди?», — деб сўрасанг, албатта, «Аллоҳ» деб айтадилар. Сен уларни кўрмайсанми, улар Аллоҳга эмас, ўзгага дуо қиладилар. Агар Аллоҳ менга зарарни истаса, уни улар қайтара оладиларми, ёки узоқлаштира оладиларми?!»

Агар Аллоҳ менга раҳматни истаса, улар уни сақлай оладиларми?!»

«Айтгин, Аллоҳ кифоядир. Унга таваккал қилувчилар таваккал қиладилар.

Аллоҳ нимани сизларга раво кўрса, у хушхабардир ва у сизнинг хотирангизни жам қилиш учундир. Ёрдам фақатгина Азиз ва Ҳаким Аллоҳдандир».

Коф, Ҳо, Йо, Айн, Син (3 марта). Ҳо, Мим, Айн, Син, Қоф (3 марта)¹⁴⁴. Бизга Сенгина кифоя қилгин, бизларга раҳм айлагин! Сен Қодир,¹⁴⁵ Қаҳҳор, Зоҳир, Ботин, Фотир,¹⁴⁶ Латиф, Хобир¹⁴⁷ ва Ҳақ сўзлисан¹⁴⁸. Сури билан тирилтирганда бутун мулк Уникидир. У Ғайб ва Шаҳодатнинг олимидир. У Ҳакам ва Хобир. Ё Ҳаннон,¹⁴⁹ Ё Маннон,¹⁵⁰ Ё Дайён,¹⁵¹ Ё самовот ва ерни халқ қилган — яратган, Ё Ҳай ва Қаййюм (3 марта). Ё Залжалолу вал икром — буюклик ва фазлу карам соҳиби. Сенинг буюкликнинг ва улуҳиятингдан фазилатларни сўрайман:

Бизга инсоний фазилатларни ато қил!

Бизнинг руҳимизни фаришталаринг билан олий даражага кўтаргин.

Ё ҳол ва қувватларни ўзгартира оладиган зот!

Бизнинг ҳолимизни яхшиликка томон ўзгартир!

Ё пок Аллоҳ! Сенга мақтов ва санолардир. Гувоҳлик бераманки, Сендан ўзга илоҳ йўқ. Сенинг шеригинг йўқ. Сен якка-ягонасан. Муҳаммад Сенинг банданг ва расулинг. Сендан мағфират сўрайман ва тавба қиламан.

Ё Аллоҳ, сайидимиз Муҳаммадга саловот ва саломлар бўлсин! Унинг нури халқдан олдин яралгандир. (Бу нурнинг) зоҳир бўлиши одамлар учун раҳматдир. Унга (Муҳаммадга) бу оламдан қанча одам ўтган ва қанча одам қолгани миқдорича (саловот ва салом) бўлсин! Барча хушвақт бўлган ва бадбахтлар миқдорича саловот бўлсин! Шундай саловотким, унинг ҳадду ҳисоби йўқ ва у бутун мавжуд бўлган ҳадду ҳудудларни ихота қилади. Шундай саловотким, унинг охири йўқ ва вақти тугамайди. У абадий ва бардавомдир. Шундай саловотким, у синмайди, бузилмайди. У саловот доимийлиги Сенинг доимийлигинг кабидир, унинг боқийлиги ҳам Сенинг боқийлигинг кабидир.

Муҳаммаднинг аҳли оиласига ҳам шу миқдорича саловотдир. «Қудрат эгаси Парвардигорингиз уларнинг сифатларидан (яъни, ҳар қандай айбу нуқсондан) покдир. (Барча) пайғамбарларга (Аллоҳ таолонинг) саломи бўлгай. Ҳамду сано барча одамларнинг Парвардигори Аллоҳ учундир».¹⁵²

ИЗОҲ ВА ШАРҲЛАР:

1. Бисмиллоҳ – “Аллоҳ исми билан бошлайман” дегани бўлиб, барча хайрли ишлар шу исм билан бошланиши лозимлигига ишорадир. Аллоҳ – исми зот, вожиб – ал-вужуд, яъни вужуди вожиб – барча вужудларни халқ қилган, яратган зотдир. Бу Исми Аъзамдир. Аллоҳ – ягона сажда қилишга, ибодат айлашга ва ёрдам сўрашга арзигули зотдир. Бу исм билан бошлаш амал ва ниятлар холислигига ишорадир.

2. Раҳмон – Аллоҳнинг муборақ исмларидан бири бўлиб, барча бузург – энг катта неъматларни берувчи, ато этувчи ва бағишловчи маъносини англатади. Бу исмни англаб такрорлаган киши ўзгаларга эзгулик қилиш, сахий бўлиш каби илоҳий сифатларни ўзида шакллантиради ва гўзал ахлоқ билан безанади.

3. Раҳим – Аллоҳнинг муборақ исмларидан бўлиб, ўз неъматлари билан бу дунё ва охиратда мўминларга яхшилик этиб, раҳмлилик ва меҳрибонлик қилувчи маъносини англатади. Бу исмни англаб зикр этган кишида раҳмдиллик ва меҳрибонлик каби илоҳий сифатлар пайдо бўла бошлайди. Бу эса зикр этувчини гўзал ахлоқ билан безантиради.

4. Малик – Аллоҳнинг исмларидан бири: бутун борлиқнинг ягона хожаси, бутун мулкнинг эгаси, барча нарсалар унинг тасарруфида эканлигини англатади. Бу исмни англаб тилга олган киши бутун борлиқ ягона Аллоҳнинг мулки эканлигини англайди ва ҳар бир мавжудодга муҳаббат билан муносабатда бўлади.

5. Ҳай – Аллоҳнинг исмларидан бири: унинг абадийлиги, барҳаётлиги, фанони билмаслиги,

ўлмаслиги каби сифатга эғалигини кўрсатади, бу исмнинг моҳиятига етган киши ўзида гўзал илоҳий ахлоқни шакллантиришга уринади. Чунки бундай сифатга эга бўлган киши абадий барҳаётдир.

6. Қайюм – ўз-ўзидан қойимдир, ҳар ниманики истаса, ўзи ижро қилади. Бу Аллоҳ исми унинг эҳтиёжсиз эканлигини англатади. Мазкур исм моҳиятига етган киши қалбини поклаб, уни Аллоҳнинг хилватгоҳига айлантиради ва барча истаганини ўз қалби буйруғи билан амалга оширади. Шунинг учун сўфийлар орасида “Ўзини билган Аллоҳни билади” деган ибора машҳур.

7. Ҳаққ – Аллоҳнинг исмларидан бири, Унинг собитлиги, яъни борлигининг ўзгармас эканлигини англатади. Сўфийлар ва бутун тасаввуф аҳли Ҳаққа етишишни ҳаёт мақсади деб биладилар. Улар Ҳаққ деганда мутлақ, ўзгармас ва абадий ҳақиқатни тушунадилар ва ўзларида собитлик – ўзгармаслик сифатини шакллантирадилар.

8. Мубин – Аллоҳнинг шундай зотлигини кўрсатадики, ўзи истаган шахсларга ҳидоят этиб, тўғри йўлни кўрсатади. Бу исм моҳиятига етган кишилар илоҳий ахлоқ билан безаниб, ўз хулқлари, феъл ва атворлари билан ўзгаларга ибрат бўлиб, уларни Ҳаққ йўлига бошлайдилар.

9. “Сендан ўзга илоҳ йўқ” – Аллоҳнинг ягона сажда ва ибодат, ёрдам сўрашга арзигулик зот эканлигига ишора. Тошлар, қабрлар, шахслар ва бошқа нарсаларни илоҳга айлантириб, сажда қилиш бу – Аллоҳга ширк келтириш, яъни бошқа нарсаларни Унинг шериги, тенги деб билиш бўлиб, буюк гуноҳлардандир.

10. “Сен менинг Парвардигоримсан, мени халқ қилгансан” – Баҳоуддин Нақшбанд бу сўзлари орқали

инсон Аллоҳ амри билан яратилганлигига, ўзи ҳам шу жумладан халқ қилинганлигини таъкидламоқда. Аллоҳга – Раб – Парвардигор яъни уни пайдо қилиб, парвариш этиб, ўз паноҳида сақлаётган зот сифатида мурожаат этар экан, Аллоҳни Холик, Яратувчи, инсонни эса яратилган халқ деб қарамоқда.

11. “Мен Сенинг бандангман” – Аллоҳга мурожаат бўлиб, “Мен Сенинг қулингман, Сенга тўла буйсунаман, фармонингдаман, Сенга итоат қиламан” деган маънодадир. Бандалик инсон камолотининг энг олий мақомидир. Шунинг учун сўфийлар бундай деганлар:

Зиндаги омад баройи бандаги,
Зиндаги бе бандаги – шармандаги.

Мазмуни:

Тириклик банда бўлиш учун берилган
Банда бўлмасдан яшамоқ – шармандалиқдир.

Киши ўз асли бўлган Аллоҳни таниб, бутун куч ва қувватларини Унинг иродасига бўйсундириб, ризолиги учун ҳаракат қилганида бу мақомга ета олади. “Мен Сенинг бандангман” дейиш билан Баҳоуддин бу фоний оламга инсон нима учун келганлиги, яъни яралишдан мақсад ва моҳият нима эканлигига ишорат бор. Ҳазрат Баҳоуддин инсон банда бўлиш, банда бўла олиш учун дунёга келади, демоқчи. Аллоҳга батамом банди-банд, таслим бўлиш, бўйсунуш бандалиқнинг биринчи шарти бўлиб, бу таълимот инсонни юксакликка – олий инсоний моҳиятга олиб борувчи йўл демақдир.

12. “Мен Сен билан аҳд ва ваъдададирман” – “аҳд” нималигини англаш учун “Мисоқ” кунини тушуниш керак. “Мисоқ” арабча сўз бўлуб, “аҳду

паймон” деган маънони англатади. Бу кун моҳиятини тушуниш учун мусулмончилик қонун-қоидаларини ёритиб берган “Чаҳор китоб”нинг иккинчи китобига муурожаат этамиз:

Савол: Мусулмонмисан?

Жавоб: Алҳамдулиллоҳ, мусулмонман.

Савол: Қачондан бери мусулмонсан?

Жавоб: Мисоқ кунидан бери мусулмонман.

Савол: Мисоқнинг маъноси нима?

Жавоб: Мисоқ шундай кундирки, ул кунни аҳд куни дерлар ва мисоқ аҳд қилинғон маънидадур. Ўшал замонда ҳазрат Ҳаққ Субҳонаҳу ва таъоло бизларнинг арвоҳларимизни ўз қудрати бирлан пайдо айлаб, хитоб айлайдики, яъни дейдики, “Аласту бироббикум?” – яъни, “Мен сизларнинг Парвардигорингизманму?” Анда арвоҳларимизжавоб берадиларки, “Бале” – яъни бордурсан – бизнинг Парвардигоримиз ва Холиқу офаридагоримиз, балки офаридагори жумла жаҳониён – “Холиқи кулли шайъ ва розиқи кулли ҳайъ” (Чаҳор китоб, эски ўзбек ёзувида. Тошкент. Литография. Ғулом Ҳасан Орифжанов. 54-бет). Яъни аҳд кунда барча инсон руҳларини Аллоҳ пайдо қилиб, уларга ўзининг яратувчи эканлигини билдирган. Барча руҳлар буни тан олганлар. У барча руҳларни Ўзига сажда қилишни буюрганда Одам (а.с.)нинг чап томонида бўлганлар сажда қилмаганлар. Аллоҳ Ўзига сажда қилганларнинг жаннатий ва сажда қилмаганларнинг дўзахий бўлишига аҳд қилган. Бу аҳд тошга айланган ва Каъбадага “қора тош” сифатида сақланмоқда. Қиёмат кунда у қайтиб фаришта бўлади ва бу аҳдни Аллоҳга беради. Ким Аллоҳга сажда қилиш аҳдига амал қилса, жаннатга ва хилоф иш тутса, дўзахга боради.

Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд “Мен сен билан аҳддаман” деганда менинг яратувчим, менга ҳаёт ва ризқ бераётган Сенсан. Шунинг учун фақат Сенга сажда қилиш аҳдимда тураман” демоқдаки, бу ўша Мисоқ кунига ишорадир.

Баҳоуддиннинг “аҳд” – мисоқ – тушунчаси орқали инсон муаммосининг пайдо бўлиши шундай ечимини топади: аввал руҳлар пайдо бўлган, улар ўз Яратувчисини таниган, кейинчалик улар нузул этиб тўрт унсурдан иборат ўзига мос танани кийган. Тана зиндонига кирган руҳ ҳижоблар билан ўз асли бўлган Аллоҳдан тўсилган ва аслини унутган. Фақат кучли руҳий қувватга эга бўлиш, руҳни камолотга етказиш, ҳижобларни кўтаришгина Аллоҳни танишга имкон берар экан.

Баҳоуддин Нақшбанд “Мен ваъдададурман” деганда Аллоҳга Сен менинг Парвардигорим эканлигинг борасидаги аҳдимга вафо қилган ҳолда ўз ваъдамда турибман, яъни мен бандалик мақомидадирман”, демоқчи.

13. “Мен ўзим қилган ёмонликлар учун Сендан паноҳ тилайман” – бу сўзлардан Аллоҳнинг энг мукаммал ва барча кишиларни ёмонликлардан асрагувчи эканлиги англашилади. Инсон руҳ билан бирга танадан иборатлиги учун, унга башарий истаклар мавжуддир ва улар кишини моддий оламга боғлайди, Аллоҳ марҳамати билан инсон ўзининг барча ёмон хислатлари ва фазилатларидан халос бўлади ва камол топади. Бунинг учун инсон бошқа боғланишлар мажмуасидан воз кечиб, фақатгина ягона Аллоҳга боғланиши керак. Ҳазрат Фаридиддин Атторнинг “Мантиқ ут-тайр” достонида шундай назмий иборалар бор:

Халқ тарсад зи Ту, ман тарсам зи худ,
Ки зи Ту неки дидам ва зи хеш бади.
Давлати дарди мусулмониам дех,
Нестии нафси зулмониам дех.

Мазмуни:

Халқ Сендан қўрқади, мен ўзимдан қўрқаман,
Сендан яхшилик қўрганман, ўзимдан ёмонлик.
Мусулмонлик дарди давлатини бер,
Зулмоний нафсимнинг йўқлигини бер.

Бу сатрларда бутун ёмонликлардан қутулиш йўли ягона Аллоҳдангина паноҳ ва ёрдам сўраш жоиз эканлиги баён этилган.

14. “Сенинг берган неъматларингни тан оламан”. – Бунда Аллоҳ инсонни яратиш билан бирга унинг кўзларига кўриш нури, қулоқларига эшитиш нури, миясига тафаккур нури, барча узвларига ўзига хос бўлган нур ва қувват берганлиги ва бутун борлиғимиздаги имкониятлар илоҳий неъматлар эканлигига, шу билан бирга бизнинг озиқланишимиз ва чанқоклиғимизни қондиришимиз учун Аллоҳ ризқ қилиб еру кўкдаги барча неъматларни берганлиги ва яшашимиз учун тоза ҳавони яратгани тан олинади. Чунончи бу тариқатда “Хуш дар дам” талаби қабул этилганким, ҳар бир нафас, дам Аллоҳнинг неъматидир, шунинг учун ҳам уни фақатгина Аллоҳ ризолиги учун сарфлаш лозим, ғафлатда қолмаслик керак.

15. “Мен Сенинг тоатингда йўл қўйган камчилик, айбларимга иқрорман” – Аллоҳ ато этган ҳар бир нафаснинг кириши ва чиқиши буюк неъмат бўлиб ҳисобланиши ва улар шукрини адо

этишга инсон ожизлиги айтилаяпти, ғафлат билан ўтган ҳар дам катта гуноҳ ҳисобланади.

16. “Гуноҳларимни мағфират эт” – Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд “Аврод”ига биринчи шарҳ ёзган Али бин Аҳмад Ғурий ўзининг “Канз-ал-ибод фи шарх-ал-Аврод” (Авродни шарҳлашда ибодат аҳли хазинаси) ида мағфират сўраш ва “тавба” қилиш масаласига алоҳида эътибор берган. Хожа Баҳоуддин тариқатга киришнинг бошини “тавба” деб билади. Киши гуноҳини англаб, шайтоний йўллардан раҳмоний йўлга томон бурилган замон гуноҳларидан покланиш учун Аллоҳдан мағфират сўрайди. Шарҳлардан маълум бўладики, Баҳоуддин Нақшбанд тавбани – қайтиш деб тушунган. Узоқ адашиб юришлардан Аллоҳга томон қайтишнинг энг яқин йўлини тавбада кўрган.

Тавбани у қуйидаги гуруҳларга бўлади:

- 1. Авом тавбаси – зоҳирий гуноҳлардан қайтиш**
- 2. Солиҳлар тавбаси – замима – ёмон ахлоқдан ҳамида – яхши ахлоқий сифатларга томон қайтиш.**
- 3. Ботиний тавба – қалбни тазкия – софлашга қайтиш.**
- 4. Муҳиблар тавбаси – ғафлатдан қайтиш – яъни ҳар бир нафас, ҳар бир он қадрини билиб, огоҳлик мақомига томон бориш.**

Тавба мақомига етган киши ўз-ўзини, бу фоний оламнинг ўткинчи эканлигини тушуниб, бутун мавжудод ягона вужуд – Аллоҳнинг зухуроти эканлигини кўра бошлайди.

17. “Сендан ўзга ҳеч ким гуноҳларимни кечира олмайди” – Тангрининг Ғаффор – барча гуноҳларни, Ғафур – муайян гуноҳларни кечирувчи эканлиги таъкидланмоқда. Бу билан инсон доимо Аллоҳнинг борлигини назарда тутган ҳолда Унинг

кузатиб, эшитиб турганлигини англаб, наздида гуноҳ қилмасликка интилиши уқтирилади. Бошқалар у киши ҳақида қанча яхши фикр айтмасин, Аллоҳ унинг барча яширин ишларидан ҳам огоҳдир. Шунинг учун барча катта ва кичик гуноҳлардан: биринчидан сақланиш, иккинчидан, бунинг учун фақат Аллоҳдан мағфират сўраш керак.

18. “Аллоҳ покдир...” – бу иймоннинг олти калимасидан бири бўлиб, “Калимаи тамжид” деб аталади. Бу калима инсонни илоҳий қувватлар билан боғлайдиган жуда кучли очқичдир. Чунки бу калима моҳиятини англаган киши ўзини оламдаги бутун алоқалардан узиб, Аллоҳ қуввати билан боғлайди.

19. Аввал – Аллоҳнинг муборак исмларидан: Унинг борлигининг аввали йўқлиги, ўзи азалдан мавжудлиги таъкидланади. Бу исм моҳиятини англаш барча нарсанинг азалий асоси Аллоҳ эканлигини билишга олиб келади ва кишини беҳуда сабабларни излашдан фориғ этади.

20. Охир – Аллоҳнинг гўзал исмларидан: Борлигининг охири йўқлигини билдиради. Аллоҳнинг азалий билан бирга абадий эканлигини кўрсатади.

21. Зоҳир – Аллоҳнинг исмларидан: Унинг борлиғи саноксиз далиллар билан ошкоралигини кўрсатади. Бу исмнинг моҳиятини англаган киши оламдаги барча кўриниб турган нарсалар асосида илоҳий куч-қувват борлигини кўради. Шунинг учун оламдаги ҳар бир воқеа - ҳодиса ва сўзни илоҳий рамз сифатида қабул қилади ва уни мушоҳада этиш орқали Ҳаққа етади.

22. Ботин – Аллоҳнинг исмларидан: Унинг буюклиги ва азамати ҳижоблар билан тўсилганлиги, шунинг учун ҳам у ақл, тасаввур ва идрокдан ботинда (ичкарида) эканлига билдирилмоқда. Бу исм

моҳиятини англаган киши зоҳирдан кўришиб турган нарсаларнинг ботинида яширинган моҳиятини англашга ҳаракат қилади. Шунингдек, ўз ботинини илоҳий нур ва файзлардан тўлдиради.

23. Олим – Аллоҳнинг исмларидан: Унинг барча нарсаларнинг энг нозик томонларини ҳам билувчи эканлигини англатади. Аллоҳнинг олимлига азалий, абадий ва чексиз. Инсон Аллоҳнинг Олимлигини англаганда, биринчидан, ўз билимларининг даражаси ўзга инсонларга нисбатан қай даражада баланд бўлса-да, лекин Аллоҳнинг олдида ҳеч нарса эмаслигини англайди, иккинчидан, Аллоҳ истаганида у билимли бўла олишини фаҳмлайди, учинчидан, ўз билимларининг маълум пайтда эгалланиши, унутилиши ва чегарага эга эканлигини тушунади. Бундай инсон ҳамиша илм олишга ва Аллоҳдек бутун мавжудотнинг энг нозик томонларини ҳам билишга интилади ва ўз илмининг ҳеч нарса эмаслигини билиб, Аллоҳдан илм беришни илтижо қилади. Бундай киши қанча илми юксак бўлса-да, доимо камтарин бўлади. Олим исмини кўп айтган киши илми ладунийдан баҳраманд бўлади.

24. “Сен замон ва вақтни яратасан” – бу ибора билан Аллоҳ замон ва вақтдан илгари мавжуд эканлиги, Унинг қудрати билан самовот ва ер яратилганлиги ва уларнинг ҳаракатлари асосида вақт ва замонлар вужудга келганлиги маълум бўлади.

25. “..Бизни энг юксакликка қўйдинг” – бунда Ҳазрат Баҳоуддин инсонни Аллоҳ халқ қилган, яъни яратгани ва инсон бутун мавжудотлар ичида энг мукамал бўлганлиги ва шунинг учун ҳам илоҳий сифатларни эгаллаб олиши ва Аллоҳнинг ердаги халифаси эканлигини эътироф этади. У доимо шу номга муносиб бўлиш учун ҳаракат қилади.

26. (Қуръони Карим, “Оли Имрон” сураси, 26-27 – оятлар). Ушбу оятларда бутун Мулк-жамики борлиқнинг ягона соҳибхитиёри Аллох, Унинг қудрати, яъни кеча ва кундузни узайтириб – қисқартирадиган, ўлик данак, тухум, нутфадан – дарахт, парранда, инсон каби жонли мавжудотларни пайдо қилиб, ёки аксинча тирик жонзотдан тухум, нутфа, данак каби жонсиз нарсаларни рўёбга чиқара оладиган мўъжизалар соҳиби эканлиги таъкидланади. “Фазоил-ул-Қуръон” китобида хабар берилишича, қудсий ҳадислардан бирида пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.) шундай марҳамат қилган эканлар: “Ким бу икки оятни ўқиса – подшоҳ бўлса подшоҳлиги сақлаб қолинур ва оддий фуқаро бўлса Аллох унга беҳисоб мол-дунё ато этади ва унинг бу молларини ўз ҳифзу ҳимоясида сақлайди. Ҳар ким фарз намозидан кейин бу оятларни ўқишни ўзига вазифа қилган бўлса, ундан камбағаллик ва бенаволик кетади, раҳмат, ризқ-рўз эшиклари очилади, қўлидаги мол-мулк кўпаяди ва хайру баракали бўлади. Кимнинг ҳожати бўлса, бошини саждага қўйиб шу икки оятни ўқисин ва “Ё Аллох, ҳожатимни бароридан келтир” деб мурожаат этсин – муродига етади”.

27. Ҳижоб – тасаввуфда инсонни Ҳаққ (Яратувчи) дан ажратиб турадиган нуроний ва жисмоний пардадир. Бу парда инсон ва Ҳаққ ўртасидаги тўсиқдир. “Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд мақомотлари”да ёзилишича, аҳли илмдан бўлган бир дарвеш шундай нақл қилибди: “Бир куни уларнинг (Баҳоуддиннинг) муборак оғизларидан чиқдики: “Аллоҳдан бошқа нарсага боғланиб қолиш бу йўлда юрувчилар учун умумий ҳижоб (парда) дир”.

**Тааллуқ ҳижоб асту, беҳосили,
Чу пайвандҳо бигсели-восили.**

Мазмуни:

**Боғланишлар ҳижобдиру, беҳосилсан,
Бу бандларни узиб ташласанг, восил бўласан.**

Демак, Ҳазрат Баҳоуддин эътиқодича, бу моддий оламдаги ҳар қандай боғланиш – ҳижоб – тўсиқ бўлиб, уни тарк этган кишигагина Ҳаққ жамолини намоён этади. Бинобарин, бу дунёдаги боғланишлар инсон қалби ва Ҳаққ ўртасида тўсиқдан иборат экан. Баҳоуддин Нақшбанд бошқа бир жойда фано ҳақида тўхталиб, “инсон билан Ҳаққ ўртасида нур ва зулумотдан иборат, 70 минг парда – ҳижоб бордир” деб айтади. Ҳижобларни орадан кўтарган киши бир кўзи билан Ҳаққ, бошқа бир кўзи билан халқни кўра олиш даражасига етар экан. Улар “зулайнайн”, яъни халққа қараб Аллоҳнинг қудрати, жамолу жалолини мушоҳада этадиган кишилардир.

28. Ғайб ва Шаҳодат – тасаввуфда сезги органлари билан билиб бўлмайдиган, ақлдан яширин олам – “Ғайб олами” ва кўриб мушоҳада этиладиган атрофимиздаги мавжуд олам – “Шаҳодат олами” деб аталади. Шаҳодат олами орқали Ҳаққ ўз борлиғи жамолу жалолини намойиш этади. Ғайб олами – руҳий олам, фаришталар, жинлар, сиру асрор оламидир. Шаҳодат оламини ҳиссиёт ва ақл орқали ўрганиб бўлади. Ғайб оламини эса фақат илоҳий марҳамат, яъни қалбий билиш, кашфу илҳом орқали идрок этиш мумкин. Бунинг учун қалб кўзи ва ладуний илм эгаси бўлиш лозим. Манбаларда Шаҳодат оламини – Мулк ва – Ғайб оламини – Малакут деб ҳам айтадилар.

29. Бу – Қуръони Каримда келган муқаттаот ҳарфлар бўлиб, аслидан ажралган, ботиний моҳиятга эгадир.

30. (Қуръони Карим. “Раҳмон” сураси, 19-20-оятлар). Бу оятлар илоҳий мўъжизалардан биридир. “Илоҳий мўъжизалар” рисоласининг 2-китобидаги “...ва капитан Кусто” мақоласида бу ҳақда маълумот берилган: Жаҳонда машҳур, йирик табиатшунос олим капитан Кусто тадқиқотлари натижасида шу нарса маълум бўладики, Оқ денгиз ва Атлантика океани бирлашадиган бўғозда минг йиллардан бери сувлар ёнма-ён оқаётган бўлса-да, лекин оқимлар бир-бирига қўшилиб кетмаган, икки уммоннинг бир бўлиб кетган жойларида ҳам сувларнинг сифати, таркиби бошқа-бошқа экан. Олим бу икки уммон орасида сув тўсиғи борлигини аниқлади. 1962 йилда Адан кўрфази билан Қизил денгиз бирлашган Мандап бўғозида ҳам худди шундай сув тўсиғи борлиги аниқланган эди. Кейинги тадқиқотлар натижасида бошқа бир қанча денгизларнинг бирлашма нуқталарида ҳам айнаи сув тўсиғи борлиги маълум бўлди. XX асрда илм-фан кашф этган бу мўъжиза 1400 йил илгари нозил бўлган Қуръони Каримда юқоридаги ҳукмлар айтилган эди. Худди шундай мазмундаги оятлар “Фурқон” сурасининг 53-оятида ҳам келган. Бу – Қуръоннинг илоҳий китоб эканлигини исботлайдиган илмий аломатлардир.

31. Қуръони Карим “Бақара” сурасининг 255 – ояти, яъни “Оят-ал-курси” бўлиб, у “Қуръоннинг саййиди, қўрғони” деб ҳам аталади.

32. Ҳо Мим – Бу Аллоҳнинг бузург номларидан бўлиб, “Ҳаййюл Қаййюм”, яъни “Тирик ва беҳожат”

маъносини билдиради. Етти маротаба “Ҳо Мим” ёзилиши Қуръони Каримдаги етти – Ғофир, Фуссилат, Шўро, Зухруф, Духон, Жосия, Аҳкоф сураларининг мазкур икки муқаттаот ҳарфлар билан бошланганига ишорадир.

33. Қуръони Карим “Ғофир” сурасининг 1-3-оятлари.

34. Бу иборалар билан Ҳазрат Баҳоуддин бутун оламни икки – Амр ва Халқ оламига бўлиб мушоҳада этади. “Чаҳор китоб”нинг муқаддимасида шундай дейилади:

Ибтидо ул Худо отидин то,
“Коф” ва “Нун”дин яратди арзу само.

“Коф” ва “Нун” ҳарфларидан “кун”, яъни “бўл” деган Аллоҳнинг Амри ҳосил бўлади ва илоҳий ирода билан борлиқ яралди. Фақатгина Аллоҳ Амри билан вужудга келадиган олам Амр оламидир. Чунончи фаришталар, руҳий олам, қалб, сир, хафий ва аҳфо кабилар Амр оламига мансуб. Ушбу Амр оламидан тадрижий тараққиёти натижасида, яъни тўрт унсурнинг ўзаро қўшилуви, ўсимлик, ҳайвонот ва инсонлардаги жисмоний, моддий ўзгаришлар оқибатида вужудга келган олам эса Халқ олами дейилади. Лекин Халқ оламининг асли Амр олами ва Амр фақат Аллоҳдан эканлиги таъкидланади.

35. Жабарут – араб тилидаги “жабр” сўзидан олинган бўлиб, буюк, улуғ, буюклик, улуғлик маъноларини билдиради. Жабарут Аллоҳнинг энг олий қудрат ва тавонолигини, азамат ва бузурглигини англатади. Шу билан бирга илоҳий азимат, сифатларининг жилоси, инъикоси бўлган оламни ҳам Жабарут

деб айтадилар. Унда илоҳий иродадан ўзга ҳукм йўқдир. Авлиёларнинг каромати ва пайғамбарларнинг мўъжизалари шу Жабарут оламидандир.

36. Малоикалар – фаришталар, Аллоҳ амри билан нурдан яратилган ва Аллоҳнинг буюрганини нуқсонсиз, мукаммал бажарадиган зотлардир. Фаришталар овқатланиш, турмуш қуриш, савоб – гуноҳ орттириш кабилардан фориғ. Уларнинг жинси йўқ. Фаришталарда рақобат бўлмайди. Улар Аллоҳга энг яқин бўлиб, ҳар бири ўзига юклатилган вазифани мукаммал бажаради.

37. Руҳ – Илоҳий Амр билан вужудга келадиган, у нузул бўлгач, шаҳодат оламидаги тўрт унсур либосига кириб унга ҳаёт бағишлайдиган ва танани тарк этиб, яна ўз асли бўлган Аллоҳга қайтадиган, абадий мавжуд, боқий бўлган борлиқнинг илоҳий асоси. Руҳ кўпликда арвоҳ деб аталади. Инсон ўлгандан кейин унинг арвоҳига дуо ва фотиҳа қилиш руҳнинг мавжудлигини билдирувчи удумларимиздан биридир. Нақшбандия таълимоти бўйича Аллоҳ руҳни Лаҳут оламида яратади. Сўнгра у Жабарут оламига нузул қилиб, унинг хусусиятларини ўзига сингдиради. Кейин Малакут оламига ва ундан сўнгра Шаҳодат оламига тушади ва тўрт унсурдан ўзига муносиб танани тайёрлаб, бизга зоҳир бўлади. Танадан чиққанидан кейин инсоннинг қилган амалларига муносиб қайта уруж қилади, яъни ўз аслига томон қайтади. Киши ўз нафсини бошқариб, жиловлаб олган бўлса унинг руҳи Шаҳодат оламидан Малакутга, ундан Жабарут ва ундан Лаҳут оламига ўтади. Демак, руҳнинг олий даражада камол топиши учун нафсга қарши курашмоқ лозим бўлади.

38. Зикр – Аллоҳни ёдлаш. Тасаввуфда Аллоҳни тилга олиш ва бутун фикру таважжуҳни Унга

қаратишга зикр деб айтилади. Зикрни аҳли тасаввуф Ҳаққа етишмоқчи бўлган кишининг руҳий камолотида фикрий қувватларни бошқариш, нафсни талқин этиш, тафаккурни камолот даражасига юксалтиришда энг яхши йўллардан деб биладилар. Бу амал Қуръони Каримда Аллоҳнинг “Мени ёд қилинг, Мен ҳам сизни ёд қилурман” деган оятига асосланиб бажарилади. Зикр сўфийга мушоҳада ҳолатига киришга ёрдам беради. Зикр вақтида зокир Аллоҳнинг номларини такрорлар экан, бутун руҳий қувватларини Унинг идрокига сафарбар этади ва ботинида Ундан шавқ олади. Тасаввуф аҳли зикр этишни уч даражада деб биладилар: **1.Тил зикри** – кўпчиликка тааллуқли бўлиб, омманинг зикридир. Бу даражадан ўтиб, юксала бошлаган киши ғафлат майдонидан чиқиб, мушоҳада майдонига парвоз эта бошлайди. **2.Хос кишиларнинг зикри** – қалб зикри. Бу даражада зокирнинг қалб кўзи очила бошлайди. У ақл доирасини кесиб ўтади ва Аллоҳни қалбида ёд, балки идрок этади. Хожа Али Ромитаний шундай деганлар:

**Гар зикр ба дил расад дилат дард кунад,
Он зикр бувад, ки мардро фард кунад.
Гарчанд ки хосияти оташ дорад,
Лекин ду жаҳон бар дили ту сард кунад.**

Мазмуни:

**Агар зикр қалбингга етса – дард пайдо қилур,
Ва бу зикр мардни яктои даврон қилур.
Зикрда қалбга аланга бериш хосияти бўлса-да
Аммо икки жаҳон орзу-ҳавасидан совутгув-
чидир.**

3.Махсус зикр – бу даражада зокир фано ҳолатига етади. Бу тариқатда энг сўнгги, олий зикр

ҳисобланади. Чунки тариқатда фано топмоқ – ишнинг интиҳосидир.

Зикр шунингдек, алония – очик, жаҳрия, яъни баланд овоз билан ва хафий-хуфия, яъни яширин, ички овоз билан ҳосил бўлади. Нақшбандия тариқатида Ҳазрат Баҳоуддин хуфия зикрни қабул қилган. “Доим, ҳар қаерда, ким ва қандай иш билан банд бўлманг – қалб зикр билан машғул, лекин бундан ҳеч ким воқиф бўлмаслиги лозим”, деб айтган.

39. “Биз Сенга қайтгувчилармиз” – Баҳоуддин ҳазратлари бу билан бизнинг аслимиз Сенинг амринг билан яралган руҳ бўлиб, танамиздан чиққандан кейин яна Сенга томон учади, биз доим аслимизни унутмаймиз ва у билан боғланишдамиз демоқчи.

40. “Нафрат ва ёмон кўриш, адоват” – инсонни абадий саодатдан маҳрум қиладиган замима ахлоқлардандир. Ҳазрат Нақшбанд бу ёмон хулқни қалбимдан узоқлаштиради, деб Аллоҳдан илтижо қилади, чунки адоват ва нафрат виждонни беҳузур этади. Ҳазрат Баҳоуддин бутун оламдаги жами борлиқни Аллоҳ тажаллиётининг зухур этиши деб билади ва унинг бирор заррасига ҳам нафрат ва ёмон кўриш ҳисси билан қараш мумкин эмас, деб таъкидлайди. У тариқат аҳлига қўйидаги байтни доим такрорлаб туришни вазифа қилиб берган:

**Некувонро дўст дорад ҳар ки бошад дар жаҳон,
Гар бадонро дўст дори гўй бурди аз миён.**

Мазмуни:

**Яхшиларни ҳар ким жаҳонда яхши кўради,
Агар сен ёмонларни ҳам яхши кўра олсанг
демак, ўртада ғолибсан.**

Баҳоуддин Нақшбанд доимо хуфия зикрда бўлган. Кунларнинг бирида Ҳазрат ёнига овоз чиқариб, куй садолари остида зикр қиладиган кишиларни келтиришганда, гапирмасдан тинглаб ўтирган ва кейин айтганки: – “Мо ин кор намекунем ва инкор намекунем”, яъни – “Биз бу ишни қилмаймиз ва уни инкор ҳам қилмаймиз”, чунки ҳар бир киши ўзига хос йўли билан Аллоҳга яқинлашади, бошқа мазҳаб, тариқат, урф-одатда бўлган кишиларга нисбатан адоват, нафрат ва ёмон кўриш жамиятда нотинчлик, уруш-жанжалларни, қон тўкиш ва қора кунларни келтиради. Ўзаро эҳтиром, ҳар бир кишининг қарашларини ҳурмат қилиш ва уларга нисбатан сабрли ва қаноатли бўлиш жамиятни мувозанатда сақлайди.

41. Кина – инсон қалбини Ҳаққдан узоқлаштирадиган замима ахлоқлардан биридир. Баҳоуддин Нақшбанднинг устозлари ҳазрат Амир Кулол таъкидлаган эди:

**Кибру ҳасад, бахиллик, нифоқ, кина,
Булар инсон қалбига тушган кана.
Комил инсон мақомига етмассан,
Қалбинг узра алар бўлса бошпана.**

Қалб доим Аллоҳ зикрида бўлиши лозим. Кина бўлса унга канадек ёпишиб олиб, ундаги қувватларни ёмонлик, нафрату фисқу фасодга равона этади. Шунинг учун ҳам Баҳоуддин ҳазратлари қалбимни кина ва фасоддан асра, улардан халос қил, деб Аллоҳга мурожаат қилмоқдалар.

42. Ғазаб – замима ахлоқнинг бири бўлиб, ўт каби бутун жисму жон қувватларини беҳудага куйдириб

кул қилади. Йиллаб тўпланган нурлар, ибодат ва саховат ила жамланган эзгуликларни бир дақиқалик ғазаб вулқон каби куйдириб кул қилади ва барбод этиб, елдек совуради. Шунинг учун ғазабга Баҳоуддин Нақшбанд бир офатдек қараб, Аллоҳдан уни қалбидан узоқлаштиришни сўрайди. Ғазаб натижасида кишилар бир-бири билан шиддат ила муомалада бўладилар ва бошқа кишиларни ҳам беҳузур қиладилар. Ғазаб кўпинча нафснинг ғуруридан пайдо бўлади ва инсонни аламу азобларга гирифтор этади.

Чунки ғазабнинг ҳароратидан вужуддаги қон ҳаракати бузилади, унинг таъсирида ақл паришон бўлади. Натижада киши ўзини бошқара олмайди ва ақл-идроқдан ажралган киши ғазаб ўтида бир ишни қилиб охирида пушаймон бўлади. Ғазабнинг давоси сабр ва таҳаммулдир. Таҳаммул қилган, сабр ва бардошли одам бўрон каби офат келтираётган ғазаб қувватларини бошқаради ва мулойимлик билан муносабатда бўлиб, барча ишлар охирини хайрли ҳал этади.

Баҳоуддин Нақшбанд нафрат, ёмон кўриш, кина, фасод, ғазаб ва бошқалардан қалбни поклаш лозим, дейди. У шундай таъкидлайди:

**Зи ғайрат хонаи дилро зи ғайрат кардаам холи,
Ки ғайратро намешояд дар ин хилватсаро
будан.**

Мазмуни:

**Ғайрат қилиб ўзгасидан қалб уйини покладим,
Сендан ўзгаси бу хилват саройга муносиб эмас.**

43. Қалб – Баҳоуддин Нақшбанд таълимотида марказий ўринда турган тушунчадир. Чунки шу қалб инсоннинг ҳам жисман, ҳам руҳан маркази бўлиб,

ўша орқали инсон Ғайб олами билан боғланади. Нақшбандияда қалб икки маънода тушунилади: биринчиси, юрак – танада жойлашган гўшт парчаси бўлиб, у ҳайвонларда ҳам бор. Расулulloҳ айтганлар: “Инсон жасадида бир парча гўшт бор, агар у саломат бўлса, бошқа аъзолар ҳам саломат бўлади, агар у бузилса, бошқа аъзолар ҳам бузилади. Огоҳ бўлингки, бу дилдир”. Иккинчиси, раббоний руҳ бўлган латиф қалбдир. Ана шу латиф қалб орқали инсон ҳақиқий оламни идрок этади, ақллар ҳайратда қолган, вужудий жисм била олмайдиган нарсаларни англайди, асл нарсалар ҳақиқатини билади. Баҳоуддин қалбнинг латиф, нозиклигини таъкидлаб, уни гуноҳ ва ёмонликлардан поклашга чақиради. Ҳазрат махсус тариқат аҳли учун “Вуқуфи қалбий” умдатини тавсия этади. Умдат талаби бўйича инсон доимо қалбидан огоҳ бўлиши ва қалб эса доимо Аллоҳга юзланиб, уни тажаллий этиши керак. Нақшбанд илоҳий файз ва нурларни қабул этиш учун қалбнинг соғлом, солим, тирик, ҳушёр бўлиши кераклигини таъкидлаб, уни поклаш заруратини уқтирганлар.

Дилдан бу олам ва охират меҳрини узиб, яъни нафс билан боғлиқ барча нарсаларни ўлдириб, фақат Аллоҳ муҳаббати ва унинг розилига учун ҳаракат қилиш қалб кўзини очади, унинг ғайб оламига киришига имкон беради. Бу қалб файзларни қабул этиб, тажаллий этиш маконига айланади. Бундай қалб ботиний Каъбадир. Шунинг учун сўфийлар қалб зиёратини ҳаж билан тенглаштирадilar.

44. Яқин – Баҳоуддин Нақшбанд фикрича, асл зотнинг (Аллоҳнинг) нури ва сифатларини идрок этишдан иборатдир.

Баҳоуддин “Аврод”ига ёзилган “Канз ал ибод” шарҳида “яқин” уч даражада бўлиши кўрсатилган: **1.Илм-ал яқин** – бу Асл зотнинг нури ва сифатларини билиш, у далиллар босқичидан бошланади. Бу илмга эга бўлганларда маърифат ҳоли бўлади ва бу даража авлиёларнинг мартабасига тўғри келади. **2.Айн-ал яқин** – бу босқичдаги билиш футуҳлар билан боғлиқ бўлади. Унинг ҳолати жаъмдир. Бу даража хос авлиёларнинг мартабасидир. **3.Ҳаққ-ал яқинда** инсон муфассал билимга эга бўлади. Унинг ҳоли жамъул жаъмдир. Бу расул ва набийлар ва ҳақиқат аҳлининг даражасидир. Қуръони Каримнинг “Такасур” сурасида “яқин” ҳақида оят бор. Сўфийлар Аллоҳга:

Ё раб, зи қаноатам тавонгар гардон!

Аз нури яқин дилам мунаввар гардон!

Мазмуни:

Раббим, қаноатим туфайли мени қудратли қил!

Яқин нурингдан қалбимни мунаввар этгин!

деб мурожаат этадилар. Демак, Яқин Аллоҳ марҳамати билан эгалланадиган илмлардан бўлиб, унинг ёрдамида Ҳаққа етишиш мумкин.

Илм-ал-яқин тасаввуф маърифатининг аввалги зинасидир. Унинг натижасида касб қилинган билим орқали илоҳий моҳият амалга ошади. У асосан моддий оламнинг маърифатига мансуб бўлиб, сўфий яқин, аниқ, шак-шубҳасиз тушунадик, моддий оламда кўринаётган барча нарсалар илоҳий зот исмлари ва сифатларининг равшан, яққол кўринишидир. Илм-ал-яқин орқали, далил ва исботлар, ақлий муҳокама юритиш воситаси билан ҳақиқат нурининг зуҳурига ишончхосил этади, яъни сўфийда ҳеч қандай шак-шубҳа

қолмайди. Бу билиш босқичидан касб қилинмаган билишга ўтади ва нафсини поклаш орқали ҳақиқатга етади. Сўфийлар шунинг учун ҳам маърифатни ақлий далиллар, мушоҳада ва мукошафага ажратадилар. Илм-ал-яқинда – далил, исбот, айн-ул-яқинда – баён, ҳаққ-ул яқинда – аённи шарт қилиб қўядилар. Сўфийлар илм-ал-яқин даражасида бўлганларни уқул – ақллар асҳоби, айн-ал яқиндагиларни улум-илмлар асҳоби ва ҳақ-ул-яқиндагиларни маориф – орифлар асҳобига мансуб дейдилар.

Айн-ал яқин илм-ал яқиндан кейинги тасаввуфий маърифат зинасидир. Бу зинадагиларга илоҳий сирлар кашф бўлади. Бу билиш ақлу, далилу, илм билан эмас, фақатгина мушоҳада, кашфу завқ орқали, қалб йўли билан ҳосил бўлади. Бу маърифатнинг руҳий ҳолатидир.

Ҳаққ-ал-яқин тасаввуфий маърифатнинг охири зинасидир. Унинг воситаси ила ҳақиқатни тўла идрок қиладилар. Ҳаққ-ал-яқинда илоҳий тавҳид сурат олади. Бу зинада Ҳаққнинг жамолини бевосита мушоҳада этишга ҳалақит берадиган тўсиқ бўлиб турган барча ҳижоблар ўртадан кўтарилади.

45. Инсоннинг илми бошқа мавжудотларга нисбатан қай даражада юқори бўлса-да, лекин маълум чегарага эга. Фақатгина Аллоҳнинг илми чексиз ва Угина бутун илмлар олимидир.

46. Аллоҳ бутун бирлик ва борлиқнинг асосидир.

47. Самад – Аллоҳнинг гўзал исмларидан: бутун махлуқотнинг ишини битирувчи, ҳожатини чиқарувчи, лекин Ўзи бирор нарсага муҳтож бўлмаган боқий зот эканлигини билдиради. Аҳад ва Самад исмлари Қуръони Каримнинг учдан бирига тенг бўлган машҳур “Ихлос” сурасида тилга олинади.

48. Ваҳдоният – Аллоҳнинг исмларидан бўлиб,

унинг мисли ва қиёси йўқлигини билдиради. Ваҳдоният шу сифатдир.

49. Фардоният – Аллоҳнинг гўзал исми: якка-ёлғиз ажралган маънони англатади. Фардоният шу сифатдир.

50. Бу Қуръони Карим: “Тавба” сурасининг охирги 129-ояти бўлиб, Ҳазрат Баҳоуддин юқоридаги муножотларни ушбу сура билан якунлайди ва барча ишларда Аллоҳга таваккал қилади. Таваккал – тариқат мақомларидан бири, унда инсон доимо мукамал ҳаракатда бўлади ва унинг натижаларини Аллоҳгагина топширади.

51. Ҳамид – Аллоҳнинг барча ҳамду санога, мадҳ ва олқишларга муносиб эканлигини англатувчи номи.

52. Мажид – Аллоҳнинг икромии мўл ва шони юксак эканлигини англатувчи гўзал исм.

53. Жамийъ – Аллоҳнинг гўзал исми бўлиб, тилакларнинг тилаги унда жамланганлигини англатади.

54. Рофиъ – Аллоҳ исми. У қулларидан истаганини юксалтирувчи эканлигини англатади. Шунинг учун унга “Рофиъуд – даражот” деб мурожаат қиладилар. Бу исмни англаб зикр қилувчи маълум мартаба ва даражага эришиш учун ҳеч қачон Аллоҳдан ўзга махлуқотга ялиниб, ўзини хор-зор қилмайди.

55. Вадуд – Аллоҳнинг гўзал исмларидан: бандалик қилувчи қулларни афв этувчи, уларга раҳм ила муомалада бўлиб, тилакларига яраша ортиғи билан марҳамат қилувчи эканлигини англатади.

56. Муҳит – Аллоҳ бутун нарса ва ҳодисаларни ўраб олувчи эканлигини билдиради.

57. Фаъол – барча ҳаракатларнинг сабабчиси Аллоҳ эканлиги, Унинг иродасисиз, ҳатто, дарахтнинг бир шохи синмаслиги ва бирор япроғи ҳам тушмаслигини

англатадиган Аллоҳнинг номи.

58. Аллоҳ бизга жон томиридан яқин эканлигини сўфийлар доимо такрорлаб турганлар. У барча нарсадан огоҳ бўлиб, кўриб ва эшитиб турувчи, шунинг учун фақатгина Унга сажда қилишимиз ва фақатгина Ундан ёрдам сўрашимиз лозим.

59. Имон – қалб гавҳаридир. Баҳоуддин Нақшбанд айтади: Имон – бу қалбнинг Аллоҳдан ўзга барча фойда ва зарар келтирадиган нарсаларни рад этишга берган аҳду паймониدير. Тасаввуф тушунчасида имон соф, холис, риёсиз илоҳий ишқдир. Сўфийлар Аллоҳнинг ошиқларидирлар. Шунинг учун уларга фақат У ва Унинг ризолиги керак. Уларнинг қалбида Аллоҳдан ўзга нарсага нафратга ҳам, муҳаббатга ҳам жой қолмайди ва шу туфайли бутун борлиқни Аллоҳнинг жамолу жалоли деб биладилар, яъни уларнинг қалбларига Аллоҳ томонидан яралганларнинг барчаси сиғади. Бундай соғлом, пок қалб ҳақида Баҳоуддин Нақшбанд шундай деганлар:

**Ошиқ ту яқин дон, ки мусулмон набувад,
Дар мазҳаби ишқ куфру иймон набувад.
Дар ишқ тану, ақлу дилу жон набувад.
В-он кас, ки чунин набошад – ў он набувад.**

Мазмуни:

**Ошиқ ани билки, мусулмон бўлмас,
Ишқ мазҳабида куфру иймон бўлмас.
Ишқда тану, ақлу дилу жон бўлмас,
Ҳар кимки бунингдек бўлмас он бўлмас.
(яъни ошиқ бўлмас).**

Демак, имон қалбдаги бутун борлиқ моҳиятига нисбатан чексиз ва соф муҳаббат экан.

60. Анбиё ва расул – пайғамбарлар – Аллоҳнинг

пайғомини, хабарларини етказувчи энг комил шахслар. Аллоҳнинг ўзи буларни танлайди ва Ўз таълими бўлган ваҳийни юборади. Анбиё-набий сўзининг кўплигидир. Улар пайғамбар қилиб танланган, лекин бошқаларни даъват қилишга буюрилмаган. Агар пайғамбарликка танланган кимсага бошқа кишиларнинг ақидасини ўзгартириш, тўғрилаш каби вазифа юклатилса, унда буларни расул – Аллоҳнинг элчиси деб номлайдилар.

61. “Унинг учун тирилурмиз ва ўлгандан кейин Унга қайтурмиз” – бу сўзларда тасаввуфнинг муҳим тушунчалари ёритилади. Сўфийликда нузул-тушиш ва уруж – қайтиш деган тушунчалар бор. Оламдаги бор нарсалар аслидан чиқиб қуйига тушади ва шу қаторда инсон руҳи Асдан яратилиб, тана билан бирлашиб Аллоҳнинг – тақдири тақозосига амал қилади. Танадан жон чиққандан кейин, яна аслига қайтади.

62. “Сендан ўзга ҳеч ким бизни гўзалликка ҳидоят этолмайди” – бунда Аллоҳнинг энг мукамал, энг уйғунлаштирувчи, энг Латиф зот эканлиги тан олинади. Бировни бир нарсага ҳидоят этиш учун ўзида шу сифат мавжуд бўлиши керак. Мукамал Гўзал бўлган Аллоҳгина бизларни том маънодаги гўзалликка ҳидоят этиб билади.

63. Завқ-шавқ – муҳим тасаввуфий тушунча ҳисобланади. Ҳақиқатга етишмоқчи бўлган киши қуйидаги уч нарсага алоҳида аҳамият беради: Биринчиси: сулук – тариқат йўли, иккинчиси жазба – ишқ, учинчиси уруж – кўтарилиш. Сулукка хос нарса – ҳаракат, интилиш бўлса, уружга хос нарса қарам ва саховатдир. Жазба учун эса тортилиш, завқу-шавқ керак. Шунинг учун Баҳоуддин Аллоҳдан тортиш қуввати бўлган завқ ва шавқ ила қалбини тўлдиришини

сўрайди. “Орифнома”да ҳам соликнинг камолоти учун бирламчи важд – завқ-шавқ лозим, завқу шавқ – кашфнинг муқаддимаси эканлиги уқтирилади. Шундан сўнг соликка ғайб эҳсони муяссар бўлади, кўз олдидан пардалар кўтарилади ва мушоҳадаси тиниқ кўзгуга айланади.

64. Мутакаббир – кибру ҳавога берилган киши. Сўфийлик қарашларида, умуминсоний ахлоқ нормаларига кўра кибр доимо энг ёмон сифат деб кўрсатилган. Қуръони Каримда Азозилни кибру ҳавога берилиб, Аллоҳ иродасига бўйсунмагани учун Шайтони лаъинга айлангани, қувилиб, лаънатланган мардуд бўлганлиги бир неча марта таъкидланади. Манманлик, худбинлик инсонни илоҳий қувватлардан тўсадиган пардадир. Баҳоуддин Нақшбанд ҳаётларига оид “Мақомот”да ёзилишича, бир вақт у кишининг кўнгилларидан “Ҳазрати Амир Кулолнинг назарларида мендан улуғроқ киши борми?” деган фикр ўтибди. Буни пайқаган Ҳазрат Амир Кулол Ориф Деггаронийнинг устунликларини исбот этиб Баҳоуддинга шундай деган эканлар: “Зинҳор-базинҳор худбинлик қилмагинки, одамда худбинликдан ёмонроқ нарса йўқ”.

Рубоий.

**Бардор зи пеш пардаи худбини,
Бошад, ки бад инсон, ки туи худбини.
Иблис сазойи худ зи худбини дид,
Ту низ макун, дигар куни худбини.**

Мазмуни:

**Олдиндан худбинлигу кибр пардасини
кўтаргил,
Худбинлар ёмон инсонлардир, сен худбинлик
қилмагил.**

**Иблис ўз сазосини худбинликдан топди,
Сен ҳам бундан кейин ҳеч худбинлик қилмагил.**

Бу сабоқдан Ҳазрат Баҳоуддин ибрат олиб, қалбидан кибрни умуман йўқотганлар.

65. Нафс – инсон танасини ҳаракатга келтирувчи қувватларнинг асоси. Тасаввуф аҳли нафсга қарши туришни асосий вазифа деб, уни жиҳоди акбар – буюк жанг билан тенглаштиради. Ёмон нафс-баднафс деганда аммора нафс назарда тугилади. Бу нафс тана истаклари билан боғлиқ бўлиб, унга бўйсунуш инсонни ҳайвон даражасигача тубанлаштиради. Баҳоуддин Нақшбанд айтар эдики: “Бу йўлда юрувчи ўз нафсини Фиръавннинг нафсидан юз марта баттар деб билмаса, демак, у бу йўлда эмас” Ҳазрат Баҳоуддиннинг яна шундай сўзлари бор: “Киши ўзининг нафсига тухмат қилиши керак. Кимки Аллоҳ инояти билан ўз нафси ёмонлигини таниган, унинг ҳийла-найрангини англаган бўлса, бундай қилиш унга осон бўлади. Бу йўлдан юрувчиларда ўзгаларнинг гуноҳини ҳам ўзларидан, деб билиш ҳоллари кўп бўлади”.

Рубоий:

**Зи ҳар бади, ки ту дони ҳазор чандонам,
Маро надонад аз он гуна кас, ки ман надонам.
Дар ошкор бадам, дар ниҳон бадтарам,
Худо надонад аз он ошкору ниҳонам.**

Мазмуни:

**Ҳар ёмонни ки сен биласан, мен ундан
баттарман,
Менинг қанчалик ёмонлигимни ҳеч ким
билмайди.**

Очиқ кўриниб турибди ёмонлигим, лекин ботиндан яна ёмонроқман.

Ичим ва ташимдаги ёмонликни фақат Аллоҳнинг ўзи билади.

Ҳазрат шунинг учун Аллоҳдан ёмон нафс тажовузидан паноҳ сўраб, уни шариф нафсга айлантириш риёзатини чекади.

66. Кўп беҳуда сўзловчи бўлиш – Ҳазрат Баҳоуддин қоралаган сифатлардандир. Аллоҳ бизга гапириш қувватини берибдими, уни фақат зарурий вақтда ишлатиш керак. Шунинг учун Баҳоуддиннинг оз сўзлаш, оз ейиш ва оз ухлаш керак, деган ўғитларига Амир Темур ҳам амал қилган.

Баҳоуддин Нақшбанд устозларидан Хожа Али Ромитаний Ҳаққа етиш учун ўнта шарт лозим деб, унинг бирини “ношоиста сўзлардан тилнинг хомушлиги” деб кўрсатган. У шундай рубоийни келтиради:

**Эзид чу бино кард ба ҳикмат тану жон,
Дар ҳар узве маслиҳате кард ниҳон.
Гар муфсидате надида буди зи забон,
Маҳбус намекард ба зиндони даҳон.**

Мазмуни:

**Аллоҳ ҳикмат ила тану жонни яратди,
Ҳар бир узвда бир маслаҳатни (вобастиликни)
яширди.**

**Тилдан ёмонлик келишини билмаганида,
Уни оғизнинг зиндонига маҳбус қилмасди.**

Ҳазрат Азизон рисоласида яна ёзилганки, Биби Марям хомушликни танлагани учун Аллоҳ унинг

фарзанди Исо Масихни чақалоқлик чоғида тилга киритди.

67. Ҳирсу ҳавас – инсонларда мавжуд бўлган ҳайвоний ва шайтоний қувватлардир. Уларнинг қулига айланиш инсонни тубанлик ҳолига келтиради. У дунёга ружу қўйиш каби ёмон иллатга олиб келади ва ўргимчак каби инсонни илоҳий нурлардан тўсиб қўяди.

68. Ҳасад – ёмон ахлоқларнинг энг зарарлисидир, шунинг учун Қуръони Каримнинг “Фалақ” сурасида “Ҳасадчиларнинг ҳасадидек ёмонлигидан паноҳ тилайман” деган оят мавжуд. Ҳасад олов каби ҳасадчининг жисму жонини куйдиради. Бундай одамлар тириклигидаёқ дўзах оловида куюдилар, уларни норий одамлар, деб нурий одамларга қарши қўядилар ва “Ҳасад қилма, ҳавас қил!” деб айтадилар. Мўмин киши ҳавас қилади, мунофиқ эса ҳасад қилади. Натижада қанча молу мулки бўлса-да, роҳат-фароғатни билмай, умрини ҳасрат ва надоматда ўтказди. Дунёда қанча азоб ва бечоралик бандага насиба бўлади. Улар барча шоду масрур одамларнинг қайғу юкини кўтариб юрадилар. Шунинг учун Ҳазрат Баҳоуддин ҳасад иллатидан Аллоҳдан паноҳ сўрайди.

69. Тамаъ – бировдан бир нарса умидвор бўлмоқ маъносини англатиб, риёли амалнинг асосидир. Киши ҳар қанча “яхшилик” қилмасин, бировдан ниманидир кутса бу тамаъ бўлади. Тамаъ қиладиганлар номус ва ҳаё сифатларидан маҳрум бўлиб, Аллоҳ таоло розилиги учун риёсиз амал Баҳоуддин Нақшбанд тариқатининг асосидир. “Аллоҳим, менинг мақсадим Сенсан ва Сенинг розилигингни тилайман” деган сўзни у доим такрорлаб, амалларини тамаъ каби иллатдан пок қилиб турган. Порахўрлик, қилган яхшилиги ҳақини

сўраш каби иллатлар ҳозирги кунда тамаънинг энг ёмон кўринишларидир.

70. Илҳом – тасаввуф таълимотига асосан Аллоҳ инояти билан ғайб оламидан инсон қалбига солинадиган нурга айтилади. Пайғамбарларга Аллоҳ ваҳий юбориб, ўз каломларини етказганидек, қалби покланган валийларга ҳам илҳом келиб, Аллоҳнинг сирлари кашф бўлади.

71. Маърифат – инсон руҳий камолотининг учинчи – шариат ва тариқатдан кейинга босқичидир. Бу Аллоҳ инояти билан бериладиган бир даража бўлиб, мазкур мартабага юксалган шахс Аллоҳни танийди, яъни шахс, аввало ўзлигини англайди, аслини билади ва шу орқали Аллоҳни идрок этади. Тасаввуфдаги “худшуноси – Худо шуноси аст”, яъни “ўзини, ўз нафси ва руҳини таниган киши Аллоҳни ҳам танийди” деган гап асл маърифатли бўлиш моҳиятини очиб беради.

“Орифнома” асарида маърифатга катта эътибор берилган: Унда “Маърифатнинг чегараси – нафсдан холи бўлмоқ ва бунинг таъбири (усули) ҳалол нарсалардангина баҳраманд бўлмоқни одат қилмоқдир. Маърифат – қалбнинг Аллоҳ таоло ягоналигини тасдиқ этмоғидир”. Хожа Ориф Моҳитобон – Ревгарий ёзадики, маърифатнинг самараси – Аллоҳ томон юз тутмоқдир.

Баҳоуддин Нақшбанд руҳий камолотнинг асосий мақсадини маърифатли бўлишдир, деб билади. Маърифатни – ижмолий (қисқа) ва тафсилий (тўлиқ) деб иккига ажратади. Ҳазрат Баҳоуддиндан сўрайдилар: “Сайру сулукдан мақсад нима? У киши жавоб беради: – “То маърифати ижмолий тафсилийга айлансин, яъни солиқ хабарчидан қисқагина қабул

қилинган нарсани тафсил йўли билан тўла таниб олсин”. Баҳоуддин ижмолий маърифат босқичидан далилу ҳужжат воситаси билан, яъни ақлу тафаккур ила амал қилиш мумкинлигини айтади. Тафсилий маърифат мартабасида эса – кашф ва аёнлик бўлиб, Аллоҳ инояти орқали Яқин ҳосил бўлади.

Ҳазрат Баҳоуддин “Тавҳидга етиш осон, лекин маърифатли бўлиш мураккаб жараён, шунинг учун унга пиру муршид раҳбарлиги орқали етишиш мумкин”, дейди. (тавҳид – Аллоҳнинг ягоналигини идрок этиш).

72. “Сенга зид йўқ” – ибораси билан Ҳазрат Баҳоуддин Аллоҳнинг ягоналигини ва унга зид – қарши бўлган бирор нарса ва ҳодиса йўқлигини таъкидламоқда. Нарса ва ҳодисаларнинг қарама-қарши томонлари ўртасидаги муносабат зиддият, дейилади. Борлиқдаги жамики мавжудот Аллоҳдан ташқари ички зиддиятларга ва бир-бирига қарама-қарши бўлган томонларга эга. Аллоҳнинг шериги йўқлиги учун Унинг зидди бўлиши ҳам мумкин эмас, деган ғоя Нақшбанд таълимотини ташкил этади. Қарама-қарши бўлган ҳар бир нарса, бирга бўлса улар ўртасида зиддият, бинобарин ўзгариш ва бузилиш бўлади. Аллоҳнинг зидди йўқлигидан Унинг сифатлари ҳам абадий ва ўзгармасдир.

73. “Сенинг ҳаддинг йўқ” – ибораси орқали Шоҳ Нақшбанд Аллоҳнинг куч-қувват, сифату миқдори, замон макон, жамолу жалолининг меъёри, ўлчови ва чегараси йўқлигини айтади. Аллоҳ томонидан яратилган ҳар бир нарса табиатда миқдор ва сифат бирлигига эга. Миқдор ва сифатнинг бирлиги, ўзаро боғлиқлиги меъёр тушунчасида ифодаланади. Меъёрни – нарса ва ҳодисанинг ҳадди, дейиш

мумкин. Чунки меъёрдаги миқдорий ўзгариш сифат ўзгаришига олиб келади. Аллоҳда ҳадд, меъёрнинг йўқлиги Унинг ўзгармас ва абадийлигидан далолат беради.

74. “Сенинг шоҳидинг йўқ” – Нақшбандия таълимотида Аллоҳнинг бутун оламни Ўз иродаси ва ҳоҳиши билан якка Ўзи томонидан яратилганига ишора қилинади. Бунда Аллоҳнинг шериги йўқлиги ва шунинг учун оламни яратишда шоҳиди ҳам йўқлиги таъкидланмоқда.

75. “Сени манъ қиладиган тенгинг йўқ” – Аллоҳнинг тенгсиз ва ягона эканлиги ва у истаган ишни қила олиши, унга қарама-қарши тура оладиган бирор куч-қувват йўқлиги айтилаяпти.

76. “Латиф” – касиф, дағал, қўпол, ғализ, тушунчасига қарши турган юмшоқ, мулойим, нозик пок маъносини англатадиган арабча сўздир. Нақшбандия таълимотига асосан, бутун борлиқ латиф ва касиф нарса ва ҳодисалардан тузилган. Касиф фоний, тез бузиладиган, ўзгарувчан, кўзга кўриниб турувчи ва инсон ақли билан била оладиган нарсадир. Латиф бўлса ўта нозик, кўз ва ҳиссий узвлар билан кўринмайдиган, лекин ғайб ва руҳият оламининг асоси бўлган жавҳардир. Шу латиф жавҳар бутун борлиқнинг аслида туради. Шунинг учун Нақшбанд Аллоҳдан бизни латиф денгизингга ғарқ этгил, деб моҳиятни билишда мадад сўрайдилар.

77. “Нурларнинг нури” – Ҳазрат Баҳоуддиннинг Аллоҳга бераётган таърифи. Нур тасаввуфдаги муҳим истилоҳдир. Илоҳий нур бу илоҳий ҳақиқатни ошкора этгувчи бўлиб, барча нурлар – кўриш нури, эшитиш нури, маърифат, ҳақиқат ва ҳоказо нурларнинг асосидир. Бошқа нурлар Илоҳий нур, яъни Нурларнинг

Нуридан ҳосил бўлади ва ундан қуйироқ даражада туради. Қуръони Каримда “Нур” сураси бўлиб, унда Аллоҳ Нурларнинг нури деб тилга олинади. Шу билан бирга биринчи Нур ва пок нур бу Муҳаммад нури деб аталади ва ундан бошқа нурлар ҳосил бўлган, дейилади. Аллоҳ нур билан тенглаштирилмайди, балки нур орқали Аллоҳ ўзини намоён этиши, ошкора бўлиши ва кўриниши айтилади.

78. “Сирларнинг Кашшофи” – Аллоҳ таърифларидан бири. Борликдаги сирларни фақатгина У ва Унинг истаги билан инсонлар кашф қила оладилар. Кашф – тасаввуфий тушунча бўлиб, ғайб олами сирларини қалб кўзи орқали идрок этишдир. Нақшбандия таълимотида сир деб қалб ва руҳдан латиф бўлган, қалб кўзи очилиб, руҳият иқлимларини тўла ўрганган кишиларга намоён бўладиган Амр оламининг маҳсулига айтилади. Сирнинг кашф бўлиши 2 хил бўлади: 1. Шаклан – яъни – кўзга кўриниши, овози эшитилиши, таъми ва ҳидини билиши орқали. 2. Маънавий – асл ҳақиқатига етиш орқали.

79. Саттор – Аллоҳ номларидан бири бўлиб, Унинг айбларни ёпувчи, пардапўш эканлигини англатади. Аллоҳга “Саттор – ул-уюб” деб муножот қиладилар. Бу Аллоҳнинг айбларни ёпувчи эканлигига ишоратдир. Бу номни англаб тилга олган киши Аллоҳнинг ушбу гўзал сифати билан ўзини безайди ва бошқаларга нисбатан айбларни ёпувчи бўлади.

80. Эҳсон мақоми – тасаввуфдаги руҳий камолот даражаларидан бирини англатади. Мақом муҳим тасаввуфий тушунча бўлиб, инсон руҳий камолотининг манзил ва маконларини билдиради. Эҳсон – арабча сўз ўлароқ, яхшилик, лутфу марҳамат, карам, бағишлаш маъносида келади. Эҳсон мақомида мустаҳкам бўлиш

– керакли вақтда одамларга ёрдам беришга тайёр туриш демакдир. Ҳадисларда ёзиладики, эҳсон Аллоҳ сени кўриб турганидек ибодат қилмоғингдир. Агар сен кўрмаётган бўлсанг, У сени кўриб турибди. (Ҳадис. 1-том. 25-бет).

81. Васиъ – Аллоҳ номларидан бири бўлиб, унинг илми ҳамма нарсани ўраб олганлигини англатади. Бу Аллоҳга хос хусусият инсонни ҳам кенг ва чуқур илм эгаси бўлишга ундайди.

82. Валий – Аллоҳнинг ўз дўстларини яқин тутиб, уларга ёрдам беришини ифодаловчи номи. Бу исм билан безанган мўминлар барча халққа дўстлик муносабатида бўлиб, уларга ёрдам берадилар. Шунингдек, халқ ҳам уларга меҳрибон бўлади.

83. Волий – Аллоҳнинг бутун махлуқот ишларини идора этувчилигини англатадиган исми. Бу исмнинг моҳиятини англаган киши ўзидаги бор қувватларини идора этадиган бўлади.

84. Алий – бу исм Аллоҳнинг буюклигини англаш орқали барча халқ ожизлигини англатади.

85. Олий – Аллоҳнинг воқелиқда энг юксак мақомда туришини англатувчи исмларидан бири.

86. Аҳад – Аллоҳнинг номи бўлиб, Унинг якка-ягона эканлигини англатади.

87. Ваҳҳоб – Аллоҳ исмларидан бири, ғайб хазиналарини мўл қилувчи эканлигини билдиради. Ҳазрат Баҳоуддин Аллоҳнинг бу исмини айтиб зикр этишга алоҳида эътибор берганлигини манбалар кўрсатади. “Мақомот”да ёзилишича у Яъқуб Чархийга зикр талқинини ўргатганидан кейин Чархий тушида ўзини сувда кўради. Баҳоуддин буни шундай изоҳлайди: “Бу тоатнинг қабул бўлганидан, дилнинг зикр туфайли тирилганидан далолат беради”.

Байт:

Дил чу моҳи, зикр чун об аст.

Зиндагии дил ба зикри Ваҳҳоб аст.

Мазмуни:

Қалб балиқ каби, зикр эса сувдир.

Ваҳҳоб зикри билан – қалб тириклиги.

Балиқ сувда яшаб тирик турганидек, қалб зикр туфайли тирик. Зикрда, Ваҳҳоб исмини зикр этиш қалбни тирилтириши айтилади, чунки Аллоҳнинг бу исмини англаган ҳолда зикр этиш, ғайб хазиналаридан кўплаб баҳраманд бўлишга олиб келади.

88. Фаттоҳ – Аллоҳ исми бўлиб, унинг зўрликларни енгиб хайр эшикларини очувчи эканлигини кўрсатади. Аллоҳнинг бу сифатини англаган ҳолда, эрталабки намоздан кейин ўнг қўлни юрак устига қўйиб бу исмни 71 марта ўқиганларнинг кўнгиллари покланиб, сирлари нурланади, амаллари қулайлашиб, ризқу насибалари баракали бўлади. Чунки инсон ўз қувватларини беҳудага сарфламай, Аллоҳга таваккал қиладиган бўлади. Бу исмни такрорлаш инсонни ғафлатдан уйғотади.

89. Муҳйи – Аллоҳнинг ҳаётсизларга ҳаёт бериш қудратини ифода этувчи исми. Бу исм туфайли бўғим-бўғимидан ажраб тўзиб кетган суяклар бир-бирига қўшилиб жон киради. Бу исмни англаб, моҳиятини тушуниб зикр этиш кишини доимо тирик, жонли, соғлом ва ҳаракатчан бўлишга олиб келади.

90. Мумит – Аллоҳнинг ўзи белгилаган вақтда ажал шарбатини ичира олишини англатадиган исми. Бу исм моҳиятини тушунганлар Уни зикр этиш орқали ўз нафсларини ўлдирадилар. Бу исм баракотидан кишининг нафси Унинг фармонида бўлади.

91. Қахҳор – Аллоҳнинг бутун махлуқотни ўз қўлида ожиз ва ночор қилувчи қудратли зот эканлигини англатувчи исми. Бу исмни ўқиган кишининг кўнгли равшан бўлиб, маънонинг эшиги очилади, чунки Аллоҳ кудратини ҳар бир иш ва воқеада кўрадиган бўлади.

92. Салам – Аллоҳ исми бўлиб, унинг бутун нуқсон ва ёмон сифатлардан саломат эканлигини кўрсатади. Бу исмни англаб, ушбу гўзал ахлоқ билан безанган кишининг ўзи ҳам нуқсон ва ёмон сифатлардан холи бўлади.

93. “Уларга меҳрибон Парвардигор томонидан салом айтилур” Қуръони Каримнинг “Ёсин” сурасидага 58-оят. Тасаввуфда тажаллий – кўриш, намоён бўлиш, деган тушунча бор. Тажаллий тушунчасига асосан бутун борлиққа қараб Аллоҳ зоҳирини кўриш ва моҳиятини англаб, ботинига етиш мумкин. Шу билан бирга аҳли жаннатга – яъни жаннатий сифатли кишиларга у намоён бўлиши мумкин. Бу оят Қуръони Каримда маълум бўлган еттита саломнинг биринчисидир. У шифобахшлик хусусиятига ҳам эга. Шунинг учун Наврўз байрами дастурхонида Бухорода “Ҳафтсалом” номли шарбат тортадилар ва унга Қуръони Каримдан етти салом, инчунин, бу оятни ҳам заъфар билан ёзиб қўядилар. Баҳоуддин Нақшбанд бу оятлар орқали пок қалбли кишиларга Аллоҳ тажаллий этишини англамоқчи бўлган.

94. Қуръони Карим “Бақара” сурасининг 137-ояти. “Илми тасхир”да ёзиладики, ҳар ким бомдод намозидан кейин етти маротаба бу оятни такрорласа, Аллоҳ бу сўзнинг баракотидан барча ишларининг ҳожатини ҳосил қилади. Агар киши бу оятни ҳар фарз

намозидан кейин ўқиса, ҳаргиз кишига муҳтож бўлмас ва муроду мақсадини Аллоҳ беради.

95. Қуддус – Аллоҳнинг зоти ва исмлари бутун айб ва нуқсонлардан холи эканлигини билдиради. Шунинг учун ҳам бу исмни такрорлаш билан инсон ҳам ўзидаги бутун айб ва нуқсонлардан пок бўлиб, кудсий сифатларни эгаллашга уринади.

96. Муъмин – Аллоҳнинг барча пайғамбарларни тасдиқ этиб туришини билдиради. Бу билан инсонларда ҳам пайғамбарлар келтирган хабарларига нисбатан шак-шубҳа қолмайди.

97. Муҳаймин – Аллоҳнинг ҳаддан зиёда кузатувчилигини англатади. Бу исмни такрорлаган шахс Аллоҳдаги мазкур сифатни эгаллаб, оламдаги барча воқеа ва ҳодисаларнинг энг нозик томонлари ва ботинидаги маънони кузатиб англайдиган бўлади.

98. Азиз – Аллоҳ мутлақ ғолибиятнинг ягона соҳиби эканлигини кўрсатади. Бу исм кишини илоҳий гўзал ахлоқ билан безанишга чорлайди. Чунки шундай бўлганда киши азиз, яъни мутлақ ғолибият соҳиби бўлиши мумкин.

99. Жаббор – Аллоҳнинг мутлақ ислоҳ ва қаҳр қилувчи эканлигини англатади. Бу исмни такрорлаш орқали инсон ўзидаги ҳайвоний ва нафсоний сифатларга қаҳр қилиб, уларни ислоҳ қилиш сари интилади.

100. Мутаккабир – Аллоҳнинг дабдаба ва кибриёда ёлғизлигини англатади. “Ё Мутаккабир” исмини англаб такрорлаган кишининг хайру баракаси кўпаяди, чунки у кибр қилишга фақатгина Аллоҳ ҳақлигини англайди ва Унинг кибриёсини тан олади ва бу билан ўз қалбининг файз олиши учун имконият яратади.

101. Барий – Аллоҳнинг исми бўлиб, унинг махлуқотни айбсиз қилиб яратишини англатади. Аллоҳнинг бу сифати билан танишган киши ҳар бир қиладиган ишининг айбсиз бўлиши учун ҳаракат қилади.

102. Мусаввир – Аллоҳнинг борлиқдаги жамики нарсаларга шакл ва сурат берувчи эканлигини англатади. Шунинг учун борлиқдаги гўзалликка қараган киши унинг Мусаввири бўлган Аллоҳни кўриш керак.

103. Мубдий – Аллоҳнинг исми бўлиб, бутун махлуқотни йўқдан бор қилганлиги ва шу исм туфайли Аллоҳнинг қудрати билан руҳ баданга кирганлигини англатади. Ҳар бир янгилик яратмоқчи бўлган киши ва фарзанд талабида бўлган бу исмнинг моҳиятини англаб, такрорлаб турсалар мақсадларига етадилар.

104. Муъид – Аллоҳнинг исми бўлиб, ўлимдан сўнг тирилтиргувчилик қудратини англатади.

105. Муъиз – Аллоҳ исмларидан бири: кишиларни азизу муҳтарам қилувчи эканлигини билдиради. Аллоҳнинг бу сифати инсонларни бир-бировига нисбатан иззат ва ҳурмат билан муносабатда бўлишга ундайди.

106. Барр – Аллоҳнинг эҳсон этувчи эканлигини англатадиган исмидир. Буни англаб тилга олган киши эҳсон мақомига киради ва шунинг учун ҳам улуғ бўлади.

107. Муҳсий – Аллоҳнинг зарралардан бутун коинотдаги буюк нарсаларгача ҳар нарсанинг ҳисобини билгувчи эканлигини англатувчи исми. Бу исм моҳиятини билган киши барча ҳисоб-китоб билан боғлиқ ишларида ҳалол ва пок бўлиб, фақат Аллоҳга таваккал қиладиган бўлади.

108. Қобиз – ажали келганларнинг руҳини олувчи эканлигини англатувчи Аллоҳнинг исми. Бу исм Аллоҳнинг ердаги халифаси бўлган инсонга ўзидаги йўқ бўлиши керак бўлган ёмон сифатлари устидан ҳукм чиқаришда ёрдам беради.

109. Басит – истаган махлуқига руҳ ва ҳаёт берувчи эканлигини англатувчи Аллоҳнинг исми. “Илми тасхир”да ёзиладики, бу исм баракотидан фаришта Микоил ризқ тақсим қилади. Бу исмни англаб такрорлаган киши руҳ ва ҳаёт берувчи Аллоҳ эканлигини англайди ва ҳеч кимга эҳтиёж сезмайди. Шу билан ҳар қандай ғамдан халос бўлади. Бу исм баракотидан ризқ эшиги очилади.

110. Муқит – Аллоҳнинг исми бўлиб, моддий ва маънавий ризқлар яратиб, хилқатига сарфлаш қудратига эгалик қилувчи эканлигини англатади.

111. Содик – Аллоҳнинг тўғри сўз эканлигини англатувчи исми. Бу исм ҳар бир инсонни тўғри сўзли бўлишга ундайди.

112. Боқий – Аллоҳ борлигининг охири йўқлиги, яъни абадий мавжудлигини англатувчи исмидир. Ҳар бир сўфий боқийлик ҳолатига етишиш учун умр бўйи риёзат чекади.

113. Нафиз – Аллоҳнинг хайрли ва фойдали нарсаларни яратувчи эканлигини англатувчи исмидир. Бу исм инсонларни хайрли ва фойдали ишга ундайди.

114. Зарр – Аллоҳнинг зиёнли нарсаларнинг ҳам яратувчиси эканлигини англатувчи исми. Бу исм ҳар бир ёмон ва зиёнли ишда Аллоҳнинг бир ҳикмати яширинган бўлиши ва шунинг учун ҳам ёмонлардан сабоқ олиб, яхши бўлиш учун ҳаракат қилиш кераклигини англатади.

115. Муқаддам – Аллоҳнинг ўзи истагани олдинга ўтказувчи эканлигини англатувчи исми. Бу исм инсонларда фаришталардек сифатларни шакллантиради. Инсон агар Аллоҳ истаса уни олдинга ўтказиб қўйиб, баланд мартаба беришини англайди ва рақобат қилиб ўз рақибига нисбатан нотўғри йўлни тутишдан сақланишга беради. “Илми тасхир”да маълумот берилдики, бу исм туфайли Мусо пайғамбар қувват топиб, Тур тоғида Аллоҳ билан розлашган. Агар кишининг иши олдинга силжимаса, бу исмни англаб, ўқиб Аллоҳдан тиласа иши олдинга кетади.

116. Муаххир – Аллоҳнинг ўзи истаганини орқага сурувчи эканлигини англатувчи исмидир.

117. Ғани – Аллоҳнинг жуда бадавлат эканлигини ифодаловчи исми.

118. Муғни – Аллоҳнинг ҳар кимга бойликдан етарлича берувчи ва истаганини бадавлат қилувчилигини англатувчи исми.

119. Мунтақим – Аллоҳнинг жиноятчилардан илоҳий адолат ила интиқом олувчи эканлигини англатувчи исми.

120. Таввоб – Аллоҳнинг тавба қилувчиларнинг тавбасини қабул қилувчи ва раҳмати билан уларни кечирувчи эканлигини англатувчи исмидир.

121. Самий – Аллоҳнинг эшитувчи эканлигини англатувчи исм. Унинг эшитиши инсондан фарқли бўлиб, азалий, абадий ва чексиз қувватга эга ва фақат ошкора сўйлагувчиларни эмас, балки, ботинда, қалбидан бир ўй ўтса-да, эшитгувчи эканлигини англатади.

122. Басир – Аллоҳнинг ҳар нарсани кўриб-кузатиб туришини англатувчи исми: Албатта, унинг кўриши инсондан фарқ қилади. Аввало, инсонга кўриш

қуввати Аллоҳдандир, шу билан бирга унинг чегараси бор. Аллоҳнинг кўриш қуввати азалий, абадий ва чексиз бўлиб, у харсангтош ичидаги бир заррани бўлса-да кўра олади. Бу исми англаб такрорлагани учун пайғамбарлар меърож топганлар. Бу исми зикр этиш туфайли Аллоҳ барча исмларининг сирлари очилади ва кишининг кўриш қуввати юксалиб, ғаройиб нарсалар унинг кўзига кўринади.

123. Ҳасиб – Аллоҳнинг исми. У ҳар кимнинг бошидаги қойимдир, ҳар кимнинг умр бўйи қилган ишларини энг нозик томонларигача ҳисобини олувчи эканлигини билдиради.

124. Ҳакам – Аллоҳнинг исми, Ҳукмнинг мутлақ соҳиби маъносини англатади.

125. Адл – Аллоҳнинг чин адолат соҳиби, ҳар иш ва ҳар нарсани лойиқлик билан қилгувчи эканлигини билдиради.

126. Рақиб – Аллоҳ исми бўлиб, муҳофаза қилиб кузатувчи эканлигини англатади. Унинг ўз бандалари ҳолидан огоҳлигини кўрсатади.

127. Мунир – Нур берувчи, нурли, нур чиқиб турувчи маъноларини англатувчи бу ном билан Аллоҳга мурожаат қилиниб, шу орқали нурларнинг асли, макони ва манзили унинг ўзи эканлиги билдирилмоқда.

128. Бозих – Аллоҳнинг исми бўлиб, азим ва кабир маъносини англатади.

129. Шамих – Аллоҳ исмларидан бири: Унинг юксак мартаба соҳиби, баланд даражадалигини англатади.

130. Мужиб – Аллоҳнинг исми бўлиб, Унинг дуоларни қабул қилувчи зот эканлигини кўрсатади. “Илми тасхир”да ёзилишича, Одам пайғамбар бу

исмнинг баракотидан барча нарсаларнинг отини билди, бу исмни ўқиб амал қилувчи бандаларга Худо яхшилик ато қилади, бошқа бандаларининг олдида иззат ва ҳурмат беради.

131. Рашид – Аллоҳнинг исми бўлиб, бу исм Унинг иршод ва далилга муҳтож бўлмаган зот, йўл бошловчи, йўлни кўрсатувчи эканлигини билдиради.

132. Сабур – Аллоҳнинг исми бўлиб, Унинг ғоятда сабрли эканлигини кўрсатади ва бу исм орқали бандаларни ҳам сабрли бўлишдек ахлоқий сифатларга чорлайди.

133. Муқсит – Аллоҳнинг номи бўлиб, мазлум ҳаққини солимдан олгувчи эканлигини англатади ва унинг адолат қилувчилигини кўрсатади.

134. Муъти – Аллоҳнинг номи бўлиб, яхшилик бергувчи маъносидадир. Ато қилиш, бағишлаш фақат Аллоҳга хос эканлигини кўрсатади.

135. Маниъ – Аллоҳнинг бир нарсанинг бунёд бўлишида тўсқинлик қилмаслигини англатувчи исми.

136. Вакил – Аллоҳнинг барча махлуқот ишларини битирувчи ва лозим бўлганини яратувчи эканлигини англатувчи исми.

137. Шоҳид – Аллоҳнинг ҳар бир нарсани нозиклиги билан билиб турувчи эканлигини англатувчи муборак исмидир.

138. Матин – Аллоҳнинг жуда соғлом, юмушлари устивор эканлигини англатувчи исми. Бу исм баракотидан дарахтларнинг меваси ва булоқларнинг суви яратилган экан. Ҳақиқат аҳли айтадики, “кимки бу исмни кўп ўқиса Аллоҳ шу бандани ўзига яқин қилур”.

139. Важид – Аллоҳнинг истаган нарсасини билгувчи зотлигини англатувчи исми. Ҳақиқий

толибларда бу исм орқали Аллоҳга муҳаббат ҳосил бўлади. Киши бу исмни англаб, такрорлаб таом еса барча қувватлари нур бўлиб, у ҳам истаганини била олиш қудратини эгаллайди.

140. Қуръони карим. Буруж сураси 20-21 оятларга ишора.

141. Қуръони Карим. Бақара сураси. 238-оят.

142. Ҳаким – Аллоҳнинг ҳикмат соҳиби ва қуллари орасида ҳукм этувчи эканлигини англатади.

143. “Барча ҳайвонларни Аллоҳ ҳалок қилади”. Бу ибора Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд таълимотидаги боқий ва фоний, ўзгарувчан ва барқарор, абадий ва йўқ бўлиб кетиш борасида илгари сурилган тушунчаларнинг мағзидир. Нақшбандия таълимотида инсон энг мукаррам зот, Аллоҳнинг ердаги халифаси бўлиб, агар у ўзининг бандалик мақомида қойим бўлса ва барча илоҳий ахлоқни ўзида мужассам этса, Аллоҳкаби абадий барҳаёт бўлади. Лекин инсонда, илоҳий, малакий томонлари билан бирга ҳайвоний хусусиятлар ҳам мавжуд. Ҳайвонлар барча моддий нарсалар каби ўзлари олдидаги вазифани адо этгандан кейин йўқ бўлиб кетадилар. Инсон тубанлашиб ҳайвоний сифатларга асир бўлиб қолса, у ҳам йўқ бўлиб кетади.

144. Бу ерда Қуръони Каримдаги муқатаъот ҳарфлари келтирилган. Улар Марям ва Шўро сураларининг ояти.

145. Қодир – Аллоҳнинг номи ва сифати бўлиб, унинг бутун куч-қувват ва қудрат соҳиби эканлигини англатади. Шунинг учун у ниманики истаса, уни амалга оширишга қодирдир.

146. Фотир – илк яратувчи деган маънони англатади. Қуръони Каримнинг 35-сураси шу ном

билан аталади. Бу сурадаги оятлар коинотдаги ҳар бир махлуқот ўзининг нечоғли мукамаллиги ва ўта нозик интизоми билан ниҳоят даражада қудрат ва ҳикмат эгаси бўлган Аллоҳ каби Илк Яратувчи мавжуд эканлигини кўрсатади. Демак, Фотир Аллоҳнинг гўзал исмлари билан биридир.

147. Хобир – Аллоҳнинг ўз бандалари ботин ва ошкора амаллари, феъл ва сўзларини билувчи эканлигини англатувчи исми.

148. Ҳақ сўзлагувчи – Аллоҳнинг Ҳақ, рост калом соҳиби эканлигини англатувчи исми. Аллоҳни Мутакаллим, яъни ўз каломи билан бизларни ҳам йўлга бошловчи сифатга эга эканлиги манбаларда ёзилади. Аллоҳнинг Ҳаққ сўзларидан бу 4 муқаддас китоб ва бошқа сухуфлардир. Охирги мукамал Ҳаққнинг каломи – Каломи Оллоҳ – бу Қуръони Каримдир. Бу китоб қалби очиқ кишиларни тўғри йўлга бошлайди. Шу билан бирга Аллоҳ бутун зоҳир бўлаётган нарсалар орқали сўзлайди. Унинг рамз ва ишораларини фаҳмлаган, қалб кўзи билан кўрган киши тўғри йўлга боради. Аллоҳнинг сўзлашуви биз оддий бандалардан фарқ қилади. У бекому безабон сўзлайди. Унинг сўзлари азалий ва абадий. Бизлардек, маълум ёшга етиб гапира оладиган бўлиб, тил бўлмаса гапира олмаслик хусусияти Унга бегона.

149. Ҳаннон – Аллоҳнинг сифати бўлиб, раҳм қилувчи маъносини англатади. Бу билан Аллоҳнинг раҳм қилувчи эканлигини кўрсатади. Модомики, Аллоҳнинг ердаги халифаси инсон экан, унда ҳам шу сифатлар бўлиши лозимлигига ишора этилади.

150. Маннон – Аллоҳнинг сифати бўлиб, унинг жуда кўп яхшилик қилувчи эканлигини, бағишловчилигини, неъматларни сўрамасдан берувчилигини

англатади ва инсонни ҳам бу сифатлар билан безанишга чақиради.

151. Дайён – Аллоҳнинг сифати бўлиб, унинг барча нарсани ҳисобловчи эканлигини, мукофотловчи, жазоловчи, қаҳр қилувчи эканлигини англатади.

152. Бу ерда Қуръони Каримнинг “Саффот” сурасининг 180-182 оятлари келтирилган. Одатда бутун дуолар шу ояти карималар билан тугайди. Баҳоуддин Нақшбанд ҳам ўз “Аврод”ини ушбу дуо билан хатм қилганлар.

МУНДАРИЖА

Баҳоуддин Нақшбанднинг «Аврод» рисоласи қўлёзмасининг биринчи бети	3
Нажмиддин Комилов “Аврод” асарининг таржимаси ҳақида	4
Баҳоуддин Нақшбанд – жаҳоншумул таълимот асосчиси	5
Баҳоуддин Нақшбанднинг “Аврод” рисоласи хусусида	38
Баҳоуддин Нақшбанд. А В Р О Д	48
ИЗОҲ ВА ШАРҲЛАР	67

*Баҳоуддин Нақшбанд таваллудининг
700 йиллигига тухфа*

БАҲОУДДИН НАҚШБАНД

АВРОД

Муҳаррир:	А. Абдужалилов
Техник муҳаррир:	Ю. Ўринов
Мусахҳиҳа:	Н. Султанова
Саҳифаловчи дизайнер:	И. Заҳидова

Наш.лиц. № АІ 245, 02.10.2013.

Теришга 00.00.2019 йилда топширилди. Босишга
00.00.2019 йилда рухсат этилди. Бичими: 60x84 ¹/₁₆.
Офсет босма. РТ Serif гарнитураси. Шартли б.т. 0.00.

Нашр б.т. 0.00. Адади: 5000 Буюртма №00.

Баҳоси шартнома асосида

“Sano-standart” нашриёти, 100190, Тошкент шаҳри,
Юнусобод-9, 13-54. E-mail: sano-standart@mail.ru

“Sano-standart” МЧЖ босмаҳонасида босилди.

Тошкент шаҳри, Широқ кўчаси, 100-уй.

Телефон: (371) 228-07-96, факс: (371) 228-07-95